

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**


**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2019-1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2019

	ТАҲРИР ҲАЙАТИ:	МУАССИС
АХБОРОТНОМА 2006-ЙИЛДАН ЧОП ҚИЛИНИБ БОШЛАГАН	АБДУЛЛАЕВ Икрам, б.ф.д.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси
	АБДУЛЛАЕВ Баҳром, ф-м.ф.д.	Бош муҳаррир Икрам Абдуллаев
	АБДУЛЛАЕВ Равшан, тиб.ф.д.,проф.	Бош муҳаррир ўринбосари Ҳасанов Шодлик
	АБДУҲАЛИМОВ Баҳром, т.ф.д.,проф.	Ўзбекча матн муҳаррири Рўзметов Дилшод
	АХМЕДОВ Муҳаммад, арх.ф.д.	Русча матн муҳаррири Ҳасанов Шодлик
	БОБОЖОНОВ Мақсуд, т.ф.д., проф.	Инглизча матн муҳаррири Мадаминов Руслан Ламерс Жон
	ДАВЛЕТОВ Санжар, тар.ф.д.	Техник муҳаррир Артикбаева Гулстан
	ДУРДИЕВА Гавхар, арх.ф.д.	Мусахҳиҳ Абдулла Ўрозбоев
	ИБРАГИМОВ Бахтиёр, к.ф.д., акад.	ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ 220900, Хива, Марказ-1 Тел/факс: (0 362) 375-70-01 E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
	ИБРАГИМОВ Назар, к/х.ф.д., проф.	 (+998) 93-569-16-70
	ИСҲОҚОВ Мирсодиқ, т.ф.д.	Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган
	ҚОДИРОВ Шавкат, к/х.ф.н.	ГУВОҲНОМА № 13-027
ЛАМЕРС Жон, к/х.ф.д., проф.	Теришга берилди: 10.01.2019 Босишга рухсат этилди: 04.02.2018. Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 80. Ҳажми 9,0 б.т. Буюртма: № 1-Т	
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.	Хоразм Маъмун академияси босмахонасида чоп этилди. Хива, Марказ-1	
МИРЗАЕВ Сирожддин, ф-м.ф.д., проф.	ISSN 2091-573 X	
РАҲИМОВ Раҳимбой, т.ф.д., проф.	Нашр учун масъул Ш. Ҳасанов	
РЎЗИБОЕВ Рашид, тиб.ф.д., проф.		
РЎЗИМБОЕВ Сапарбой, ф.ф.д., проф.		
РЎЗМЕТОВ Бахтиёр, и.ф.д., проф.		
САДУЛЛАЕВ Азимбой, ф-м.ф.д., акад.		
САЛАЕВ Санъатбек, и.ф.д., проф.		
САФАРОВ Каримжон, б.ф.д., проф.		
СОБИРОВ Ражаббой, фарм.ф.д., проф.		
ЎРАЗБОЕВ Ғайрат, ф-м.ф.д.		
ЎРОЗБОЕВ Абдулла, ф.ф.д.		
ҲАЖИЕВА Мақсуда, фал.ф.д.		
ҲАСАНОВ Шодлик, к.ф.н.		
2019 1(50)		

МУНДАРИЖА

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Амиров О.О., Каримова Р.Р., Собирова Х.Г., Кучбоев А.Э. Бухоро буғусининг ошқозон-ичак нематодалари: уларни морфологик ва молекуляр жиҳатдан идентификациялаш	5
Джонибекова Н., Аҳмедова М. Хоразм воҳаси сув ҳавзаларида учрайдиган зулукларнинг биоэкологик-фаунистик таркибини аниқлаш	9
Рахимов М.Ш. Микроартроподы в различных агроценозах и естественных экосистемах Паркентского тумана Ташкентской области	11
Холикназаров Б. Биогенетик қонун, онтогенез, ривожланиш цикли: тарихи, ҳозирги ҳолати, муаммо ва ечимлар	13
Хуррамов А.Ш., Жумаева С.Б. Обнаружение и распространение <i>Anguina tritici</i> (Steinbuch, 1799) Chitwood, 1935 на пшенице на территории Узбекистана	20
Хуррамов А.Ш., Соатова З.А. Обнаружение и видовое разнообразие корневых экто и эндопаразитических фитонематод зерновых культур	23

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Абдуллаев А.Ж. Тошкент вилояти қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг ривожланиши ва жойлашуви таҳлили	26
Мўминов Х.И. Хорижий туристлар миқдорини тренд тенграмаси асосида прогнозлаш	30
Олланазаров Б. Давлат-хусусий шерикчилиги механизми асосида туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари	36
Таджиев Б.У. Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда «Ҳар бир оила-тадбиркор» давлат дастурининг роли	41
Юсупова М.У. Эффективное управление финансами в высших учебных заведениях	50

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Rahimova Sh.A., Jumaniyazov J.N. Buyuk sayoxat yoxud mennonitlarning Xorazm tarixida tutgan o'rniga yangicha nazar	53
Полвонов Н.Т., Шерипов У.А. Қўқон ва Хива хонлиқларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир (XIX аср)	55
Собиров Қ., Бобохонов Қ. Ўзбек халқи давлатчилигининг илк манбалари (қадимги тош даври материаллари асосида)	60
Эргашев Ж.Ю. Бухоро хонлиги қарвонсаройлари ҳақида айрим мулоҳазалар	63
Эргашев Ж.Ю. Савдо йўлларида сардобаларнинг аҳамияти хусусида (Бухоро хонлиги мисолида)	68
Юсупов И.С., Жуманиязов Ф.Б. Истиклол йилларида воҳада алоқа соҳасани ривожига янги хизмат турларини жорий этилиши	72

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

Матякубов Б.Ш. Суғоришда сув маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари	75
Матякубов Б.Ш. Суғориш сувидан самарали фойдаланишда тежамкор технологиянинг аҳамияти	77

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ibodullayeva G.J., Soatmurodova Sh.Z. Intensification in the field of teaching foreign language	80
Ibodullayeva G.J., Soatmurodova Sh.Z. Modification of adequate translation in Uzbek and English proverbs	81
Атаева Н.С. Инглиз ва ўзбек тилларидаги банк-молия терминларининг лексик-семантик хусусиятлари	83
Қурбонов Н.Б. Ўзбек ва инглиз тилларидаги образли номланишли топонимларнинг	

тарихий-қиёсий тадқиқи масаласи	85
Турдалиева Д.С. Лингвопоэтические свойства пословиц в прозаических произведениях	87

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

Атаджанов Ж.А. Матнларни сўзларга ажратувчи тизимлар таҳлили	92
Атаджанов Ж.А. Матнларни ўқшашликка текшириш усуллари ва дастурий воситалари таҳлили	94

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Туйчиева С.С. Молодёжь - будущее Узбекистана	97
---	----

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ЎУК: 576.895.132.577.215

**БУХОРО БУҒУСИНИНГ ОШҚОЗОН-ИЧАК НЕМАТОДАЛАРИ: УЛАРНИ
МОРФОЛОГИК ВА МОЛЕКУЛЯР ЖИХАТДАН ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ***О.О. Амиров, Р.Р. Каримова, Х.Г. Собирова, А.Э. Кучбоев**ЎЗР ФА Зоология институти, Тошкент*

Аннотация. Гельминтологик тадқиқотлар натижасига кўра, Бухоро буғусида ошқозон-ичак нематодаларининг тухумлари аниқланиб, улар билан зарарланиш даражаси ўртача 22,4 %, тухумларининг сони 11-44 нусхани ташкил этди. Ушбу нематода личинкаларининг тур таркибини идентификация қилиш учун молекуляр-генетик тадқиқотлари ўтказилди ва натижада *Marshallagia marshalli*, *Haemonchus contortus*, *Ostertagia ostertagi*, *Teladorsagia circumcincta* ва *Nematodirus spathiger* турлари қайд қилинди.

Калит сўзлар: Бухоро буғуси, нематода, тухум, *in vitro*, личинка, ДНК, ПЗР

Аннотация. Гельминтологическое исследование показали, что у Бухарского оленя были обнаружены яйца нематод желудочно-кишечного тракта, их заражение составил в среднем 22,4%, а количество яиц - 11-44 экземпляров. Для идентификации личинок нематод до видового уровня проведены молекулярно-генетические исследования и в результате определены следующие виды: *Marshallagia marshalli*, *Haemonchus contortus*, *Ostertagia ostertagi*, *Teladorsagia circumcincta* и *Nematodirus spathiger*.

Ключевые слова: Бухарский олень, нематода, яйцо, *in vitro*, личинка, ДНК, ПЦР.

Abstract. The helminthological researches showed that ova of nematodes of the gastrointestinal tract were found in Bukhara deer, their infection made up average 22.4%, and the number of ova was 11-44 copies. Molecular genetic studies were carried out to identify nematode larvae to the species level, and as a result, the following species were identified: *Marshallagia marshalli*, *Haemonchus contortus*, *Ostertagia ostertagi*, *Teladorsagia circumcincta* and *Nematodirus spathiger*.

Key words: Bukhara deer, nematode, eggs, *in vitro*, larvae, DNA, PCR.

Кириш

Бухоро буғуси (*Cervus elaphus bactrianus* Lydekker, 1900) (Тўқай кийизи, Хонгул деб ҳам аталади) – Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг чўл-адир зонасида дарё ҳавзалари ўрмонзорларида тарқалган асл буғулар туркумига мансуб, камёб тур ҳисобланади. Шунингдек, бу тур Амударё ҳавзаси ҳудудида чекланган сонда тарқалганлиги аниқланган [3]. Одатда, бу кийик тури дарёлар атрофидаги тўқайзорларда доимий яшовчи, ҳеч қачон атрофда жойлашган тоғ минтақасига миграцияланмайдиган тур ҳисобланади. Олдин бу тур етарлича даражада кўп учраган. Бироқ, хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида тўқайзор ўсимликлар қопламанинг йўқ қилиниши, кесилиши ва ёқилиши оқибатида бу ҳудудда тарқалган кийикларнинг миқдори ҳам кескин камайиб кетган. Тарихий даврларда бу ҳайвон турининг тарқалиш ареали Амударё, Сирдарё ҳавзаси, Қизилқум ва Жанубий Оролбўйи ҳудудларини ўз ичига олган [4,10].

Э.И. Прядко [9] маълумотларига кўра дунё фаунасида Асл буғуларда (*Cervus elaphus*) 89 та тур гельминтлар паразитлик қилиши, улардан 7 таси трематода, 10 - цестода ва 72 - нематода синф вакиллари эканлиги қайд қилинган. К.К. Байтурсинов [2] маълумотларига кўра Қозоғистон ҳудудида кўриқланаётган Бухоро буғуларида 19 турга мансуб гельминтлар аниқланиб, улардан 2 тадан тур трематода ва цестодалар ҳамда 15 та тур нематодаларни ташкил қилган. Муаллифнинг таъкидлашича, жигарда паразитлик қилувчи – *Fasciola hepatica*, йўғон ичак бўлимида яшовчи – *Oesophagostomum columbianum* ва *O. venulosum*, шунингдек ўпкада паразитлик қилувчи – *Dictyocaulus eckerti* гельминт турлари буғулар сон миқдорига сезиларли даражада таъсир кўрсатишини тахмин қилган.

Ишнинг мақсади Ўзбекистонда Бухоро буғуларининг гельминтлар тухуми ва личинкаларини тур даражасида текшириш учун морфологик, молекуляр генетик тадқиқотлар ўтказиш ва улар билан зарарланиш динамикасини ўрганишдан иборатдир.

Материал ва текшириш усуллари

Мазкур иш учун материал 2012-2016 йиллар давомида Ўзбекистонни Самарқанд вилояти “Зарафшон” кўриқхонаси ва Қорақалпоғистон Республикаси “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати” да кўриқланаётган турли хил ёшдаги Бухоро буғуларидан фекалий намуналари олинди. Жумладан, “Зарафшон” кўриқхонасидан 14 бош ва “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати”

қўриқхонасидан 34 бош буғулардан олинди. Йиғилган намуналар асосида лаборатория шароитида гельминтооскопия, Фюллеборн ва кетма-кет ювиш усуллари билан нематода тухумлари йиғилди [3]. Фекалийдан йиғиб олинган нематода тухумлари физиологик эритма солинган Петри ликопчасига ўтказилди. Йиғилган тухумлар 28-30°C ҳароратли термостатда *in vitro* шароитда 15 кун давомида сақланди ва улардан чиққан личинкалар молекуляр тадқиқотлар учун 70% этанол эритмасига солинди.

Нематодалар тухумлари морфологиясини ўрганишда бир неча гельминтологик ишлардан [5-8], ML 2000 (MEIJI, Япония), Olympus CX31 (Optical Co.Ltd, Филиппин) ва Olympus CK2 (Optical Co.Ltd, Япония) микроскопларидан фойдаланилди.

Нематода личинкасидан умумий ДНКни ажратиш олиш учун ҳар бир намунага 20 мкл NaOH (0,25M) қўшилди ва 12 соат хона температурасида сақлаб, кейин эса 95°C гача ҳарорат шароитида 3 минут давомида сақланади, намуналар устига 10 мкл трис-HCl қўшилиб вортекс ва 2 минут центрифуга қилинади. Центрифугадан олиб 4 мкл дан HCl (1:15) қўшилади яна қайтадан вортекс ва центрифуга қилиб кейин 5 мкл тритон (2%) қўшилади. Кейин 95°C гача ҳарорат шароитида 3 минут сақлаб, -20°C ҳароратда сақланди.

Нематодалар рибосома ДНКси ITS-1+5.8S+ITS-2 соҳаси фрагментлари учун молекуляр таксономиясида кенг қўлланилувчи TW ва AB праймерларидан фойдаланиб нуклеотидлар ажратиш олинди [1,11]. Полимераза занжир реакцияси (ПЗР) қуйидаги схема бўйича амалга оширилди: 1 – босқич – 3 минут давомида ДНК нинг 95°C шароитда денатурацияланиши; 2 – босқич – ДНКнинг 93°C шароитда 20 секунд давомида денатурацияланиши; 3 – босқич – ДНКда 55°C шароитда 30 секунд давомида праймерларнинг юшатилиши; 4 – босқич – 72°C шароитда 2 минут давомида элонгацияланиш; 5 – босқич – 72°C шароитда 10 минут давомида занжирнинг элонгацияланиши. Иккинчидан тўртинчи босқичгача жараён цикл кўринишида 30 мартагача такрорланади.

ПЗР маҳсулотларида ДНКнинг мавжудлиги 1,0 % ли агароза гелида 130 V кучланиш билан электрофорез қилиш усулида аниқланди. ДНКнинг амплификацияси ва ДНКни гелдан ажратиш олишда ишлаб чиқарувчи кўрсатмаларига амал қилган ҳолатда, «Силекс М» (Россия, Москва) томонидан ишлаб чиқарилган реактивлар тўпламидан фойдаланилди.

ДНКни секвенс қилиш ABI PRISM® BigDye™ Terminator v. 3.1 реактивлар тўплами ёрдамида амалга оширилиб, реакция маҳсулотлари ABI PRISM 3100-Avant автоматик секвенаторида қайд қилинди.

Олинган нуклеотидлар кетма-кетлигининг таҳлили Bioedit, Clustal W ва DNASTAR™ маҳсул компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Иш бажаришда Biostat 2007 ва Microsoft Office Excel 2003 компьютер дастурларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили

Тадқиқот ишида Бухоро буғуларини гельминтологик жиҳатдан ўрганишда уларнинг ёши, зарарланиш даражаси ва 1 грамм фекалийдаги тухумлар сонига эътибор қаратилди (1-жадвал).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “Зарафшон” қўриқхонасида барча ёшдаги Бухоро буғуларининг нематодалар билан умумий зарарланиши - 21,4 % ташкил қилди (1-жадвал). Шундан 1 ёшгача бўлган ҳайвонлар зарарланмаган, 2 -3 ёшлиларида эса инвазия экстенсивлиги (ИЭ) -28,6 %, тухумлар сони ўртача - 27±3 нус., 3 ёшдан катталарида - ИЭ -16,6 %, тухумлар сони - 31±4 нус. ташкил қилди.

1-жадвал


Бухоро буғусининг нематода тухумлари билан умумий зарарланиши

Ҳайвонлар ёши	Қўриқхона номи					
	Зарафшон			Қуйи Амударё давлат биосфера резервати		
	Тек. хай. сони	Зарар. хай. сони (ИЭ%)	Тухумлар сони, нус (1 г)	Тек. хай. сони	Зарар. хай. сони (ИЭ%)	Тухумлар сони, нус (1 г)
1 ёшгача	1	-	-	3	1 (33,3)	11±3
2-3 ёшли	7	2 (28,6)	27±3	17	4 (23,5)	36±5
3 ёшдан катта	6	1 (16,6)	31±4	14	3 (21,4)	44±5
Жами:	14	3 (21,4)	151±9	34	15 (23,5)	220±11

“Қуйи Амударё давлат биосфера резервати” кўриқхонасидаги бугуларининг нематодалар билан зарарланиш – 23,5 % ташкил қилиб, шундан 1 ёшгача бўлган хайвонларда ИЭ -33,3 %, тухумлар сони ўртача 11±3 нус., 2 -3 ёшлиларда 4 –ИЭ -23,5%, тухумлар сони - 36±5 нус., 3 ёшдан катталарида – ИЭ -21,4%, тухумлар сони 44±5 нус. ташкил этишлиги аниқланди.

Олиб борилган морфологик текширишлар натижасига кўра топилган гельминт тухумлари 5 та авлодга мансуб бўлган нематодалар, яъни *Haemonchus*, *Marshallagia*, *Ostertagia*, *Teladorsagia* ва *Nematodirus* эканлиги қайд қилинди (1-расм). Лекин уларни морфологик жиҳатдан тур даражасида аниқлашни имкони бўлмади.

Қуйида аниқланган нематода тухумларининг асл расмлари ва уларнинг морфологик ўлчамлари келтирилади (1-расм ва 2-жадвал).



1 - расм. Бухоро бугуси нематодалари тухумларининг умумий кўриниши. 1 – *Haemonchus* Cobb, 1898; 2 - *Marshallagia* Orloff, 1933; 3 - *Ostertagia* Ransom, 1907; 4 - *Teladorsagia* Anreeva et Satubaldin, 1954, 5 - *Nematodirus* Ransom, 1907

Шу билан биргаликда ишимизда Зарафшон ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати кўриқхонасидаги бугулар фекалийсидаги нематодаларнинг авлодлари бўйича 1 грамм фекалийсидаги тухумлар сонини ҳам аниқладик (3-жадвал).

Юқоридаги 1-расм ва 2,3 - жадваллардан кўришиб турибдики, *Haemonchus*, *Marshallagia*, *Ostertagia*, *Teladorsagia* ва *Nematodirus* авлодларига мансуб нематодалар аниқланиб, Зарафшон ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати кўриқхонасида 4 тадан тур учрашлиги қайд қилинди. Ушбу нематода турларидан *Marshallagia*, *Ostertagia* ва *Teladorsagia* авлоди вакиллари ҳар икки кўриқхоналардаги бугуларда паразитлик қилишлиги аниқланди. Шу билан бирга Бухоро бугусини 1 грамм фекалийсида *Marshallagia* ва *Teladorsagia* авлодига мансуб нематода тухумлари кўп, *Nematodirus* авлодига мансуб нематода тухумлари кам учради.

2-жадвал

Бухоро бугуси нематодалари тухумларининг морфологик ўлчамлари, n=10

№	Нематода авлодлари	Тухумнинг узунлиги (мм)		Тухумнинг эни (мм)	
		lim	M±m	lim	M±m
1	<i>Haemonchus</i> Cobb, 1898	0,80-0,85	0,82±0,35	0,37-0,42	0,39±0,02
2	<i>Marshallagia</i> Orloff, 1933	0,16–0,2	0,17±0,22	0,07–0,1	0,81±0,12
3	<i>Ostertagia</i> Ransom, 1907	0,11-0,23	0,15±0,009	0,06-0,11	0,09±0,02
4	<i>Teladorsagia</i> Anreeva et Satubaldin, 1954	0,04-0,09	0,072±0,001	0,06-0,08	0,06±0,01
5	<i>Nematodirus</i> Ransom, 1907	0,11-0,28	0,16±0,03	0,08-0,18	0,11±0,02

Нематода личинкаларини тур даражасида текшириш учун молекуляр генетик тадқиқотлар ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, нематода личинкаларининг ҳар бир намунасида ITS-1+5.8S+ITS-2 участкасида узунлиги 700 жуфт асосга эга бўлган нуклеотидлар ажратиб олинди. Олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар таҳлил қилинди ва Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбанки (www.blast.ncbi.nlm.nih.gov) базасидаги мавжуд маълумотлар билан солиштирилди (4-жадвал).

3-жадвал

Нематода тухумларининг авлодлар бўйича тақсимланиши

№	Нематода авлодлари номи	Зарафшон буғулари нематодалари (тухумлар сони)	Қуйи Амударё давлат биосфера резервати буғулари нематодалари (тухумлар сони)
1	<i>Haemonchus</i>	27±3	-
2	<i>Marshallagia</i>	48±6	42±4
3	<i>Ostertagia</i>	28±4	18±3
4	<i>Teladorsagia</i>	37±5	31±4
5	<i>Nematodirus</i>	-	11±2

4-жадвал

Нуклеотидлар кетма-кетлигини Генбанк маълумотлари билан тақослаш

Нематодалар сиквенс рақами	Генбанк маълумотлари билан ўхшашлиги, (%)	Аниқланган турлар	Генбанкдаги нематодалар кириш рақами
14	100	<i>Marshallagia marshalli</i>	КТ428384.1
17	99	<i>Haemonchus contortus</i>	LS997563.1
21	99	<i>Ostertagia ostertagi</i>	КТ428385.1
27	99	<i>Teladorsagia circumcincta</i>	КТ428386.1
31	99	<i>Nematodirus spathiger</i>	МН047851.1

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, №14 намунадаги нематода личинкаси нуклеотидлар кетма-кетлиги Генбанк маълумотлари билан солиштирилганда 100 % *Marshallagia marshalli* турига, №17 рақамлиси 99 % *Haemonchus contortus*, № 21 намуна 99 % *Ostertagia ostertagi*, №27 – 99 % *Teladorsagia circumcincta* ва №31 рақамли намуна ҳам 99 % *Nematodirus spathiger* турига мос келиши аниқланди.

Хулоса. Шундай қилиб, морфологик тадқиқотлар натижасида *Haemonchus*, *Marshallagia*, *Ostertagia*, *Teladorsagia* ва *Nematodirus* авлодларига мансуб бўлган нематодалар аниқланди. Молекуляр тадқиқотлар натижасига кўра эса *Marshallagia marshalli*, *Haemonchus contortus*, *Ostertagia ostertagi*, *Teladorsagia circumcincta* ва *Nematodirus spathiger* турларига мансуб нематодалар Бухоро буғуларида қайд қилинди. Бу нематодалар буғуларнинг овқат ҳазм қилиш аъзоларида паразитлик қилиб, уларнинг зарарланиш даражаси ўртача 22,4 %, тухумларининг ўртача сони 11-44 нус. ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, бу соҳада олиб борилган ишлар Ўзбекистон шароитида биринчи марта олиб борилди. Молекуляр-генетика усули ёрдамида ҳайвонларнинг тириклик вақтида гельминтозларга аниқ ташхис қўйишда энг самарали усул эканлиги ва бу маълумотлар келажакда тегишли ветеринария лабораториялари учун ПЗР-диагностика тизимида турга хос бўлган маркерлар сифатида ишлатишда амалий ёрдам бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1 Амиров О.О., Кучбоев А.Э. *Ostertagia ostertagi* ва *O. lyrata* (Trichostrongylidae) турларининг молекуляр-генетик таҳлили // Вестник Гулистанского университета. - Гулистан. 2014, № 3. С.28-32
- 2 Байтурсинов К.К. Современное состояние фауны гельминтов акклиматизированного в Казахстане Бухарского Оленя (*Cervus Elaphus Bactrianus* Lydekker, 1900) // Известия НАН Республики Казахстан. Серия биологическая. Алма-ата, 2008. - С. 28-30.
- 3 Богданов О.П. Редкие животные Узбекистана. Энциклопедический справочник. - Ташкент: Комус, 1992. – 400 с.
- 4 Демидов Н.В. Гельминтозы животных: Справочник. - М.: Агропромиздат, 1987. - 335 с.
- 5 Ивашкин В.М., Контримавичус В.Н., Назарова Н.С. Методы сбора и изучения гельминтов наземных млекопитающих. – Москва: Наука, 1971. -124 с.
- 6 Ивашкин В.М., Орипов А.О., Сонин М.Д. Определитель гельминтов мелкого рогатого скота. -М.: Наука: 1989. - 255с.
- 7 Кузнецов Д.Н. Таксономический анализ некоторых родов подсемейства Ostertagiinae (Nematoda, Trichostrongylidae) // Сб. Успехи общей паразитологии. - М.: Наука, 2004. - С.164–202.
- 8 Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э. Қоракўл қўйларнинг асосий гельминтлари. – Тошкент, “Fan va texnologiya”, 2009. – 152 б.
- 9 Прядко Э.И. Гельминты оленей. Э.И. Прядко. – Алма-Ата, 1976. – 224 с.
- 10 Соколов И. И. Млекопитающие фауны СССР (копытные звери). М.-Л., 1959. Т.1. 369 с.
- 11 Gasser R.B., Chilon N.B., Hoste H., Beverige I. Rapid sequencing of rDNA from single worms and eggs of parasitic helminthes // Nucl Acids Res. 1993. V. 21. С. 2525-2526.

ЎУК: 595.143.1

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЗУЛУКЛАРНИНГ
БИОЭКОЛОГИК-ФАУНИСТИК ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ***Н. Джонибекова, М. Аҳмедова, Хоразм Маъмун академияси, Хива*

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм воҳаси ҳавзаларида учрайдиган зулукларнинг экологик-фаунистик таркибини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган. Сой, ариқ ва ҳовузларда зулукларни 6 тури учраши аниқланди.

Калим сўзлар: зулук, сув ҳавзалари, туз концентрацияси, чувалчанг, сой, ҳаёт тарзи.

Аннотация: В данной статье приведены сведения о результатах определения эколого-фаунистического состава пиявок, встречающихся в водоёмах Хорезмского оазиса. Выявлены 6 различных видов пиявок в арыках, каналах и прудах Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: пиявка, бассейн, коцентрация соли, дождевой червь, горный ручей, форма жизни.

Abstract: This article includes the results of researches, carried out in the watersheds of Khorezm region on determining the ecological structure of medical leeches. According to the results it was revealed that 6 types of medical leeches can be found in the channels, ponds and water basins of Khorezm region.

Key words: leeches, water basins, salt concentration, earthworms, channel pond, life style.

Зулукларнинг кўпчилик турлари чучук сувларда, камроқ қисми денгизларда яшайди. Чучук сувларда яшовчи зулуклар тузнинг концентрацияси нисбатан кичикроқ бўлган шўрланган сувларда ҳам яшаши мумкин. Ўта шўр сув ҳавзаларида зулуклар умуман яшамайди. Зулукларнинг юқори намлик шароитида ўсимликлар танасида, тупроқларда яшовчи бир қатор ер усти турлари (асосан тропик минтақаларида яшовчи турлари) ҳам маълум [1].

Ер шаридида ҳаммаси бўлиб 400 дан ортиқ тур зулуклар маълум. Ҳозирча бу чувалчангларнинг аниқ сонини аниқлаш мумкин эмас. Чунки бир томондан кўпчилик тавсифлар унчалик тўғри эмас, иккинчи томондан ҳали бир қатор янги турлар аниқланиши мумкинлигини назарда тутиш лозим. Шу билан бирга Марказий Осиё худудида унчалик кўп бўлмаган турлар яшайди.

Зулукларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг яшаш шароитлари қадимдан тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Ушбу чувалчангларга бўлган қизиқиш биринчи навбатда амалиётнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган. Зулуклардан тиббиёт зулуги кўп асрлар, хусусан, XIX-XX асрлар мобайнида турли касалликларни даволашда асосий ва кенг қўлланиладиган восита бўлиб ҳисобланган [3]. Улар табиий сув ҳавзаларидан кўплаб миқдорда овлаганлар, бироқ ҳозирги кунга келиб, бундай ҳолатлар кам кузатилади. Бунинг бевосита сабабини сув ҳавзаларининг экологик муаммолари билан боғлаш ўринли. Маълумки зулукларнинг биохилма-хилликдаги ўрни, ўсиши ва кўпайиши, табиатда тарқалишига таъсир этувчи шароитлар олимларни ҳам, амалиётчиларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Мавзуга оид адабиётлар тахлилида Хоразм шароитида зулукларнинг тур таркиби тўлиқ ўрганилмагани маълум бўлди. Шулардан келиб чиққан ҳолда Хоразм воҳаси сув ҳавзаларида тадқиқотлар олиб боришни олдимизга маҳсад қилдик. Натижада каналлар, сойлар, ариқлар, ҳовузларда зулукларнинг битта оиласига мансуб, 6 тури учраши аниқланди.

I. Зулуклар оиласи – Hirudinidae

1. Катта сохта от зулуги – *Haemopsis sanguisuda* L.
2. Кичик сохта от зулуги – *Hermobdella octaculata* L.
3. Чиганоқ зулуги – *Glosiphon complanata* L.
4. Тиббиёт зулуги – *Hirudo medicinalis* L.
5. Балиқ зулуги – *Piscicola geometra* L.
6. Туркистон зулуги – *Limnatus turkistanica* Ploth.

Зулук турларини куйидаги белгиларга асосланиб аниқладик.

1. Устки қисмидаги нақшларига кўра;
2. Танасидаги бўғимлар сонига қараб;
3. Қорин қисмининг рангига қараб;

Сув типларида аниқланган зулуклар куйидаги жадвалга кайд қилинди.

Аниқланган зулукларнинг биоэкологик хусусиятлари

1. Катта сохта от зулуги-*Haemopsis sanguisuda L*-танасининг узунлиги 15 см гача етади. Ранги қора, елка томонида рангли доғлари бор. От зулуги қон сўрмайди, лекин ниҳоятда йирткич бўлиб, чувалчанглар, моллюскалар, ҳашаротлар личинкаси ва ҳатто амфибияларнинг сувдаги личинкаси билан озиқланади. Кўпайиш ва ривожланиши тиббиёт зулугиникига ўхшаш.


2. Кичик сохта от зулуги-*Hermobolella octaculata L*-бу тур секин оқадиган, ўсимликларга бой сувларда яшайди. Ўсимликлар ва тошларга ёпишиб ҳаёт кечиради. Танасининг узунлиги 4-6 см, ранги қўнғир-қора, қорин томони эса очик-яшил тусда, танасининг икки ён томонидан (узунасига) сариқ рангли тасмасимон чизик ўтган. У сувдаги умуртқасиз ҳайвонлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади.

1-жадвал

Хоразм воҳаси сув ҳавзалари айрим сув типларида тарқалган зулукларнинг тур таркиби

№	Турларнинг таксономик таркиби	Каналлар			Сойлар			Ариқлар				Ҳовузлар	
		Полвон	Шовот	Ғозовот	Зейёп-сой	Доуд	Қорақум	Қўҳна-зей	Қушхона	Қосимобод	Саёт	Саёт агрофи	Хива шаҳри агрофи
1	<i>Haemopsis Sanguisida</i>	8	2	6	4	0	0	0	0	0	0	0	0
2	<i>Hermabdella octoculota</i>	6	4	2	8	0	0	8	6	2	4	0	0
3	<i>Glosiphon complanata</i>	8	4	0	0	6	2	0	0	4	6	0	0
4	<i>Hirudo medicinalis</i>	6	0	0	0	4	0	2	8	0	0	0	0
5	<i>Piscicola geometra</i>	0	0	0	6	2	8	0	4	0	0	0	0
6	<i>Limnatus turcestanica</i>	0	6	4	0	0	0	8	0	0	6	0	0
	Жами:	28	16	12	18	12	10	18	18	6	16	0	0

1-диаграмма



3. Чиганок зулуги-*Glosiphon complanata* L-бу зулукни кўриш жуда кийин, чунки у сув остида яшайди ва кам ҳаракат ҳолда учрайди. Агар уни безовта қилсангиз, у шу заҳотиёқ ўралиб, ҳалқа холига ўтади. Моллюскалар билан озикланади ва одам учун зарарсиз.

4. Тиббиёт зулуги-*Hirudo medicinalis* L-ноёб, сони камайиб бораётган тур бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб” (2003, 2006, 2009) ларига киритилган. Катталиги 10-15 см, устки тарафи икки ёнидан яшил рангдаги чизикча ўтади ва корин тарафи яшил рангли бўлади. Улар энг тоза оқар сувларда, булоқларда ва чучук сувларда учрайди. Улар асосан кон сўриб паразитлик килишади.

5. Балиқ зулуги-*Piscicola geometra* L-тана узунлиги 20-50 мм, эни эса 2,5 ммга тенг, ранги ўзгарувчан, кўпинча кулранг-яшил, баъзан сарғиш бўлади. Бу тур ҳар хил балиқларни қонини сўради. Улар сувда, кислородга бой жойларда кўпроқ учраб, оқар сувларда тез кўпаяди. Битта балиқда уларнинг сони ўнлаб, юзлаб бўлиши мумкин. Айрим вақтда уни сув ўтлари орасида ҳам учратиш мумкин. Одам учун мутлақо зарарсиз.

6. Туркистон зулуги-*Limnatus turkestanica* Ploth-бу зулук турли хил сув ҳавзаларида тарқалган. Одам чашма ва булоқлардан сув ичганда бурун бўшлиғи ва томоқ деворларига ёпишиб кон сўради ва қаттиқ зарар келтиради [2].

Шундай қилиб, кузатувлар натижасида каналларда 5 та тур, сойларда 5 та тур, ариқларда 4 та тур учраши аниқланиб, хулоса қилиндики, каналлар, сойлар турларга бой.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баскова И.П., Завалова Л.Л. Ингибиторы протеолитических ферментов медицинской пиявки (*Hirudo medicinalis*). Обзор // Биохимия. 2001. - 66, 7. -С. 869-883.
2. Михайлов С.В., Кустов С.Ю., Ярошенко В.А. Сезонная и суточная динамика активности медицинской пиявки (*Hirudo medicinalis* L.) в водоемах Краснодарского края // Фундаментальные исследования. 2006. - № 3. - С. 21-25.
3. Каменев О. Количественная оценка биоресурсов медицинской пиявки на территории Краснодарского Края // Гирудо 2006: Метр 9-й науч-практи. конф Ассоциации гидрологов России и стран СНГ / под ред. проф. Басковой И.П. – Балаково, 2006. -С.80-83

УДК: 631.468.52 (575.11)

МИКРОАРТРОПОДЫ В РАЗЛИЧНЫХ АГРОЦЕНОЗАХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ ЭКОСИСТЕМАХ ПАРКЕНТСКОГО ТУМАНА ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

М.Ш. Рахимов, к.б.н., Национальный университет Узбекистана, Ташкент

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Паркент тумани бугдой далалари, олма боги агроценозлари ва уларнинг атроф-муҳит экосистемаси тупроқ таркибидаги микроартроподаларни текшириши натижалари тахлилида 40 турга 6 та оилага ва 26 та авлодга мансуб коллемболалар, 20 турга 12 та оилага 14 та авлодга мансуб совутли каналар учраши аниқланган ҳамда бугдой далалари, олма боги агроценозлари ва уларнинг атроф муҳит экосистемаси тупроқларининг 0-30 см қатламларида микроартроподаларнинг миқдори ўрганилган бўлиб, уларнинг умумий миқдори 1 м² тупроқ таркибида 16868 эканлиги ва микроартроподалар тупроқларининг 10 – 20 см қатламида кўплаб учраши, яъни 1 м² тупроқда ўртача 11479 экз. учраши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: коллембола, микроартропода, совутли каналар, агроценоз, экосистема, тупроқ.

Аннотация: В этой научной статье приводится эколого – фаунистический анализ результатов исследований микроартропод пшеничных и яблоневых агроценозов и состав микроартропод почвы окружающей экосистемы Паркентского района.

В агроценозах пшеницы и яблоневых садов приводятся данные о 40 видах коллембол из 6 семейств и 26 родов; 20 видов водных клопов из 12 семейств и 14 родов. Также в агроценозах пшеницы и яблоневых садов и окружающей почвенной экосистеме, в толще 0-30 см количество микроартропод на 1 м² - 16 868; в толще 10-20 см встречаемость на 1 м² в среднем 11 479 экз.

Ключевые слова: коллембола, микроартропода, панцирные клеши, агроценоз, экосистема, почва.

Abstract: Ecology-faunistic analysis of the results of researches of microartropods of wheat and apple agrocenosis and content of microartropods of soils of surrounding ecosystem of Parkent district are brought in this article.

Information about 40 species of collembolan belonging to 6 families and 26 genera, 20 species of water bugs belonging to 12 families and 14 genera were brought in the agrocenosis of wheat and apple orchards. As well as, in the agrocenosis of wheat, apple orchards and surrounding soil ecosystems, within 0-

30 cm. depth the quantity of microarthropods is 16 868 in 1 m² and within 10-20 cm. depth it is 11 479 specimen.

Key words: collembolan, microarthropods, cooled canals, agroocenosis, ecosystem, soil.

Введение. Микроартроподы являются самой обширной группой организмов по численности видов и особей. Они являются обязательными компонентами любой экосистемы и играют неопределимую роль в круговороте веществ в природе, рекультивации экологически нарушенных биогеоценозов и являются основным биоиндикатором загрязненности окружающей среды химическими веществами [1, 3].

Комплексное изучение фауны микроартропод в конкретных регионах дает полное представление о таксономическом составе некоторых групп, их взаимоотношениях в биогеоценозах, роли в круговороте веществ в природе. Поэтому изучение таксономического состава, распространения, количества, биологии, экологии особо значимых почвообразующих видов микроартроподы в различных агроценозах и окружающих экосистемах имеет большое научное и практическое значение.

Изучение почвенных микроартроподов является центральным вопросом в связи с углублением биоценологических исследований.

В задачу исследований входило определение закономерностей распределения, таксономического состава и количества почвенной микроартроподы.

Материалы и методы исследования. Для изучения структуры и численности популяций почвенных микроартропод были собраны почвенные образцы из агроценозов и окружающих их экосистем в фермерном хозяйстве «Коракалпак» Паркентского тумана Ташкентской области.

Для изучения качественного и количественного состава почвенных мелких членистоногих почвенные образцы брали из трех точек каждого обследуемого агроценозов и окружающей его экосистемы послойно из три горизонтов (0-10, 10-20, 20-30 см). Всего нами получено 540 проб. В пятикратной повторности.

Извлечение микроартроподы из почвенных образцов проводилось в лабораторных условиях эклекторным методом. Выгонка коллембол и панцирных клещей из субстрата проводилась с помощью модифицированного аппарат Берлезе - Тульгрена. Приготовлены постоянные препараты в жидкости Фора [2, 4]. Подсчёт и определение таксономической принадлежности ногохвосток проводили под бинокулярным микроскопом МБС – 9. Цифровой материал статистически обработан.

Результаты и обсуждение. Научная обработка материала показала, что в агроценозах пшеницы, яблоневого сада и окружающей его экосистеме Паркентского района Ташкентской области обитают 40 видов коллембол из 6 семейств относящихся к отряда Collembola.

Количество видов, составляющих эти комплексы неодинокы в разных типах сообществ. В «яблоневом саду» - 30 вида, «пшеничном» 24- вида, «окружающей экосистеме» 40 видов. Доминировали представители семейств Onychiuridae, Entomobryidae и Neanuridae.

Из общего число микроартропод численность коллембол составляет 70,3%, на 1 м² почвы приходится среднем 10893 экз. Основное население коллембол концентрируется в слое 10-20 см, численность которых достигает 7200 экз. на 1 м² почвы.

Почвенный ярус на глубине 0-10 см максимально заселен в весеннее время - 4479 экз. на 1 м². С увеличением глубины почвы численность их резко падает.

В почвенном ярусе пшеничного агроценоза численность микроартропод была не ниже 5340 экз. на 1 м² в почвенном слое 0-30 см. Во всех почвенных слоях они распространены более равномерно, где численность колебалось от 460 до 1660 экз. на 1 м² в 10 сантиметровом слое почвы.

В условиях агроценозов яблоневого сада численность микроартропод имела значение 5553 экз. на 1 м², из них коллемболы составили 3600 экз. на 1 м² почвы.

Коллемболы населяли все почвенные слои на глубине до 30 см, их численность в различных слоях колебалось от 640 до 7120 экз. на 1 м² почвы. В весеннее время наблюдалось более плотное заселение (среднем 5000 экз. на 1 м²).

В почвенном ярусе в окружающей экосистеме микроартроподы составляют в среднем 16868 экз. на 1 м² почвы. Плотность популяций коллембол составляет 70,3% от населения микроартропод и имеет значение 10023 экз. на 1 м² почвы. Основная часть населения коллембол концентрировалась в слоях почвы 10-20 см, где их численность достигала 600 и 7200 экз. на 1 м² почвы.

В весеннем сезоне также наблюдалось более плотное заселение (в среднем 6693 экз. на 1 м²).

Таким образом, наиболее заселенными артроподами, в том числе коллемболами оказался почвенный ярус в окружающей экосистеме, которые представляют собой посадки шелковицы по краям поля.

В агроценозах пшеницы, яблоневого сада и окружающей его экосистеме по результатам анализа зарегистрировано 20 видов панцирных клещей.

Численность их имеет наибольшее значение, также в окружающей экосистеме по сравнению с агроценозам пшеницы и яблоневого сада. В среднем наблюдается 3268 экз. на 1 м². Самые плотно заселенные слои 20 – 30 см.

Выводы

1. Результаты исследований позволили дать эколого – фаунистический анализ недостаточно изученного комплекса почвенный микроартропод обследованного региона. В агроценозах пшеницы, яблоневого сада и окружающих экосистемах выявлено 40 вида коллембол, 20 вида панцирных клещей.
2. В процессе исследования выявлена следующая закономерность: агроценозы пшеницы и яблоневого сада намного беднее видами микроартропод, чем таковые в естественных сообществах. Так в агроценозах отмечено 30 видов коллембол (7200 экз. на 1 м² почвы), 14 видов панцирных клещей (3268 экз. на 1 м²). В естественных же сообществах – соответственно 40 (10023 экз. на 1 м² почвы) и 20 (6845 экз. на 1 м² почвы) видов.
3. Наиболее плотно заселены микроартроподами горизонты поверхностного слоя (0-20см).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Гиляров М.С. Коллемболы, их место в системе, особенности и значение // Фауна и экология ногохвосток. М.: Наука, 1984.- Стр. 3-11.
2. Криволицкий Д. А., Покаржевский А. Д., Сизова М. Г. Почвенная фауна в кадастре животного мира. Ростов-на-Дону: изд-во Ростовского университета, 1985. -96 стр.
3. Стриганова Б.Р. Питание почвенных сапрофагов. М.: Наука, 1980. -243 с.
4. Чернова Н.М., Стриганова Б.Р. Определитель коллембол фауны СССР. Москва, «Наука», 1988. - 213 стр.

ЎУК: 573.01

БИОГЕНЕТИК ҚОНУН, ОНТОГЕНЕЗ, РИВОЖЛАНИШ ЦИКЛИ: ТАРИХИ, ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Б.Холиқназаров, б.ф.н., Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация: Мақолада онтогенез, ривожланиш цикли, индивидуал ривожланиш биологияси, биогенетик қонун, *evo-devo* тушунчаларнинг тарихи таҳлил қилиниб, онтогенез ҳамда ривожланиш цикли янгича классификацияланган, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритилган, онтогенез ҳақидаги назария яратилиши лозим деган тақлиф берилган.

Калим сўзлар: онтогенез, ривожланиш цикл, индивидуал ривожланиш биологияси, биогенетик қонун, *evo-devo*.

Аннотация: В статье анализируется история онтогенеза, цикла развития, биология индивидуального развития, биогенетический закон, *evo-devo*, а также по новому классифицированы онтогенез и цикл развития, приведены размышления о проблемах и их решениях. Даны предложения о необходимости развития и создания теории об онтогенезе.

Ключевые слова: онтогенез, цикл развития, биология индивидуального развития, биогенетический закон, *evo-devo*

Abstract: This article discusses the history of ontogenesis, development cycles, biology of individual development, biogenetic law, conceptions of *evo-devo*, and also gives a new classification of ontogenesis and its development cycle, a theoretical analysis of this problem, on the further development of the law and theory of ontogenesis.

Keywords: ontogenesis, development cycle, biology of individual development, biogenetic law, *evo-devo*

Онтогенез, ривожланиш цикли, индивидуал ривожланиш биологияси тушунчалари барча ўқув ва айрим илмий адабиётларда муаллифлар томонидан маъносини билиб-билмай бир хил ёки ўхшаш маъноларда қўлланиб келинмоқда [1,4,5,6,9]. Ушбу мақолада бу тушунчаларнинг тарихи таҳлил қилиниб, онтогенез ҳамда ривожланиш цикли янгича классификацияланади, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритилади.

Тарихи. 1821 йилда И.Меккел параллелизм қонунини ишлаб чиқди. Бу қонунга кўра, юксак ҳайвонларнинг онтогенези вояга етган организмларга хос бўлган бир неча босқичларни босиб ўтади. Масалан, зигота бир хужайраликларга, гастрюла ковакичликларга, рептилияларда пайдо бўладиган жабра ёриғи жинсий вояга етган балиқлар жабрасига ўхшайди. 1828 йилда К.М.Бэр онтогенезнинг иккита қонунини яратди. К.Бэрнинг биринчи (эмбрионлар ўхшашлиги) қонунига кўра, ҳар хил систематик гуруҳларга кирадиган ҳайвонлар ривожланишининг дастлабки босқичлари кейинги босқичларига кўра ўхшаш бўлади. К.Бэрнинг иккинчи- ихтисослашуви қонунига кўра, онтогенез давом этган сари организмда хусусий -дастлаб хордалиларга, кейин умуртқалиларга, ундан кейин синфга, туркумга, оилага, турга хос бўлган белгилар пайдо бўлади. Ч.Дарвин (1859) параллелизм ва эмбрионлар ўхшашлиги қонунларига эволюцион йўналиш берди. Бунда параллелизм қонуни эволюциянинг босқичларини, эмбрионлар ўхшашлиги қонуни эса органик дунё келиб чиқиши умумийлигини англатади. Ч.Дарвин маълум ёшда ирсийланиш принципини таклиф қилди. Унинг фикрича, индивидуал ривожланишнинг дастлабки даврлари ўхшашлиги сақланиб, онтогенезнинг нисбатан охири даврларида ўзгаришлар кўпроқ содир бўлади. Шундай қилиб, Ч.Дарвинда онтогенез ва унинг эволюцияси ҳақида умумий тушунча бор эди, холос. 1865 йилда Ф.Мюллер “Дарвин учун” номли мақоласида юксак қисқичбақасимонлар онтогенезида жинсий вояга етган организмлар тузилишининг эволюцион ўзгариши аждодлар онтогенези йўналишининг ўзгариши туфайли амалга ошади, деган эди. Тўпланган ушбу илмий далилларга ва ўзининг илмий тадқиқотларига асосланиб, Э.Геккель (1866) биогенетик қонунни яратди ва уни исботлаш учун биринчи марта онтогенез терминини фақат эмбрионал ривожланишни ифодалаш учун қўлади. Жинсий йўл билан кўпаядиган барча кўп хужайрали организмларнинг ривожланиши уруғланган тухум хужайрадан бошланади деган далилга асосланиб, Э. Геккель барча кўп хужайрали организмлар келиб чиқиши жиҳатидан бир хужайраликларга боғлиқ деган хулосага келди. Уруғланган тухум хужайранинг кейинги ривожланишида учрайдиган морула, бластула ва гастрюла даврларини Э.Геккель бир хужайрали колония бўлиб яшайдиган ҳайвонларнинг рекапитуляциясидан иборат, дейди. Шунга асосланиб, у кўп хужайрали организмларнинг пайдо бўлиши ҳақида гастерия гипотезасини яратди. Э.Геккель ҳар қандай организмнинг эмбрионал ривожланишида аждодлари белгиларининг тақрорланишини рекапитуляция, аждод белгиларининг ўзини эса палингенез белгилар деб атади. Қадимги белгилардан ташқари, организмнинг эмбрионал ва личинкалик даврларида пайдо бўладиган муҳитга мослаштирувчи белгиларни Э.Геккель ценогенетик белгилар ёки ценогенез деб атади. Масалан, амниоталарнинг муртак пардаси (амнион, аллантоис, хорион), сут эмизувчиларнинг йўлдоши, қушларнинг тухумидаги сариқлиги ценогенездир. Одатда, прогрессга учрайдиган органлар ривожланиши олдин бошланиб, узокроқ давом этади. Масалан, қушлар ва сут эмизувчиларда бош мия ва сезги органлари амфибияларга нисбатан олдин ривожланади ва узок давом этади. Эмбрионнинг ривожланишида органларга асос солиш вақтининг ва тезлигининг бундай ўзгаришини гетерохрония деб атади. Онтогенезда органларнинг танада жойлашиши ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, юксак умуртқалиларда бўйин вужудга келиши натижасида юракнинг ўрни балиқларнинг юрагига нисбатан кўкрак қафасининг ичига кўпроқ сурилган бўлади. Бундай ўзгаришни гетеротопия деб атади (Э.Геккель, 1940).

Биогенетик қонун хилма-хил организм гуруҳлари ўз онтогенетик ривожланиши билан бир-бирига ўхшаш эканлигини кўрсатди. Бу билан органик дунёнинг монофилетик келиб чиқиши ҳақидаги ғоя яна бир марта тасдиқланди. Э.Геккель филогенезнинг ўзгариши фақат онтогенезнинг охири давридаги ўзгаришларидан иборатдир, деган эди. Баъзи тадқиқотлар Э.Геккелнинг бу фикрлари тўлиқ эмаслигини кўрсатди. А.Н.Северцов (1912) Э.Геккелнинг палингенез ва ценогенез тушунчаларини фарқлаш жуда қийин эканлигини таъкидлаб, филогенезда онтогенезнинг четга чиқиш ҳолатлари содир бўлишини, эмбриологик мосланиш ҳамма вақт ценогенез бўлавермаслигини, онтогенезда рўй берадиган кўпгина ўзгаришлар филогенетик аҳамиятга эга эканлигини эслатиб, ўзининг филэмбриогенез назариясини яратди.

Филэмбриогенез назариясининг маъноси эволюцион ўзгаришлар онтогенетик ривожланиш йўлининг ўзгаришидан иборат, деган қоидадир. Бу назария органларнинг филогенетик янгиланиши қандай йўл билан ва қайси босқич ёки даврда амалга ошишини кўрсатиб берди. Бунда А.Н.Северцов[8] палеонтология, эмбриология ва эволюцион солиштирма анатомия фанларида тўпланган маълумотларга асосланди. Унинг фикрича, онтогенезда филогенетик аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар анаболия, девиация, архаллакис усуллари орқали содир бўлади. А.Н.Северцов фикрича,

эволюция онтогенезнинг ўзгариши орқали боради ва филогенез онтогенезнинг функцияси ҳисобланиб, онтогенетик ўзгаришлар филогенетик ўзгаришларга нисбатан бирламчидир.

Шундай қилиб, биогенетик қонун ва онтогенез ҳақидаги тушунчаларни биология фанига кириб келиши янги ғоя ва тушунчаларни яратилишига ва уларни исботлашга асос бўлди, ўқув ва илмий адабиётлар ушбу тушунчалардан келиб чиқадиган қонуниятларга мослаштирилди [1, 4, 6].

Ҳозирги ҳолати. Э.Геккель янги белгилар жинсий вояга етган организмларда ирсийланади, кейин онтогенезнинг навбатдаги босқичига ўтади (палингенез) деб, уни биогенетик қонунни исботлашга асос қилиб олди ва онтогенезни филогенезнинг натижаси деб ҳисоблади. Бу қонун орттирилган белгилар ирсийланади, деган нотўғри тезисга асосланади. Шунинг учун биогенетик қонун ва онтогенез ҳақидаги тушунчалар эълон қилиниши билан у ҳақидаги танқидий фикрлар айтила бошланди (Kleinenberg, 1886, Keibel, 1898, Sedgwick, 1909 ва бошқалар). А.Н.Северцов (1912, 1939) биогенетик қонунни ва у билан боғлиқ бўлган онтогенез тушунчасини исботлаш ҳамда сақлаб қолиш учун филэмбриогенез назариясини, унинг йўналишларини ишлаб чиқди. В.Гарстанг [11] онтогенез ва филогенез нисбатига бағишланган мақоласида Геккелнинг муҳим хатоларини таҳлил қилиб берди ва “онтогенез филогенезни такрорламайди, балки уни яратади. ...Рекапитуляция эволюциянинг фақат бир сценарийси бўлиши мумкин”, деган эди. А.Н.Северцов ишлари Россия ва рус тилида ижод қиладиган олимларга қандай таъсир этган бўлса, В.Гарстангнинг мақоласи ҳам инглиз тилида ижод қиладиган систематиклар ва морфологларга шундай таъсир этди. Аммо А.Н.Северцовнинг ишлари В.Гарстанг [11] мақоласида ҳам, С.Гулд [12] монографиясида ҳам, МакНамара [14] китобида ҳам тилга олинмаган/эслатилмаган. С.Гулд [12] иши онтогенез ва филогенез муносабатларини аниқлаш бўйича жуда кенг ўрганиладиган ва энг кўп иқтибос олинadиган маълумотномага айланди. Натижада XX-асрнинг 1970-1990 йилларида ёзилган кўплаб инглизча адабиётларда онтогенез ва филогенез ўртасидаги муносабатларнинг келиб чиқиш масаласи бузиб кўсатилди, биогенетик қонун ҳақида кўплаб танқидий фикрлар билдирилди. Бу айниқса, Э.Геккель асослаган, А.Н.Северцов ривожлантирган гетерохронияга янгича ёндашувда С.Гулд [12] бу олимларнинг ишларини эсламаслигида яққол кўрилади. Бундан кейинги ишларда [14, 15] гетерохрония эволюциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, деб атала бошланди. В.Гарстанг [11] мақоласидан А.Н.Северцовнинг (1912) монографияси 10 йил олдин нашр бўлганлигига қарамай, у биогенетик қонунни ёқлаш ёки уни бошқа бирор қонун билан алмаштириш керак дейиш ўрнига “бундай иш ҳозирча йўқ” деб ёзган эди. В.Гарстангнинг [11] бундай хулосага келишига сабаблар: - А.Н.Северцов (1912) монографиясини Россиядан ташқарида тарқалмаганлиги; -бу жараёнга биринчи жаҳон урушининг ҳалақат берганлиги; -ахборот тарқалиши тезлигини пастлиги; -Россия фанида сиёсий ва психологик вазиятни ёмонлиги; - А.Н.Северцов (1912) ишларини атайлаб инобатга олмастик қабилар бўлиши мумкин. Т.Морган (1927) фикрича, эволюция жараёнида эмбрион босқичлари ўзгариб, аждодларининг шу босқичи билан ўхшашлигини йўқотади. Шунинг учун ҳам агар рекапитуляция “қонун” бўлса, у кўплаб хато ва камчиликлардан иборат, деган эди. С.Гулд [12] ўз ишида гетерохрония ҳақидаги назарияни асос қилиб олди ва онтогенезнинг қайта қуриш/кўриб чиқиш муҳим эволюцион жараёнларнинг кўприги бўлиб хизмат қилади, деган эди. Онтогенез ва филогенез тезлиги, гетерохрония назарияси ҳақидаги А.Н.Северцов ва унинг шогирдларини (Шмальгаузен, 1942, Матвеев, 1959) ишлари С.Гулд [12] фикрлари билан ўхшаш бўлишига қарамасдан инобатга олинмаган. Аммо С.Гулд барча муаммолар ва адабиётлар билан танишлиги, маълум даражада рус тилини билиши сир эмас.

XX-асрнинг 70-йилларидан бошлаб ривожланган ғарб мамлакатларининг эмбриология ва ривожланиш генетикасига оид манбаларида биогенетик қонун умуман тилга олинмайди ёки танқид қилинади. Жумладан, З.Рэфф ва Т.Кауфмен [7] қуйидагича ёзган: “Янги эволюцион босқичга вояга етган организмларда аждодларида бўлмаган янги белгилар пайдо бўлиши билан эришилади. 1900-йиллар остонасида генетиканинг иккинчи марта очилиши ва ривожланиши шуни кўрсатдики, биогенетик қонуннинг мазмуни фақат хом хаёлдан иборат... Морфология ва морфологик адаптация нафақат жинсий вояга етган организмларда, балки онтогенезнинг барча босқичлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқланиши биогенетик қонунга охириги зарба бўлди. Ривожланаётган организмнинг морфологик белгилари вояга етган организмга нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга эканлигини англаниши эволюциянинг Геккель модели билан келиша олмайди. Генетика қонуниятлари, эмбрион хужайраларининг табақаланиши ва ривожланишнинг барча босқичларида морфологик белгиларнинг муҳимлигининг умумий йиғиндиси рекапитуляция назариясига нукта қўйди”.

А.Н.Северцовнинг шоғирдлари ҳам В.Гарстанг, П. де Бир ва С.Гулд каби олимларнинг эволюция ва онтогенез ҳақидаги фикрларига “махлиё” бўлиб: “филогенетик тармоқларни ёшартиришнинг йўлларида бирини англиялик эмбриологлар В.Гарстанг ва Р.де Бир очдилар ва уни педоморфоз деб номладилар (педоморфоз-ривожланишнинг охири босқичини тушиб қолиши)” деб ёза бошладилар (Назаров, 1991). Таъкидлаш керакки, педоморфозни В.Гарстанг очган эмас, балки онтогенез ва филогенез муносабатлари ҳақидаги Геккель ва Северцов фикрларини иқтибос келтирмасдан қайта жонлантирди /тиклади.

Онтогенез-филогенез жуфтлигининг ўзаро алоқаларини сабаб ва оқибатларини аниқ тушунмаслик ҳозирги россиялик ва бошқа МДХ олимлари ўртасида ҳам кенг тарқалган. Айрим назарий илмий ишларда “индивидуал ривожланиш тарихий ривожланишнинг маҳсулидир” (Раутиан, 2006) деган мулоҳазаларнинг пайдо бўлишини шу билан исботлаш мумкин. Бундай танқидий фикрларга қарамай, ҳозирча индивидуал ва тарихий ривожланиш чамбарчас боғлиқлигига шубҳа билан қарашга бизда асослар йўқ. Бу боғлиқлик битта материалга-ДНК га асосланади. Тахминларга кўра, филогенез мақсадсиз, тасодифий, йўналтирилмаган кичик мутациялар оқибатида содир бўлади. Буларнинг барчаси индивидуал ривожланишда янги белгилар пайдо бўлишига олиб келади [2, 5, 6]. XXI-асрнинг бошларида онтогенез ва филогенез ҳақидаги Э.Геккелнинг дастлабки қарашлари А.Н.Северцов ва И.И.Шмальгаузен ишларига кўплаб ишоралар келтириш билан тиклана бошлади. Чунки улар “тарихий ривожланиш индивидуал ривожланишнинг маҳсули” эканлигини исботлашга кўп куч сарфладилар. Шу даврда онтогенез ва эволюция ўртасидаги муносабатларни янада чуқурроқ ўрганишга ва янги соҳаларни асослашга катта эътибор берилди бошланди. Б.Холл “Evolutionary Developmental Biology” [13] номли монографиясида evo-devo йўналишини эволюцион ривожланиш биологиясининг мустақил соҳаси сифатида ажратиш лозим, деган хулосага келган эди. 2000 йилда интегратив ва солиштирма биология бўйича халқаро кенгаш evo-devo шўъбасини ташкил этди. Эволюцион ривожланиш биологиясининг асосий вазифаси фенотипда эволюцион ўзгаришларга олиб келадиган онтогенетик ўзгаришларнинг механизмларини таҳлил қилиш, ривожланиш репертуаридаги эволюцияни англаш ва ривожланишнинг генетик, эпигенетик ҳамда муҳит омиллари ёрдамида бошқарилишини ўрганишдан иборат. “Evo-devo генотип билан фенотип ўртасидаги қора қутида нима бўлса барчасини ўз ичига олади” [13]. Эволюцион ривожланиш биологиясининг янги “eko-evo-devo” йўналиши организмнинг муҳит омиллари билан, “fhylo-evo-devo” йўналиши янги филогенетик тармоқлар ҳосил қиладиган эволюцион ва барқарор морфологик инновациялар механизми ўртасидаги алоқани ўрганади [15]. Evo-devo пайдо бўлишида К.М.Бэр (1792-1876), Э.Геккель (1834-1919), И.И.Шмальгаузен (1884-1963), К.Уоддингтон (1905-1977), О.М.Иванова-Казас (1914-2015) каби олимларнинг асарлари асос қилиб олинди [2, 6, 13, 15].

Шундай қилиб, Россия ва рус тилида ижод қилинадиган мамлакатларда биогенетик қонун ҳозир ҳам маълум аҳамиятга эга бўлсада [5, 6], айрим мамлакатларда бу қонун XX-асрнинг 70-йилларигача олий таълим муассасаларида ўқитилган, холос [4, 14, 15].

Онтогенез таҳлили. Барча биологик жараёнлар онтогенез давомида содир бўлади. Шунинг учун онтогенезни типларга, босқичларга, даврларга бўлиб ўрганиш энг қулай усул ҳисобланади. Онтогенезнинг янги авлодни ҳосил қиладиган ривожланиш йўналиши унинг **типи** деб аталади. Онтогенезнинг иккита: тўғри ва метаморфозли ривожланишини унинг типлари деб қабул қилиш керак. Тўғри ривожланишда тухумдан чиққан ёки туғилган бола ота-онасига ўхшайди, лекин гавдасининг ҳажмини кичиклиги, айрим органларини тўлиқ шаклланмаганлиги билан фарқ қилади. Метаморфозли ривожланишда тухумдан чиққан ёки туғилган бола ота-онасига ўхшамайди. Масалан, ҳашаротларнинг тухумдан чиққан личинкаси куртга-чувалчангга ўхшайди, улар бир неча ўзгаришдан кейин ота-онасига ўхшаш шаклга келади (1-расм). Организмнинг индивидуал ривожланиши жараёнида тузилиши, ривожланиши ўтадиган жой (она организми ёки ташқи муҳит) кейинги ривожланиши ўтадиган жойдан кескин фарқ қилса, у **онтогенез босқичлари** дейилади. Онтогенезнинг иккита: эмбрионал ва постэмбрионал босқичларини фарқлаш лозим. Эмбрионал босқич жинсий хужайралар етилиб бошланишидан эмбрион туғилишигача бўлган босқични ўз ичига олади. Постэмбрионал босқич эмбрион туғилишидан табиий ўлимгача бўлган босқични ўз ичига олади. Бу босқичлар ҳам даврларга бўлинади. **Онтогенез даврлари** дейилганда, ривожланиши онтогенезнинг битта босқичида ўтса ҳам тузилиши жиҳатдан фарқ қиладиган даврлари тушунилади. Масалан, зигота, бластула, гастрюла, нейрула жараёнлари эмбрионал босқичда ўтса ҳам, улар тузилиши жиҳатдан бир-бирдан фарқ қилганлиги учун ҳар бири алоҳида онтогенез даврлари ҳисобланади.

Тирик организмлар онтогенезини (бутун умрини/хаётини) куйидаги 4 та босқичга бўлишни таклиф этамиз:

1. **Репродуктив етилиш босқич**-ота-она организмни ҳосил қиладиган жинсий хужайралар етилишидан, улардан зигота ҳосил бўлиб шу янги индивиддан биринчи кўпайиш бошлангунча бўлган барча эмбрионал ва постэмбрионал босқичларни ўз ичига олади. Бу босқич тирик туғадиган юксак тузилган хайвонларда (сут эмизувчиларда) нисбатан узоқроқ, тухум кўйиб кўпаядиган хайвонларда (хашаротларда) қисқароқ давом этади (1-расм).

2. **Репродуктив босқич**-жинсий хужайралар етилишидан тухум кўйгунча/эмбрион туғилгунча бўлган босқични, яъни ҳар бир кўпайиш жараёнини бошланишидан эмбрион туғилгунча/тухум кўйгунча бўлган босқични ўз ичига олади.

3. Онтогенезда индивиднинг бир кўпайишидан иккинчи кўпайишигача ўтган оралик **онтогенезнинг репродуктив мезопауза босқичи** деб аташни таклиф этамиз. Бунда бир индивид ҳаёти давомида неча марта кўпайса, шунча сонда **репродуктив мезопауза** содир бўлиши кузатилади. Масалан, капалаклар бутун ҳаёти давомида 6 марта кўпайса, 6 марта **репродуктив мезопауза** содир бўлади (1-расм). **Репродуктив мезопауза босқичи** ҳам 3 даврдан иборат бўлади: биринчи даврда кўпайишдан кейин организм ўзини (менструация, хужайра бўлинишининг интерфаза босқичи каби) тикланишга тайёрлайди; иккинчи даврда синтез жараёнлари содир бўлиб организм ўзини тиклайди; учинчи босқичда навбатдаги кўпайишга тайёрланади. **Репродуктив мезопауза** тухум кўйиб кўпаядиган хайвонларда фақат тухумни етилиши ва кўйиши учун энергия сарфлашини инобатга олганда қисқа вақт давом этади. Шунинг учун уларда бир тухум кўйишдан иккинчисигача кетган вақт ҳам нисбатан қисқа бўлади. Тирик бола ёки тирик тухум туғувчи хайвонларда эмбрион ёки тирик тухум она организмда узоқроқ вақт сақланганлиги учун **репродуктив мезопауза** ҳам нисбатан узоқроқ давом этади. Шу даврда кўпайиш ҳам тўхтабди. Бу даврни **репродуктив пауза** даври деб аташ лозим. Эмбрион ва она организми бевосита (йўлдош орқали) боғланиб кетганлиги учун уларда тикланиш ва навбатдаги кўпайишга тайёрланиш учун кетган вақт ҳам кўпроқ бўлади.

4. **Репродуктив қариш босқичи**-охирги марта тухум кўйишдан/эмбрион туғилгандан табиий ўлимгача бўлган босқични ўз ичига олади. Бу босқич давомида организм кўпаймайди, балки қарийди, ўлади, шу билан онтогенези ҳам тугайди.


Онтогенез кўпайиш ва яшаш муддатлари босқичларининг барчасини, ривожланиш цикли эса репродуктив босқич ва репродуктив мезопауза босқичларини ўз ичига олади. Онтогенез турга, индивидуал ривожланиш индивидга тааллуқли тушунчалар ҳисобланади. Тур доирасида индивидуал ривожланиш муддатлари ташқи муҳит омилларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Буларнинг умумий йиғиндиси тур онтогенезини ташкил этади.

Кўп хужайрали организмларда онтогенезнинг дастлабки босқичи зигота эмас, балки жинсий хужайраларнинг етилишини бошланиши ҳисобланади (Б.Л.Астауров, 1964). Онтогенезнинг охирги босқичи тўғрисида турлича фикрлар бор. Бу босқични эмбриологлар ва морфологлар жинсий етилиш даври деб ҳисоблайдилар. Чунки бу даврда тўқима ва органларнинг шаклланиши тугаллади. Физиологлар ва тибиёт вакиллари онтогенезнинг охирги босқичи ўлимдир десалар, Голландиялик эмбриолог П.Шмидт зиготадан зиготагача, вояга етган организмдан вояга етган организмгача бўлган ҳаёт циклини онтогенез деб атайди. Агар онтогенез термини остида организмларнинг ҳаёт цикли тушунилса, унда онтогенез бир-биридан фарқ қилувчи даврлардан иборатлигини қайд этиш керак.

Агар ҳар қандай мосланиш эволюция натижаси деб ҳисобланса, у ҳолда онтогенезнинг ҳар бир босқичи маълум даражада мустақил эволюцияга учраган. Чунки онтогенезнинг у ёки бу босқичи муҳит шароитларига қанчалик мослашганлигига қараб, организмнинг яшаб қолиши, жинсий етилишигача бўлган даврни босиб ўтиши ва насл қолдириш имконияти вужудга келган. Организмнинг нобуд бўлиши онтогенезнинг ҳар бир босқичида рўй бериши мумкинлиги эътиборга олинса, у ҳолда бу босқичда муҳит шароитига мослашиш орқали ўлимдан сақланиб қолишини кузатиш мумкин.

Ривожланиш цикли таҳлили. Ҳайвон ва ўсимликларнинг ривожланиш цикли қадимдан ўрганилиб келинаётган бўлса ҳам, тарихий маълумотлар ҳозиргача шакллантирилмаган. А.А.Захваткин (1953) иккита: онтогенез ва ривожланиш циклини бир хил ёки бир хил маънога эга тушунчалар деб, уларни бир-бирига тенглаштирди. Кўпчилик ҳолларда бу тўғри, аммо айрим ҳолатларда бу инкор этилиши ҳам мумкин. Масалан, гидроидлар, мохсимонлар, папоротниклар ва бошқаларнинг ривожланиш циклида жинсий ва жинсиз кўпайишнинг тўғри галланиши содир бўлади. Бундай ҳолатда онтогенез ва ривожланиш циклини бир-бирига тенглаштириб бўлмайди.

Бунда битта тўлиқ ривожланиш циклда иккита онтогенез, битта тўлиқ онтогенезда иккита ривожланиш циклини учратиш мумкин. Кўплаб содда ҳайвонларда жинсий кўпайиш абиотик омилларнинг ёмонлашиши билан содир бўлади. Бундай шароитда генлар перекомбинацияси танланишга мослашиш учун материал тайёрлаб беради. Ўзгармас, қулай шароитда содда ҳайвонлар кўп сонда, узоқ вақт цитотомия йўли билан жинсиз кўпаяди. Бундай мослашган шароитда генотип ўзгармасдан индивидлар сонини ошиб боришини таъминлайди.



1-расм. Капалаклар мисолида онтогенез ва ривожланиш цикли нисбати (оригинал). а-онтогенезнинг репродуктив етилиш босқичи; б- репродуктив босқичи; в- репродуктив мезопауза босқичи; г- репродуктив қарилик босқичи; 1-тухум; 2-личинка; 3-гумбак; 4а, 4б, 4в, 4г, 4д, 4е-битта капалакнинг кўпайиш босқичлари (вертикал кўрсаткич билан онтогенезда бир кўпайишдан иккинчисига ўтиши, горизонтал кўрсаткич билан ривожланиш цикллари бошланиши кўрсатилган).

Шундан келиб чиқиб, **ривожланиш цикли дейилганда, маълум турга хос бўлган янги индивидни ҳосил қиладиган жинсий хужайралар етилишидан бошланиб, эмбрионал ва постэмбрионал босқичлардан кейин яна навбатдаги индивидни ҳосил қиладиган жинсий хужайралар етилишининг бошланишигача кетма-кет ўтадиган босқичлар йиғиндиси тушунилади.** Онтогенез эса жинсий хужайралар етилишидан табиий ўлимгача бўлган даврни ўз ичига олади. Демак, бир индивид доирасида онтогенез ривожланиш циклига нисбатан узоқ давом этади. Ривожланиш (хаёт) циклининг узоқлиги бир йил давомидаги авлодлар (генерация) сони ёки бир авлод учун ўтган баҳор (йиллар) сони билан аниқланади. Шунингдек, бу жараёнга мажбурий тинчлик ва диапаузлар ҳам қиради. Ҳайвонларнинг ривожланиш цикли ҳар хил босқичлар ва кўпайиш турларининг аламадини билан ўтади (1-расм).

Тур индивидлари ривожланиши жараёнида ҳар қандай иккита бир хил ривожланиш даврлари ўртасида циклик такрорланадиган даврлар йиғиндисини ҳам ривожланиш цикли деб қабул қилиш лозим. Масалан, ота-она ва бола зиготалари, бластулалари, гастролалари, ёки ҳашаротларда иккита-зигота, личинка, ғумбак, имаго даврлари оралиғи ривожланиш цикли ҳисобланади. Ривожланиш цикл таркибига ҳар хил кўпайиш турларини ўз ичига оладиган онтогенез типлари, босқичлари ва даврлари ҳам киради. Кўпчилик умуртқасиз ҳайвонлар ривожланиш цикли жинсий ва жинсиз кўпайиш навбатлашуви билан ўтади. Ривожланиш цикли даврида кўпайиш, тарқалиш, турли ноқулай шароитлардан ҳимояланиш каби турнинг сақланиб қолиши ва тараққий этиши учун муҳим бўлган хусусиятлари амалга ошади. Тур эволюцияси даврида янги адаптив белгилар пайдо бўлиши билан онтогенез ва ривожланиш цикли ҳам ўзгаради, бўғинлар, гаплоид ва диплоид даврлар навбатлашиб туради. Ривожланиш циклининг ота-она неча марта авлод беришига (неча марта кўпайишига) қараб моногенетик, дигенетик, тригенетик ва ҳоказо турлари фарқланади [3].

Онтогенез ва ривожланиш цикли эволюцияси. Онтогенез даврида дивергенция ортган сари бир босқичдан бошқасига ўтиш мураккаблашиб боради ва натижада ривожланишнинг бир йўналишидан иккинчисига борадиган оралиқ, метоморфозли босқич пайдо бўлиши зарурлигини тақозо этади. Шунга кўра, эволюция жараёнида ҳайвонларнинг ривожланиши метаморфоз орқали содир бўлиши таркиб топган. Агар организмнинг личинка ва имаго даврлари бир хил экологик шароитда ўтса, у ҳолда ривожланиш метоморфозсиз тузилишнинг аста-секин таркиб топиши билан ўтади. Чунки бу босқичнинг бир мунча ўзгариши ўлимнинг ортишига олиб келади. Ўлимни камайтиришнинг энг қулай йўли метоморфозни тезлаштириш ёки соддалаштиришдан, шу йўл билан онтогенезнинг соддалаштиришга эришишдан иборат. Метаморфозда организмлар ўлимнинг олдини олишнинг яна бир йўналиши уни онтогенездан тушиб қолишидир. Бу айниқса неотенияда, яъни жинсий етилишнинг онтогенезни олдинги босқичларига, яъни личинкалик даврига кўчишида кўзга ташланади. Онтогенез эволюцияси бундай йўналишда ўтса, метаморфоз босқичлари қисқаради, насл қолдиришга лаёқатли организм кейинги ривожланиш учун зарур энергияни талаб қилади. Аммо метаморфознинг йўқолиши у ташқи муҳитда эмас, балки махсус тухум қобиклари ичида ўтса, эмбрион тараққиётини насл учун қайғуришини чўзилиши орқали амалга ошади. Бу ходисани А.А.Захваткин (1953) ривожланиш эмбрионизацияси деб номлади. Личинка ҳолатидаги ривожланишдан қобикқа ўралган йирик тухум қўйишга ўтиш (рептелилар ва қушларда), эмбрионни она қорнида ривожланиб, тирик бола туғишга ўтиш (сут эмизувчиларда) эмбрионизацияга яққол мисолдир. Личинка ҳолатидан тухум ичида ривожланишга ўтиш узок муддатли ривожланиш учун зарур озикалар захирасининг тухумда кўп бўлишини талаб этади. Бундай ҳолатда эмбрион мустақил озикланишдан тайёр озуқа билан озикланишга (рептелилар, қушларда) ёки паразитлик билан озикланишга (сут эмизувчиларда эмбрионнинг тўлиқ она организми ҳисобидан озикланиши) ўтиши кузатилади. Шунга кўра, ҳашаротлар ва юксак умуртқалиларда тухум эмбриогенезининг дастлабки даврларидаёқ ҳақиқий эмбрионал ва экстраэмбрионал қисмларга ажралиши рўй берган. Айрим эмбрионал мосланишлар (амнион, аллантоис, хорион) эмбриоадаптация бўлиб, у эмбриогенезнинг нормал ўтишини таминлайди.

Муаммо ва ечимлар. Э.Геккель томонидан биогенетик қонун яратилган ва онтогенезга таъриф берилган даврдаги табиатшунослик, жумладан биология фанлари тараққиётини ҳисобга олганда, бу қонун ўз вақтида тўғри ва пайғамбарларча олдиндан айтиб берилган қонун деб ҳисоблаш мумкин. Бу қонунга қарши айтилган танқидий фикрларни биогенетик қонунни ривожлантиришга эмас, балки унинг камчиликларини кўрсатишга қаратилган ҳаракатлар [10, 11, 12, 14] деб ҳисоблаш керак. Кейинги йилларда бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг энг катта камчилиги фақат эмбриологик маълумотларга асосланиб, уларни асосий исботловчи ёки инкор этувчи маълумотлар манбаи бўлган систематикадан (шунингдек бошқа биология фанларидан ҳам) узилиб қолганлигидир.

Россия ва рус тилида ижод қилинадиган мамлакатларда (жумладан Ўзбекистонда) биогенетик қонун ҳозиргача катта аҳамиятга эга бўлиб [4, 6, 9], бу мамлакатларда биология фанлари соҳасида эришилган ютуқлар, илмий янгиликлар, қонунлар, қоидалар, таълим муассасалари учун ёзилган ўқув адабиётлари биогенетик қонунга мосланган ёки унинг талабларидан келиб чиқилган. Шунинг учун бу қонундан бирдангина воз кечиб ёки уни инкор этиб бўлмайди. Биогенетик қонун яратилгандан буён ўтган даврда биология фанлари системасида эришилган илмий янгиликлар бу қонунда ҳам ўз аксини топган ҳолда ривожлантирилиши ва онтогенез ҳақидаги назария яратилиши лозим. Натижада биогенетик қонун ва онтогенез назарияси ҳамда ривожланиш цикли солиштирилиб, бундан кейинги тадқиқотлар йўналишини белгилаб олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белоусов Л.В. Основы общей эмбриологии. М.: Наука; Изд-во МГУ, 2005. 368с.
2. Гилберт С. Биология развития. М.: Мир, 2010.
3. Иванова-Казас О.М. Эволюционная эмбриология животных. С.-Петербург: Наука.1995. 566 с.
4. Корочкин Л.И. Биология индивидуального развития. М.: Изд-во МГУ. 2002. 263с.
5. Мартынов А.В. Онтогенетическая систематика и новая модель эволюции Bilateria. М.: Товарищество научных изданий КМК. 2011. 286 с.
6. Озернюк Н.Д., Исаева В.В. Эволюция онтогенеза. М.: Товарищество научных изданий КМК. 2016. 407 с.
7. Рэфф З., Кофмен Т. Эмбрионы, гены и эволюция. М.: Мир, 1986. 404 с.
8. Северцов А.Н. Морфологические закономерности эволюции. М., Л. 1939. 609 с.
9. Холиқназаров Б. Индивидуал ривожланиш биологияси. Т.: Ўзбекистон адабиёти жамғармаси нашриёти. 2006. 368 б.
10. De Beer G.F.R.S. Embrios and Ancestors. Oxford: Clarendon Press. 1958. 197 p.
11. Garstang W. The theory of recapitulation. J. Linn. Soc. London. Zool. 1922. Vol. 35. P. 81-101.
12. Gould S. J. Ontogeny and Phylogeny. Cambridge: Cambridge University Press. 1977. 501 p.
13. Hall B. K. Evo-Devo: Evolutionary developmental mechanisms // Int. J. Dev. Biol. 2003. V. 47. P. 491-495.
14. MacNamara K. J. Shapes of Time: The Evolution of Growth and Development. Baltimore: Johns Hopkins Univ. Press. 1997.
15. Minelli A. EvoDevo and its significance for animal evolution and phylogeny // Evol. Devel. Biol. Invertebr. Ed. Wanninger A. V. 1. Wien.: Springer. 2015. P. 1-24.

УДК 633.1:632 (575.1)

ОБНАРУЖЕНИЕ И ВИДОВОЕ РАЗНООБРАЗИЕ КОРНЕВЫХ ЭКТО- И ЭНДОПАРАЗИТИЧЕСКИХ ФИТОНЕМАТОД ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР

Хуррамов Алишер Шукурович¹, Соатова Зарина Акбаровна²

¹к.б.н., Термезский государственный университет, Термез

²магистр 2-курса, Термезский государственный университет, Термез

Аннотация: Мақолада донли экинларда учровчи илдиз экто- ва эндопаразит фитонематодаларининг аниқланиши, турлар хилма-хиллиги ҳамда тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар натижасида бугдой илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда 18 тур паразит нематодалар аниқланган бўлиб, улар 2 та кенжа синф, 2 та туркум ва 5 та оилага мансублиги қайд этилган.

Калим сўзлар: бугдой, аниқланиш, тарқалиш, илдиз паразит нематодалари, турлар хилма-хиллиги, донли экинлар.

Аннотация: В статье приводятся сведения об обнаружении, видовом разнообразии, а также распространённости корневых экто- и эндопаразитических фитонематод зерновых культур. В результате исследования в корнях и прикорневой почве пшеницы обнаружено 18 видов паразитических нематод, относящихся к 2 подклассам, 2 отрядам и 5 семействам.

Ключевые слова: пшеница, обнаружение, распространение, корневые паразитические фитонематоды, видовое разнообразие, зерновые культуры.

Abstract. The article provides information about the detection of species diversity, as well as the prevalence of root epizoic and internal parasitic phytonematodes of grain crops. As a result of the study, 18 species of parasitic nematodes were found in the roots and root soil of wheat, belonging to 2 subclasses, 2 orders and 5 families.

Keywords: wheat, detection, distribution, root parasitic phytonematodes, species diversity, grain crops.

Зерновые культуры – важнейшая группа возделываемых растений, дающих зерно, основной продукт питания человека, сырье для многих отраслей промышленности и корма для сельскохозяйственных животных. Исследования многих научных учреждений показало, что в Республике Узбекистан имеются все возможности для получения высоких урожаев зерновых культур. Однако среди вредителей и болезней растений одно из основных мест занимают фитонематоды, которые причиняют сельскому хозяйству огромный экономический ущерб, выражающийся в резком и значительном снижении урожая зерновых культур, в частности, пшеницы. Снижение урожайности сельскохозяйственных культур, вызванное паразитическими фитонематодами, наблюдается ежегодно в различных странах и составляет примерно 10-20% [1].

Поэтому изучение видового состава корневых паразитических фитонематод зерновых имеет большое научное и практическое значение.

Материал и методы исследования

Изучение видового состава корневых паразитических фитонематод пшеницы проводилось во всех зерносеющих хозяйствах Узбекистана в течении 2008-2017 г.г. по общепринятым маршрутным методам [2]. В маршрутных фаунистических исследованиях всего было собрано и анализировано 456 почвенных и корневых образцов. Сбор материала производили по основным фазам развития растений пшеницы. Взятые пробы составляли по 20 г. корней и 100 г. прикорневой почвы (0-30 см из пахотного слоя).

Для выделения фитонематод из корневой системы пшеницы использовали модифицированный вороночный метод Бермана [3] при 24 часовой экспозиции, а также из прикорневой почвы путём промывки её через сито из мельничного газа. Фиксация выделенных фитонематод проводилась 4 % формалином. Постоянные препараты готовились по методике Сайнхорста [4]. Видовой состав фитонематод изучали под микроскопом МБР-3 с использованием светофильтров и фазово-контрастного устройства. Для определения видов использовали морфометрические показатели, полученные по общепринятой формуле де Ман в модификации Миколецкого [5].

При определении видовой принадлежности фитонематод были использованы работы отечественных и зарубежных авторов, а также атлас фитонематод, составленный в Институте паразитологии РАН.

Результаты исследования

В результате фитогельминтологических исследований в корнях и прикорневой почве пшеницы нами обнаружено 18 видов фитопаразитических нематод, относящихся к 2 подклассам, 2 отрядам и 5 семействам. Обнаруженные фитопаразиты относятся к отрядам Dorylaimida и Tylenchida. Фитопаразитами являются виды родов *Xiphinema*, *Tylenchorhynchus*, *Bitylenchus*, *Merlinius*, *Helicotylenchus*, *Rotylenchus*, *Pratylenchus*, *Paratylenchus*, *Pratylenchoides*.

Сведения о видовом разнообразии корневых экто- и эндопаразитических фитонематод пшеницы и их распространённости в зерносеющих хозяйствах областей Узбекистана очень малочисленны. Учитывая эти обстоятельства, нами приводится перечень зарегистрированных паразитических фитонематод с указанием места обнаружения, автора и года. Последовательность паразитов указывается по степени их вредоносности.

Пратиленхи

Из пратиленхов на агроценозах пшеницы в зерносеющих хозяйствах Узбекистана обнаружены *Pratylenchus pratensis* (de Man, 1880) Filipjev, 1936; *P. neglectus* (Rensgh, 1924) Filipjev et Sch. Stekhoven, 1941; *P. penetrans* (Cobb, 1917) Filipjev et Sch. Stekhoven, 1941; *P. coffeae* (Zimmermann, 1898) Goodey, 1951.

Ростковая или луговая нематода *Pratylenchus pratensis* нами обнаружена в корнях и ризосфере пшеницы во всех обследованных областях Республики. Эта нематода относится к эндопаразитам.

P. neglectus - обнаружен в корнях и ризосфере пшеницы во всех обследованных областях Республики. Часто встречаемый вид относится к эррантным эндопаразитам.

P. coffeae - выявлен в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Ташкентской, Сырдарьинской, Самаркандской, Навоиской и Хорезмской областях. Встречается часто, относится к эндопаразитам.

P. penetrans - зарегистрирован в корнях и ризосфере пшеницы во всех обследованных областях Республики. Широко распространённый вид, эррантный эндопаразит.

Пратиленхоидесы

Из группы пратиленхоидесов выявлена нематода *Pratylenchoides crenicauda* Winslow, 1958.

Pratylenchoides crenicauda - обнаружен в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской области. Встречается относительно редко. Относится к эндопаразитам.

Тиленхоринхи

Из этой группы нематод обнаружены 3 вида такие, как *Tylenchorhynchus brassicae* Siddiqi, 1961; *T. tener* Erzhanova, 1964; *T. brevidens* Allen, 1955.

Tylenchorhynchus brassicae по нашим данным выявлен в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской, Кашкадарьинской, Наманганской, Ферганской и Андижанской областях. Часто встречаемый вид. Относится к эктопаразитам.

T. tener - обнаружен в корнях и ризосфере пшеницы во всех обследованных областях Республики. Часто встречаемый вид. Относится к эктопаразитам.

T. brevidens – выявлена в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской, Ташкентской, Сырдарьинской и Жиззахской областях. Относится к эктопаразитам.

Паратиленхи

Из паратиленхов обнаружен только один вид - *Paratylenchus macrophallus* (de Man, 1880) T. Goodey, 1934.

Paratylenchus macrophallus - является одним из опасных эктопаразитических фитонематод, высасывающий соки тканей корней. Вид зарегистрирован в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской, Кашкадарьинской, Наманганской, Андижанской Ферганской и Ташкентской областях. Относится к эндопаразитам.

Битиленхи

Из битиленхов был обнаружен *Bitylenchus dubius* (Bütschli, 1873) Siddiqi, 1986.

Bitylenchus dubius - зарегистрирован в корнях и ризосфере пшеницы во всех обследованных областях Республики. Часто встречаемый вид. Эктопаразит.

Мерлинусы

Из этой группы был зарегистрирован вид - *Merlinius bogdanovi-katjkovi* (Kirjanova, 1941) Siddiqi, 1970.

Merlinius bogdanovi-katjkovi - выявлен в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской, Кашкадарьинской, Навоиской и Хорезмской областях. Редко встречаемый вид. Относится к потенциальным фитопаразитам.

Геликотиленхи

Из геликотиленхов в корнях и прикорневой почве пшеницы обнаружены *Helicotylenchus dihystra* (Cobb, 1893); *H. erythrinae* (Zimmermann, 1904) Golden, 1956; *H. multinctus* (Cobb, 1893) Golden, 1956; *H. pseudorobustus* (Steiner, 1914) Golden, 1956.

Helicotylenchus dihystra - выявлено в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской Кашкадарьинской, Ташкентской, Сырдарьинской, Бухарской и Самаркандской областях. Эктопаразит.

H. erythrinae - найден в ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях. Эктопаразит.

H. multinctus - обнаружен в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Ташкентской, Сырдарьинской, Жиззахской, Сурхандарьинской, Навоиской и Кашкадарьинской областях. Эктопаразит.

H. pseudorobustus - зарегистрирован в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской, Ташкентской, Сырдарьинской и Жиззахской областях. Относится к эктопаразитам.

Ротиленхи

Из ротиленхов был зарегистрирован вид - *Rotylenchus goodeyi* (Loof and Oostenbrink, 1958) Perry, 1959.

Rotylenchus goodeyi - обнаружен в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях. Относится к эндопаразитам.

Ксифинемы

Из этой группы фитонематод нами были выявлены такие виды, как *Xiphinema index* Thorne et Allen, 1950; *X. elongatum* Schuurmans Stekhoven and Teunissen, 1938.

Xiphinema index - был обнаружен в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской, Кашкадарьинской и Самаркандской областях. Довольно крупная нематода. Относится к специальным паразитам. Питается соками клеток корней. Эктопаразит.

X. elongatum - зарегистрирован в корнях и ризосфере пшеницы в обследованных хозяйствах Сурхандарьинской, Кашкадарьинской, Бухарской и Самаркандской областях. Относится к эктопаразитам.

Обсуждение и выводы

Фитонематоды перечисленных родов патогенны. Надо отметить, что в большинстве случаев вышеуказанные паразитические нематоды немногочисленны. Однако, по мере расширения посевных площадей и при выращивании её в монокультуре, а также, выявление на пшеничных полях комплекса

весьма патогенных фитопаразитических видов нематод–пратилеихов, геликотилеихов, тилеихоринхов с достаточно высокой плотностью их популяций, вызывает особую тревогу, как широко распространившейся опасной болезни.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. Монография. -Л.-«Наука». -1969. Т.1. 447с.
2. Парамонов А.А. О некоторых принципиальных вопросах фитогельминтологии. В кн.:«Сб.работ молодых фитогельминтологов».-М.1958.С. 3-11.
3. Baermann G. Ein einfache Methode zur Auffindung von Ankylostomum-(Ne-matoden)-Larven in Erdproben.-Geneesk. tijdschr. nederl. India, 1917, p.131-137.
4. Seinchorst J. W. A rapid method for the transfer of nematodes from fixative to anhydrous glycerin.Nematologica. 1959. V.4, p. 57-69.
5. Micoletzky G. Die freilebenden Erd - Nematoden, mitbesonderer Beruck-sichtigung der Steiermarkun der Bukowina, Zugleichmiteiner Revision Samtli-chernicht mariner, freilebender Nematoden in Farm von esenus. Beschreibungen und Bestimmungen - Schlusselfn, Arch. Naturgesch, V. 87, 1922. -P. 364.

УДК 633.1:632 (575.1)

ОБНАРУЖЕНИЕ И РАСПРОСТРАНЕНИЕ ANGUINA TRITICI (STEINBUCH, 1799) SHITWOOD, 1935 НА ПШЕНИЦЕ В ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

А.Ш.Хуррамов¹, С.Б.Жумаева²

¹к.б.н., Термезский государственный университет, Термез

²преподаватель, Термезский государственный университет, Термез

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон ҳудудида бугдой далаларида бугдой нематодаси *Anguina tritici* аниқланиши ва тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар натижасида галлачиликка ихтисослашган 7 та хўжаликларда бугдой бошогидида бугдой нематодасининг мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, нематоданинг 2 ва 3 ёшидаги личинкалари бугдойнинг турли хил ривожланиши давларида унинг органлари ҳамда илдизи атрофидаги тупроғида қайд этилган.

Калит сўзлар: бугдой, аниқланиши, тарқалиши, бугдой нематодаси, личинкалар, триер.

Аннотация: В статье приводятся сведения об обнаружении и распространении пшеничной нематоды *Anguina tritici* в пшеничных полях на территории Узбекистана. В результате исследования пшеничная нематода выявлена в колосьях пшеницы в 7 обследованных зерносеющих хозяйствах. А также личинки нематоды 2 и 3 возраста обнаружены в органах и ризосфере в разных сроках развития пшеницы.

Ключевые слова: пшеница, обнаружение, распространение, пшеничная нематода, личинки, триер.

Abstract. The article provides information about the detection and distribution of the wheat nematode *Anguina tritici* in wheat fields in Uzbekistan. As a result of the study, a wheat nematode was found in the ears of wheat in 7 grain-sowing farms surveyed. As well as the larvae of nematodes 2 and 3 of age were found in the organs and the rhizosphere of different periods of wheat development.

Keywords: wheat, detection, distribution, wheat nematode, larvae, trier.

Внедрения достижений науки и передового опыта многих научных учреждений показало, что в Республике Узбекистан имеются все возможности для получения высоких урожаев зерновых культур. Однако урожай зерна нередко значительно снижается в результате поражения растений грибными, бактериальными и вирусными патогенами, а также заболеваниями невыясненной этиологии. Среди последних заболеваний немаловажное значение имеют фитогельминтозы, которые отчасти ведут к резкому снижению урожая зерновых культур, в частности, пшеницы.

Снижение урожайности сельскохозяйственных культур, вызванное фитонематодами, наблюдается ежегодно в различных странах и составляет примерно 10-20% [1]. Нередко растения испытывают комплексное воздействие вредной фауны и флоры, при этом активную роль имеют фитогельминты в развитии ряда грибных, бактериальных и вирусных болезней растений.

Изучение видового состава и патогенной роли паразитических фитонематод пшеницы имеет большое научное и практическое значение.

Материал и методы исследования

С целью изучения фитонематод пшеницы нами проводились фитогельминтологические исследования во всех зерносеющих хозяйствах Узбекистана в течении 2008-2017 г.г. по общепринятым маршрутным методом [2]. В маршрутных фаунистических исследованиях всего было собрано и анализировано 456 почвенных и 1860 растительных образцов. Сбор материала

производили по основным фазам развития растений пшеницы. В фазе цветения и полной спелости пшеницы отбирали растения для исследования их на наличие пшеничной нематоды с интервалами 10 дней в каждой из пяти повторности и составляли средние пробы по 20 г. корней, стеблей, листьев, колосьев и 100 г. прикорневой почвы (0-30 см из пахотного слоя).

Для выделения фитонематод из органов растений использовали модифицированный вороночный метод Бермана[3] при 24 часовой экспозиции, а из прикорневой почвы - путём промывки её через сито из мельничного газа. Фиксация выделенных фитонематод проводилась 4 % формалином с предварительным нагреванием до 50-55°. Постоянные препараты готовились по методике Сайнхорста[4]. Видовой состав фитонематод изучали под микроскопом МБР-3, также, для определения видов использовали морфометрические показатели, полученные по общепринятой формуле де Ман в модификации Миколецкого[5].

При определении видовой принадлежности фитонематод были использованы работы отечественных и зарубежных авторов, а также атлас фитонематод, составленный в Институте паразитологии РАН.

Результаты исследования

В результате исследования была зарегистрирована пшеничная нематода *Anguina tritici* (Steinbuch, 1799) Chitwood, 1935 в колосьях пшеницы в 7 обследованных зерносеющих хозяйствах Ташкентской, Ферганской, Жиззахской и Сырдарьинской областей. В органах растений (корнях, стеблях, листьях), а также прикорневой почве в разных сроках развития выявлены личиночные стадии нематоды 2 и 3 возраста. Плотность популяции в зависимости от условия обитания колебалась от 8 до 60 личинок на 100 см³ почвы и корней. В надземных органах пшеницы, в стеблях и листьях плотность популяции личинок в ранние начальные сроки не обнаружены, затем в середине и в конце вегетации растений их плотность была значительной средней от 12 до 25 личинок в 20 г. стеблей и листьев. Нами ниже приводится описание, морфометрические показатели, биология и симптомы заражения растений пшеницы пшеничной нематодой.

Пшеничная нематода - *Anguina tritici* (Steinbuch, 1799) Chitwood, 1935

♀ L=3,5-4 мм; a=27-29; b=22-25; c=36-45; V=91-94%.

♂ L=2-2,4 мм; a=26-28; b=12-13; c=26-28.

Довольно толстые и крупные нематоды. Тело взрослых нематод спирально изогнуто, конической формы с заостренным кончиком. Стилеты у самок и самцов 8-10 мкм. Спикулы самца 40 мкм, рулка – 10 мкм в длину. Личинки второго возраста 1,0-1,2 мкм в длину.

Личинки в анабиозном состоянии попадают в почву в галлах вместе с семенным материалом, при уборке урожая или упавшими колосками, зараженных растений после уборки урожая. При разбухании зараженного зерна во влажной почве личинки второго возраста активно входят в почву и проникают в корешки всходов. Личинки двигаются вверх по стеблю, добираются до точки роста и накапливаются в пазухах листьев.

В период колошения личинки пшеничной нематоды активно мигрируют внутрь стебля и, проникая в зародыш цветков, вызывают образование галлов. Внутри галлов из личинки развиваются взрослые самки или самцы. После оплодотворения самки откладывают до 2-2,5 тысяч и более яиц внутри зерна. Там же из яйца выходят личинки второго возраста.

Галлы пшеничной нематоды, по сути дела, это заполненные личинками зерна пшеницы. Они созревают одновременно со здоровыми зернами. Зрелые галлы сильно отличаются от здоровых зерен пшеницы более темной окраской. Их можно принять за семена сорняков(рис.1).

На продольном разрезе можно увидеть белую мучнистую массу, окруженную толстыми стенками галла. При рассмотрении под микроскопом в капле воды можно увидеть многочисленные личинки второго возраста. Личинки в галлах в состоянии анабиоза могут сохранить жизнеспособность в течение более 10 лет (рис.2).

Обсуждение и выводы

Нематода сильно поражает все сорта пшеницы. Зараженные растения отстают в росте, стебли и листья бывают короткими и искривленными. Сильно зараженные всходы могут не образовывать колоса или образуют короткие колосья, не превышающие 12 см, напротив 15-22 см у здоровых. Число галлов в сильно зараженных колосьях колеблется от 9 до 50 экз.

Пшеничная нематода до середины прошлого века считалась широко распространенной во всех странах мира. В результате принятых жестких профилактических мер она уничтожена во многих странах или не имеет существенного практического значения. Но к сожалению в Узбекистане она встречается до сих пор.



Рис.1. А-здоровые зерны пшеницы; Б-зрелые галлы более темной окраской (ориг.)




Рис.2. Галлы пшеничной нематоды заполненные личинками (ориг.)

Надо отметить, что в большинстве случаев пшеничная нематода немногочисленна. Однако, по мере расширения посевных площадей и не очищения зараженных семян, а также выращивание её в монокультуре приводит выявлением ангвин с достаточно высокой плотностью их популяции.

В борьбе с пшеничной нематодой хороший результат дают профилактические меры, не допускающие посев зараженных семян. Зерна, пропущенные через пшеничный триер, почти полностью очищаются от галлов пшеничной нематоды.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Кирьянова Е.С., Краль Э.Л. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. Монография. - Л.- «Наука». -1969. Т.1. 447с.
2. Парамонов А.А. О некоторых принципиальных вопросах фитогель-минтологии. В кн.:«Сб.работ молодых фитогельминтологов».-М.1958.С. 3-11.
3. Baermann G. Ein einfache Methode zur Auffindung von Ankylostomum-(Ne-matoden)-Larven in Erdproben.- Geneesk. tijdschr. nederl. India, 1917, p.131-137.
4. Seinchorst J. W. A rapid method for the transfer of nematodes from fixative to anhydrous glycerin.Nematologica. 1959. V.4, p. 57-69.
5. Micoletzky G. Die freilebenden Erd - Nematoden, mitbesonderer Beruck-sichtigung der Steiermarkun der Bukowina, Zugleichmiteiner Revision Samtli-chernicht mariner, freilebender Nematoden in Farm von esenus. Beschreibungen und Bestimmungen - Schlusselfeln, Arch. Naturgesch, V. 87, 1922. -P. 364.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

ЎУК: 330.338.012

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
ВА ЖОЙЛАШУВИ ТАҲЛИЛИ***А.Ж. Абдуллаев, тадқиқотчи, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Тошкент*

Аннотация. Ушбу мақолада долзарб иқтисодий, ташкилий-техник, ижтимоий муаммоларни қисқа муддат ичида ҳал қилишда асосий йўналиш сифатида қаралиб келинаётган кичик бизнеснинг Тошкент вилоятида қурилиш соҳасини ривожлантиришдаги ўрни хусусида фикр юритилади.

Калим сўзлар: қурилиш, кичик бизнес, ялти маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳажми, қурилиш соҳаси улуши, инвестиция.

Аннотация. В этой статье обсуждается роль малых предприятий в развитии строительной отрасли в Ташкентской области, которая рассматривается в качестве ключевого направления в решении неотложных экономических, организационных, технических, социальных проблем за краткосрочный период.

Ключевые слова: строительство, малый бизнес, валовая продукция, объем производства, доля сферы строительства, инвестиция.

Abstract. This article discusses the role of small enterprises in the development of the construction industry in Tashkent region, which is regarded as a key direction in solving urgent economic, organizational, technical, social problems in a short term.

Keywords: construction, small business, gross output, production volume, share of the construction sector, investment.

Маълумки, Ўзбекистонда ўтказилаётган туб ижтимоий-ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири минтақаларда иш ўринлари ва аҳоли турмуш фаровонлигининг асосий манбаларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни, иқтисодиёт тармоқлари кесимида, хусусан, қурилишда ушбу тармоқни жадал ривожлантириш ҳисобланади.

Соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат натижасида 2017 йилда 32,8 мингдан ортиқ КБХТ субъектлари ташкил этилиб, бунинг қарийб 10 фоизи ёки 3,3 минга яқини қурилиш тармоғига тўғри келади. Республикамиз ЯИМдаги КБХТнинг улуши 53,3 фоизни, экспорт ҳажмидаги улуши 27 фоизни, саноатдаги улуши 39,6 фоизни, хизматлар соҳасидаги улуши 58,4 фоизни, қурилиш тармоғидаги улуши 65,1 фоизни, жами бандликдаги улуши эса 78,3 фоизни ташкил этган бўлса, биз таҳлил қилмоқчи бўлган Тошкент вилоятида соҳанинг улуши ЯХМда 57,3 фоизни, саноатда 71,3, хизматлар соҳасида 51,1, қурилишда 66,8 ва жами бандлар сонидagi улуши эса 56,8 фоизни ташкил қилди [1].

Аммо, шундай бўлишига қарамадан республикамизда, шу жумладан Тошкент вилоятида ҳам КБХТ субъектлари ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар етарлича даражада эканлигини таъкидлаш лозим. КБХТ фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар ичида биринчи ўринда кичик бизнеснинг ривожланишида минтақанинг соҳа устунликларини ҳисобга олган ҳолда шароитларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бевосита таҳлилни амалга оширишда маҳаллий ҳукумат органларининг ҳудудда КБХТ субъектларини ривожлантириш масалаларига ёндашуви ва ҳудуднинг имкониятлари, статистик маълумотлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади.

Бугунги кунда кўпчилик ҳудудий ҳукумат органларининг ҳудудни ривожлантириш бўйича асосий ҳаракатлари янги корхоналарни ташкил этиш ва ташқи инвесторларни жалб қилишга асосланади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бақарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ички муаммоларга асосланган аниқ бир ҳудуднинг ўзига хос муаммоларини бартараф этишдан иборат. Бунда минтақаларнинг КБХТнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ва инвестициялар камайиши, салбий тенденцияларига олиб келувчи маҳаллий шарт-шароит ҳамда вазиятларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқ саналади.

Энг аввало, мамлакатимизда КБХТни қўллаб-қувватлаш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда уларни ривожланиши учун инфратузилма ва муҳитни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга тўхталадиган бўлсак, даставвал мамлакатимиз барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун асос вазифасини бажаришга хизмат қилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида [2] иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш, хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, КБХТ ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш масаласи асосий йўналишлардан бири сифатида келтириб ўтилган.

Шунингдек, мамлакатимизда 2018 йил “Ҳаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” доирасидаги давлат ва ҳудудий дастурларда жойларда

КБХТни ривожлантириш, улар учун шарт-шароитлар яратиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Минтақаларда КБХТни ривожлантириш дастурларининг асосий мақсади соҳанинг динамик ўсиши учун ташкилий-ҳуқуқий ва инвестицион-молиявий муҳитни яратиш, соҳада ахборот таъминоти, кадрлар таёрлаш, кредит ажратишда давлат кафолатлари тизимини ишлаб чиқиш, субъектларни суғурталаш, шунингдек КБХТни қўллаб-қувватловчи инфратузилмани яратишни ўз ичига олади. Дастурларнинг асосий йўналиши КБХТни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш ва улар учун реал инвестицион ва солиқ сиёсатини яратишдан иборат. Бу каби дастурлар минтақада кўп маротаба қабул қилинган ва тасдиқланган, бироқ белгиланган мақсадларга бирданига эришиш имконини йўқлиги ушбу дастурларни доимий такомиллаштириб бориш лозимлигини талаб қилади.

Тошкент вилоятининг имкониятларига тўхталадиган бўлсак, у ўзининг географик жойлашувига кўра марказий маъмурий ҳудуд ҳисобланади. Минтақа жойлашувининг аҳамияти жуда юқори бўлиб, у иқтисодиёт нуқтаи назаридан доимий ривожланиб боришини таъминлашда ўзига хос устунлик касб этади. Жумладан, бугунги кунда Тошкент вилоятида қарийиб 21,7 мингга яқин кичик корхоналар фаолият олиб бормоқда. 2015 йилдан буён кичик корхоналарнинг сони 13.9 % га ортган, яъни минг аҳоли сонига 14.2 та кичик корхона, бутун Ўзбекистон бўйича 12.2 корхона тўғри келади. Минтақада жами аҳоли сони 2861.3 минг кишини ташкил қилгани ҳолда жами бўлиб фақатгина 1413 та оилавий корхоналар рўйхатга олинганлиги минтақада кичик бизнесни ривожлантириш учун имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ““Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли Қарорини қабул қилиниши, ушбу йўналишни ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан қанчалик даражада аҳамият қаратилаётганлигидан далолат беради.

Ижтимоий – иқтисодий ривожланганлик ҳамда иқтисодий имкониятлари нуқтаи назаридан олиб қараганда минтақа мамлакатда ўзига хос аҳамият касб этади. Минтақада КБХТни ривожланишини кичксий таҳлилини қараб чиқадиган бўлсак, Тошкент вилоятидаги кичик корхоналар мамлакатдаги кичик корхоналар сонининг 10,4% ни ташкил этади. Бу эса минтақада қурилиш соҳасидаги кичик корхоналарни ривожланишига имконият яратди. Статистик маълумотларни кўрсатишича 2017 йилда Тошкент вилоятида қурилиш бизнесида жами ходимлар сони 7.2 мингга яқин кишини ташкил қилган ва 1670 га яқин кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият олиб борган. Келтирилган 1-чизмадаги маълумотлардан кўринадики, жами кичик корхоналарда иш билан бадларнинг ўртача сони 4 кишини, бироқ қурилиш соҳасида эса бу кўрсаткич ўртача 6 кишини ташкил қилмоқда. Умумий тенденцияга эътибор қаратиладиган бўлса, қурилиш соҳасидаги ўртача ишчилар сони камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бироқ бошқа томондан кичик корхона ва микрофирмаларда рўйхатда турмайдиган, фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача сони ошишини кузатишимиз мумкин (1-расм).

2014 йилда уларнинг жами кичик корхоналардаги йиллик ўртача сони 6.5 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 8.1 минг кишига етган. Қурилиш соҳасида бу кўрсаткичча мос равишда 1.6 ва 2.0 минг кишини ташкил қилиб, жамига нисбатан 25 фоизини ташкил қилмоқда.

Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишдаги улуши анча юқори бўлиб, 58.2% ни ташкил қилади ва қарийиб 992.6 мингга яқин аҳоли ушбу соҳада иш билан банд, шу жумладан бевосита иш билан бандлик ва ёлланиб ишлайдиганларни ҳам ҳисобга олганда, бу кўрсаткич вилоятдаги ишга яроқли аҳолининг умумий сонининг 77 %га яқин қисмини ташкил қилади.

Бу эса Тошкент вилоятида кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини асослайди. Хусусан қурилиш соҳасидаги кўрсаткичларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 1409.2 млрд сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич мамлакат бўйича умумий ҳажмнинг 6.3 %ини ташкил қилган. Ушбу йўналишда энг юқори улуш Тошкент шаҳрига тўғри келиб, жами бажарилган қурилиш ишларининг 19.6 % ини ташкил қилади.

Барча КБХТ субъектларини капитал қурилиш билан шуғулланувчи – қурилиш корхоналари, аралаш (қурилиш, қурилиш – таъмирлаш ва реставрация ишлари) ва қурилиш – таъмирлаш корхоналарига ажратишимиз мумкин. Қурилиш корхоналари КБХТ субъектлари сонининг 7.7 % га яқин қисмини ёки 1670 корхонани ташкил қилади. Ушбу корхоналар ичида минтақа бозорида қарийиб беш ва ундан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг улуши етарли даражада каттадир. Уларга асосан мустақил равишда уй-жой қурилиши ва саноатга мўлжалланган объектларни қурувчи корхоналарни киритишимиз мумкин. Асосан КБХТ қурилиш – таъмирлаш ва безак ишлари билан шуғулланади.

Минтақадаги қурилиш корхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, кичик корхоналар ҳар йили қурилиш саноатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб

келаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Биз қуйидаги 1-жадвал маълумотлари асосида вилоятда қурилиш саноатини КБХТнинг ривожланиш тенденцияларини қараб чиқамиз.



1-чизма. 2014-2017 йилларда фаолият юритаётган жами ва қурилиш соҳасидаги кичик корхоналарда ўртача ишчилар сони [3]

1-жадвал

Вилоятда қурилиш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари [4]

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017
КБХТ субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари (млрд. сўм)	935.0	1104.0	1214.9	1409.2
КБХТнинг қурилиш ишларидаги улуши (%)	70.3	70.7	73.8	77.2
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган қурилиш ишлари ҳажми (млрд. сўмда)	344.5	357.3	522.4	583.5
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган қурилиш ишларининг республикадаги улуши (%)	5.2	4.5	5.2	4.7

Жадвалдан кўринадики, КБХТ субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари йилдан-йилга ошиб бормоқда, шунга мос равишда уларнинг жами қурилиш ишларидаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Жумладан 2014 йилда қурилиш ишларида КБХТнинг улуши 70.3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 77.2 фоизга етган. КБХТни ўз кучи билан бажарган ишлари ҳажми нуқтаи назардан олиб қараганда уларнинг миқдори номинал қийматда ошиб боришини кузатишимиз мумкин. Бироқ, вилоятдаги КБХТнинг ўз кучи билан бажарган ишларини республикадаги улушига эътибор қаратадиган бўлсак, 2014 йилда 5.2 фоизни ташкил қилган ва 2015 йилга келиб 4.5 фоизгача камайганлигини кўриш мумкин. 2016 йилга келиб 2014 йил даражасига эришилган бўлса, 2017 йилга келиб яна 0.5 фоизга камайиб 4.7 фоизни ташкил қилган. Ушбу маълумотлар ҳамда вилоятнинг иқтисодий фаолиятини инobatга олган ҳолда шунини таъкидлаш мумкинки, вилоятда қурилиш соҳасида КБХТни ривожлантириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни – бу қандайдир якуний натижага эришиш учун аниқ, оқилона ва изчил ҳаракатлар тўплами ҳисобланади. Шу сабабли қурилиш жараёнларини таснифлаш, қурилиш маҳсулотлари турини, ушбу жараённинг функционал йўналишларини, уларнинг ташкил этилиши параметрлари ва шаклларини аниқ эътибори лозим. Қурилиш маҳсулотлари саноат корхоналари, уй –жойлар, ижтимоий бинолар ва турли иншоотларни қуришда қўлланилганида тугалланган ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун объектларни лойиҳалаштириш, қурилиш материалларини сотиб олиш, механизмларни тақдим этиш, ускуналар ва материалларни кичик механизациялаш, ишлов бериш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлар мажмуини ўтказиш керак [5].

Қурилиш бизнеси бу бизнеснинг махсус тури бўлиб, ушбу бизнес-доимий молиявий инвестицияларни талаб қилувчи, қурилиш объектини топширгунга қадар қурилиш цикли бошланганидан кичик бўлмаган муддатни қамраб олувчи мураккаб технологик жараёнларга, хавфга асосланган. Инвестицион фаолият дейилганда фойда олиш ва бошқа фойдали таъсирга эга ютуқларга эришиш мақсадида пул маблағлари киритиш ва бошқа амалий ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Қурилиш соҳасидаги инвестицион фаолият шахсий маблағлар ҳисобига, шунингдек уларга тенглаштирилган манбалар ёки қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган инвестицион фаолиятнинг субъектлари бўлиб инвесторлар,

буюртмачилар, пудратчилар, капитал инвестиция объектлари фойдаланувчилари ва бошқа шахслар ҳисобланади.

КБХТни молиялаштириш, мамлакатимиз, хусусан, Тошкент вилояти учун ҳам долзарб масалалардан бири саналади. КБХТни молиялаштиришнинг муҳим захираси бу – тижорат банкларининг имтиёзли банк кредитлари, халқаро молия ташкилотларининг мақсадли жамғармалари маблағлари, ўзаро ижтимоий кредитлаш ёки ўзаро суғурталашни ривожлантириш ҳисобланади.

2017 йилда минтақанинг ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар 4301.8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати 96,4% ни ташкил қилди. Вилоят бўйича жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 61.0 %и (2623.8 млрд. сўм) йирик корхона ва ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Вилоят статистика бошқармаси томонидан КБХТда ўтказилган тадқиқотларга кўра, КБХТлар томонидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1045,2 млрд. сўмни ёки жами вилоят бўйича ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмидаги улуши 24,3 % ташкил қилди.

КБХТ субъектларини инвестициялашда инвестор сифатида юридик ва жисмоний шахслар майдонга чиқади. Инвесторлар қурилиш объектларига молиялаштириш шартномалари асосида ёки инвестиция қилинган акцияларни қайта тиклаш асосида жалб қилиниши мумкин.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, биз КБХТни ривожлантириш минтақа учун қуйидаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда энг муҳим омил эканини келтириб ўтишимиз мумкин:

- меҳнат ва хизматларда аҳоли, жамиятнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондирадиган рақобатбардош, тараққий этган бозор муносабатларини шакллантириш;
- истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган КБХТ субъектлари меҳнат ва хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган ассортимент ва сифатни оширишни кенгайтириш;
- муайян истеъмолчилар учун товар, меҳнат ва хизматларни ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш;
- минтақа иқтисодиётининг таркибий ўзгаришига кўмаклашиш ва ундаги мослашувчанлик, ҳаракатчанлик хусусиятларини бойитиш;
- ишлаб чиқариш ва қурилишни ривожлантиришга аҳолининг шахсий маблағларини жалб қилиш;
- янги иш ўринларини яратиш ва ишсизлик даражасини камайтириш;
- инсонларнинг ижодий қобилиятларидан янада самаралироқ фойдаланиш, уларнинг иқтидорларини ошқор этиш, қўшимча ва янги хунармандчилик турларини ўзлаштириш, янги технологияларни ривожлантириш;
- меҳнат фаолиятига кенг миқёсдаги ишлаб чиқаришларда маълум чекловларга эга аҳолининг алоҳида қатламлари (уй бекалари, нафақахўрлар, ногиронлар, талабалар)ни жалб этиш;
- мулкдорлар ва корхона (фирма, компания) эгаларининг ижтимоий қатламини шакллантириш;
- илмий – техникавий ривожлантиришни жадаллаштириш;
- маҳаллий хом-ашё манбалари ва йирик ишлаб чиқариш чикиндиларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш;
- бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи йирик корхоналарга ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришларни яратиш орқали кўмаклашиш;
- минтақани паст рентабелли ва зарар етказувчи корхоналардан уларни ижарага олиш ёки сотиб олиш орқали озод қилиш.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари ҳулосасига кўра кичик бизнесни иқтисодий ва ижтимоий функциялари, уни муҳим минтақавий муаммолари ечими ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарорлиги ва ислоҳ қилишнинг ажралмас қисми сифатида намоён қилади. Мамлакатимизда кичик бизнес ривожланиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда кичик бизнес, хусусан қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари ривожланишига таъсир ўтказувчи асосий омиллар аниқланди.

Тадқиқотлар қурилиш ишларига бошқа соҳаларга нисбатан алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Чунки мамлакатда КБХТ хусусий капитал ҳисобига ривожланади, қурилиш соҳасини инвестициялаш бўлса асосан ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади. Натижада вазиятга оид қуйидаги фаразлар илгари сурилди:

1. Қурилишдаги кичик корхоналар сони кўп жиҳатдан барқарорлашган. Бундай корхоналарнинг энг муҳим хусусиятлари молиявий ва иқтисодий мустақилликнинг юқорилиги, содаллаштирилган ташкилий тузилма ва ўзининг иқтисодий бўлимларини тезда қайта туза олиш қобилияти.
2. Бозор муносабатларини шакллантиришдаги асосий муаммо –тадбиркорлар манфаатларини рад қилиш, юқоридан маъмурий – буйруқбозлик усулини таъминлашга уриниш ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини яратиш мазмуни эса “пастдан юқорига” яъни – тадбиркорнинг манфаатларидан ушбу жараёни амалга оширувчи, хизмат кўрсатувчи марказлашган бозор инфратузилмасини яратишни талаб қилади.

3. Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва уларни қонуний йўл билан жорий қилинишининг мураккаблиги кичик корхоналарни, ўз навбатида кичик корхоналарга қўшимча тўловларни жорий қилган ҳолда уни ўзига бўйсундириб оладиган ноқонуний тузилмалар билан алоқага киришишига олиб келади.
4. Ўзбекистон ҳудудларида КБХТнинг ривожланиши тез суръатларда амалга оширилаётган, давлат КБХТ ривожланишини қўллаб-қувватлашда асосий субъект бўлсада, аммо ташкиллаштиришда деярли иштирок этмайди.
5. КБХТнинг фаолияти нафақат маҳаллий бозорга, минтақавий муаммоларни ҳал этишга, балки мамлакат экспортини ривожлантиришга қаратилган. КБХТнинг муваффақиятли ривожланиши фақат ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа қулай шарт – шароитлар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга ошиши назарда тутилмоқда.
6. Республика, ҳудудлар, вилоятлар ва шаҳар даражасидаги барча давлат органлари иқтисодий ривожланиш бўлиmlарига эга, уларнинг асосий мақсадлари тадбиркорликни ривожлантиришга, асосан ушбу ҳудуд аҳолиси томонидан талабга эга бўлган истиқболли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, иш ўринлари яратишга қаратилган.
7. Худудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш йўналишларини ҳудудларда белгилаши, моддий – техник ва молиявий ресурсларнинг иштирокини ҳисобга олган ҳолда зарур чора – тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишлари керак.
8. КБХТни ривожлантириш учун муҳим вазифалар қаторида мамлакатда ва ҳар бир минтақада инвестицион жараёни таъминлайдиган шароитларни яратишга қаратилган иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ҳам ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий микроиқтисодий ва макроиқтисодий қийматлар нафақат мамлакатдаги, балки минтақаларда ҳам ривожланиб келаётган вазиятни тушунтиради. Маҳаллий бошқарув янги воқеликка тайёр эмаслигини амалда мавжуд бўлган ечимга эга бўлмаган муаммолар, шунингдек ривожланиш стратегиясини танлаш ва мавжуд ресурсларни баҳолашда намоён бўлади. Бугунги кунда кўпчилик худудий ҳокимият органларининг асосий инқирозга қарши ҳаракатлари, қоидага кўра, янги корхоналарни ташкил этиш ва ташқи инвесторларни жалб қилиш. Кўпчилик минтақа ҳокимият органларининг асосий инқирозга қарши ҳаракатлари, одатдагидек янги бизнес корхоналарини ташкил қилиш ва хорижий инвесторларни жалб қилишдан иборат.

КБХТни ривожлантиришга таъсир ўтказувчи омилларнинг таҳлили, шунингдек, соҳани қўллаб – қувватлаш республика ва минтақавий мақсадли дастурлари шуни кўрсатадики, мавжуд муаммоларни фақат биргаликдаги саъй – ҳаракатлар, тадбиркорларнинг ўзлари ва давлат органлари ҳокимияти ва маҳаллий органлар бошқаруви томонидан биргаликда бартараф қилиниши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://stat.uz/uploads/docs/maliy-biznes-yan-dek-2017-uz.pdf>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4749 сонли Фармони
3. Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
4. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
5. Богомолов О. Организация и контроль государства могут способствовать развитию региона (Повгородская область) // Экономист.-1998.-№1.-С.38.

УЎТ: 331

ХОРИЖИЙ ТУРИСТЛАР МИҚДОРINI ТРЕНД ТЕНГЛАМАСИ АСОСИДА ПРОГНОЗЛАШ

Х.И. Мўминов, и.ф.н., Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада туризмнинг ривожланиш жараёнини моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари кўриб чиқилган. Ҳудуддаги туризм ҳолати ва динамикасини белгилаб берувчи асосий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири тасвирланган.

Калим сўзлар: туризм, корреляция, регрессион таҳлил, модель, прогнозлаш.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы моделирования и прогнозирования процессов развития туризма. Описаны взаимодействия и взаимосвязи основных факторов, определяющих состояние и динамические характеристики туризма в региональном масштабе.

Ключевые слова: туризм, корреляция, регрессионный анализ, модель, прогнозирование.

Abstract. In the article modeling and forecasting of tourism development is considered. Interaction and interrelationship between main factors determining the state and dynamic characteristics of tourism are described in a regional scale.

Keywords: tourism, correlation, regression analysis, model, forecasting.

Қириш. Туризм деганда жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда бошқа ҳудудга ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, узоғи билан бир йил муддатда саёҳат қилиши тушунилади.

Мамлакатга ташриф буюрадиган туристлар товарларни харид қилиши, маънавий эҳтиёжларини кондиритиши, турли хизматлардан баҳраманд бўлиши ҳудуддаги ишлаб чиқарувчилар фаолиятига рағбат бўлиб ҳисобланади.

Туризм соҳасини ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш, соҳа ривожига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитларнинг таъсир даражасини таҳлил қилиш ҳамда соҳанинг яқин келажакда ривожланишини прогнозлаш долзарб масала бўлиб, ишда тренд тенгламаси асосида мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижий туристлар миқдорини моделлаш ва прогнозлаш масаласи ўрганилган.

Мавзунинг долзарблиги. Туризмнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, табиий таъсирларининг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда туризмнинг янада тараққий қилишига, соҳанинг миллий иқтисодиётда эгаллаган даражасини оширишга ҳукумат томонидан катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли ҳамда 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармонлари туризмни ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига туризмнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга ижобий таъсир қилди [1,2].

Туризм соҳасида қонунчилик базасини, транспорт, меҳмонхона, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш, кўнгил очар масканлар, тарихий обидалар ва маданий меърос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, хорижий давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш, виза олиш тартибини соддалаштириш, кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик инфратузилмаси объектларини барпо этиш ишлари жадал бормоқда.

Туризмнинг сердаромад ва истикболли соҳа сифатида, тармоқда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган бўлиб, бу жараён ҳозирги вақтда ҳам долзарб масала сифатида давом этмоқда.

Масаланинг мазмуни. Тренд тенгламалари бўйича вақтли қаторларни прогнозлаш жуда кенг тарқалган усул бўлиб, бунда энг содда ва кўп ишлатиладиган тўғри чизиқли тренд тенгламасидан кенг фойдаланилади:

$$Y = a_0 + a_1 t \quad (1);$$

Бу ерда: Y – натижа, бизнинг мисолимизда ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар миқдори;

a_0, a_1 – регрессия тенгламаси параметрлари;

t – вақтли қаторлардаги даврлар.

Шу ўринда айтиш жоизки, бир омилли регрессия тенгламасида a_1 қийматининг юқори бўлиши натижага омилнинг таъсири юқорилигини, a_0 қийматнинг юқорилиги натижага бошқа омиллар таъсири юқорилигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган моделнинг биринчи шarti ҳақиқий ҳолат ва моделдаги натижаларнинг умумий қийматлари ва ўртача миқдорларининг тенг бўлишидир.

Яъни, $\sum_{i=1}^n Y = \sum_{i=1}^n \hat{Y}_x$ ёки $\sum_{i=1}^n Y - \sum_{i=1}^n \hat{Y}_x = 0$ ва $\bar{Y} = \bar{\hat{Y}_x}$

Тузилган тенглама (модель) қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) Детерминация коэффициентини;

б) Фишер мезони;

в) Стьюдент мезони;

г) Дарбин-Уотсон мезони;

д) Аппроксимация хатолиги.

Тренд моделларнинг сифатини детерминация коэффициентини (R^2) билан таҳлил қилганда қуйидаги формула қўлланилади:

$$R^2 = \frac{ESS}{TSS} \quad (2);$$

Бу ерда: R^2 -детерминация коэффициентини;

ESS- тенденция вариация қиймати (*explained sum of squares*);

TSS- жами вариация қиймати (*total sum of squares*).

Маълумки, детерминация коэффициентини 0 ва 1 оралиқда бўлиб, натижанинг 0 га яқинлиги

ходисалар (кўп ҳолларда, омил ва натижа) ўртасида боғланиш кучсизлигини, 0 га тенг бўлиши боғланиш умуман йўқлигини, 1,0 га яқинлиги боғланиш жуда кучли эканлигини англатади.

Моделнинг статистик аҳамиятини Фишернинг F-меъзони (F) бўйича аниқлаш мумкин:

$$F = \frac{S_r^2}{S_e^2} = \frac{ESS * (n - m - 1)}{RSS * m} \quad (3);$$

Бу ерда: n-кузатувлар сони;

m-омил ўзгарувчилар сони;

RSS-қолдиқ вариацияси қиймати (*residual sum of squares*).

Регрессия a_0 параметри статистик мазмунига қуйиладиган талаб $t_{\text{ҳақ}} > t_{\text{наз}}$ бўлиб, у қўйидагича аниқланади:

$$t_{a_0} = \frac{|a_0|}{S_{a_0}} \quad (4);$$

$$S_{a_0}^2 = \frac{S_e^2}{\sum_{i=1}^n (t_i - \bar{t})^2} \quad (5);$$

Бу ерда: t_{a_0} - Стьюдентнинг t меъзони.

Модел аниқлигини аппроксимация ўртача нисбий хатоси (δ) ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$\delta = 1/n * \sum_{i=1}^n \left| \frac{e_i}{Y_i} \right| * 100 \quad (6);$$

Вақтли қатор элементлари статистик мустақилликка эга бўлиши, қийматлар ўртасида автокорреляция мавжуд бўлмаслиги зарур. Бу ҳолатни текшириш учун Дарбин-Уотсон меъзони (d) бўйича таҳлил ўтказилади:

$$d = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{i=1}^n e_t^2} \quad (7);$$

Дарбин-Уотсон меъзонининг мумкин бўлган қийматлари 0-4 оралиқда ётади. Агар қаторда автокорреляция бўлмаса, унинг қийматлари 2,0 атрофида тебранади. Ҳисоблаб топилган ҳақиқий қийматлари жадвалдаги қиймат билан таққосланади. Агарда $d_{\text{ҳақ}} < d_{\text{наст}}$ бўлса, қатор автокорреляцияга эга; $d_{\text{ҳақ}} > d_{\text{юкори}}$ бўлса, у автокорреляцияга эга эмас; $d_{\text{наст}} < d_{\text{ҳақ}} < d_{\text{юкори}}$ бўлса текширишни давом эттириш лозим.

Ишлаб чиқилган моделга асосан, келгуси йиллар прогнози тайёрланади. Бу прогноз кўрсаткичлари Стьюдент назарий t меъзони бўйича келгуси йил учун ишлаб чиқилган прогнознинг юқори ва қуйи оралиғида жойлашиши талаб қилинади.

$$\text{Яъни, } Y_{(t0)} - t_{\text{наз}} * S_{yx} \leq \text{прогноз кўрсаткичи} \leq Y_{(t0)} + t_{\text{наз}} * S_{yx} \quad (8);$$

Бу ерда: $Y_{(t0)}$ – жорий давр маълумоти;

$t_{\text{наз}}$ – Стьюдент меъзонининг назарий миқдори;

$$S_{yx}^2 = s_e^2 \left(\frac{1}{n} + \frac{(t_{n+1} - \bar{t})^2}{\sum_{i=1}^n (t_i - \bar{t})^2} \right) \quad (9);$$

Ўзбекистон бўйича 2005-2016 йиллар оралиғида ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 2,6 мартага, туристик фирма ва ташкилотлар 1,7 мартага, меҳмонхоналар миқдори 3,1 мартага ва меҳмонхоналардаги ўринлар миқдори 2,2 мартага ошган (1-жадвал).

Сўнги 12 йил мобайнида ташриф буюрадиган сайёҳлар сони ортиб бориши билан уларга хизмат кўрсатадиган туристик фирма ва ташкилотларнинг ўзгариши юқори даражада эмас. Ушбу даврда меҳмонхоналар сони 3,1 мартага, улардаги ўринлар сони 2,2 мартага ошганлиги, сўнги йилларда кам ўринли кичик меҳмонхоналар кўплаб ташкил қилинганлигини билдиради.

1-жадвал

2005-2016 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, туристик фирма ва ташкилотлар, меҳмонхоналар ва улардаги ўринлар миқдорининг ўзгариши

Йиллар	Хорижий сайёҳлар, минг киши, Y	Туристтик фирма ва ташкилотлар, бирлик	Меҳмонхоналар миқдори, бирлик	Меҳмонхоналардаги ўринлар миқдори, минг бирлик
2005	577,2	258	239	17,152
2006	621,9	286	241	16,985
2007	764,9	399	261	17,545
2008	822,5	346	279	16,284
2009	841	324	309	17,268

2010	946,8	313	434	22,6
2011	1122,1	332	500	25,526
2012	1189,6	358	483	26,835
2013	1216,4	336	541	29,059
2014	1271,9	343	613	32,969
2015	1325,2	398	661	34,898
2016	1513,1	433	750	37,795
Ўзгариш, 2016 йил 2005 йилга нисбатан, марта	2,6	1,7	3,1	2,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

2-жадвал

Моделнинг тавсифи

Йил	t	Ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, минг киши, Y	Ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар, прогноз, минг киши, \hat{Y}_x	$e_t = (\hat{Y}_x - Y)^2$	$(Y - \bar{Y})^2$	$(\hat{Y}_x - \bar{Y})^2$	$(t - \bar{t})^2$	$\frac{ e_t }{Y} * 100$
2005	1	577,2	568,4	77,3	194054,9	201880,9	30,3	1,5
2006	2	621,9	650,1	795,1	156670,8	135143,4	20,3	4,5
2007	3	764,9	731,8	1096,2	63916,3	81753,4	12,3	4,3
2008	4	822,5	813,5	81,3	38109,5	41710,9	6,3	1,1
2009	5	841	895,2	2935,2	31228,8	15015,9	2,3	6,4
2010	6	946,8	976,9	904,2	5029,2	1668,4	0,3	3,2
2011	7	1122,1	1058,6	4036,9	10895,9	1668,4	0,3	5,7
2012	8	1189,6	1140,3	2434,8	29543,9	15015,9	2,3	4,1
2013	9	1216,4	1221,9	30,8	39475,1	41710,9	6,3	0,5
2014	10	1271,9	1303,6	1007,6	64609,2	81753,4	12,3	2,5
2015	11	1325,2	1385,3	3616,2	94546,0	135143,4	20,3	4,5
2016	12	1513,1	1467,0	2122,6	245404,6	201880,9	30,3	3,0
Жами:	$\sum t=78$	$\sum Y=12212,6$	$\sum \hat{Y}_x=12212,6$	RSS=19138,3	TSS=973484,2	ESS=954345,9	143,0	41,4
Ўртача:	$\bar{t}=6,5$	$\bar{Y}=1017,7$	$\bar{\hat{Y}}_x=1017,7$					$\delta = 3,45$

Манба: муаллиф тадқиқотида олинган маълумотлар асосида тайёрланган

Вақтли қаторни Фостер-Стьюарт усули билан таҳлил қилишимиз натижаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\sum_{t=1}^n U = \sum_{t=1}^n V = 11 \neq 0 \quad (9);$$

$$\text{Бу ерда: } U = \begin{cases} 1, & \text{агар } Y_t > Y_{t-1} \\ 0, & \text{агар } Y_t < Y_{t-1} \end{cases}, V = \begin{cases} 1, & \text{агар } Y_t < Y_{t-1} \\ 0, & \text{агар } Y_t > Y_{t-1} \end{cases};$$

Йиғиндининг нолга тенг бўлмаганлиги вақтли қаторда тенденция мавжудлигини ва модель ҳамда прогноз ишлаб чиқиш мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради.

2005-2016 йиллар оралиғида мамлакатимизга хорижий сайёҳларнинг ташрифини қуйидаги регрессия тенгламаси билан ифодалашимиз мумкин:

$$\hat{Y}_x = 486,71 + 81,693t \quad (10);$$

Ишлаб чиқилган регрессия тенгламаси асосидаги моделнинг сифати, мазмуни ва аниқлиги таҳлил қилдик (2-жадвал).

Ташриф буюрганлар йиғиндиси $\sum_{i=1}^n Y = \sum_{i=1}^n \hat{Y}_x = 12212,6$ минг киши ва ўртача миқдор $\bar{Y} = \bar{\hat{Y}}_x = 1017,7$ минг киши бўлиши, моделнинг дастлабки шarti бажарилганлигини аниқлатади.

Детерминация коэффициенти $R^2 = 0,98$ ($\frac{954345,9}{973484,2} = 0,98$) га тенг бўлиши хорижий сайёҳлар келиши вақтга боғлиқлиги жуда кучли ва вақт бўйича тузилаётган модел ўринли эканлигини англатади.

Фишернинг F-меъзони 1-жадвал маълумотлари ва 3-формула асосида қўйидагича ҳисобланди:

$$F = \frac{954345,9 \cdot (12-1-1)}{19138,3 \cdot 1} = \frac{9543459}{19138,3} = 498,66 \quad (11);$$

Аниқланган миқдор $m=1$, $n=12$, $\alpha=0,05$ вазият учун жадвалда кўрсатилган Фишернинг назарий F-меъзони 4,75 миқдоридан анча юқорилиги модел статистик мазмунга эга эканлигини билдиради.

4-формула асосида регрессия a_0 параметри статистик мазмуни қўйидагича ҳисобланди:

$$t_{a_0} = \frac{486,71}{\sqrt{11,15}} = \frac{486,71}{3,34} = 42,82 \quad (12);$$

$$S_{a_0}^2 = \frac{19138,3/12}{143} = \frac{1594,9}{143} = 11,15 \quad (13);$$

t ҳақиқий меъзони 42,82 жадвалдаги $n-12$ ва $\alpha=0,05$ ҳолатдаги талаб қилинадиган t назарий меъзони 2,179 дан юқорилигидан a_0 параметр статистик мазмунга эга.

Модел аниқлигини аппроксимация ўртача нисбий хатоси формуласи (6-формула) ёрдамида ҳисоблаймиз:


$$\delta = \frac{1}{12} \times 41,4 = 3,45 \% < 10,0 \% \quad (14);$$

Аппроксимация ўртача нисбий хатоси 10,0 фоиздан кам, 3,45 фоизга тенглиги моделнинг аниқлиги жуда юқорилигини кўрсатади.

Вақтли қатор элементлари ўртасида автокорреляция мавжуд эмаслигини Дарбин-Уотсон меъзони (d) бўйича таҳлил қилишда кузатувлар сони 12 га, омил 1 га тенг ҳолатда жадвалда $d_{\text{паст}}=0,97$; $d_{\text{юкори}}=1,33$ сифатида белгиланганлигини инобатга олиб, 7-формула ва Дарбин-Уотсон меъзонига тегишли туризмга оид вақтли қатор маълумотлар асосида ҳисобладик.

$$d_{\text{ҳақ}} = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{i=1}^n e_t^2} = \frac{35031,1}{19138,3} = 1,83 \quad (15);$$

$d_{\text{ҳақ}}$ нинг $d_{\text{юкори}}$ ва 2,0 оралиғида жойлашуви, яъни $1,33 < 1,83 < 2,0$ ҳолат вақтли қаторлар қийматларида автокорреляциянинг йўқлиги моделлаштириш ва прогнозлаш тўғри бораётганидан дарак беради.



1-расм. 2017-2023 йилларда прогноз қилинаётган хорижий туристлар миқдори.
Манба: муаллиф тадқиқоти маълумотлари асосида тайёрланган.

Моделнинг ишончлиги аниқлангандан сўнг, 8- ва 9-формулардаги талаблар асосида келгуси йиллар прогнози асослигини текшираимиз:

$$S_{yx}^2 = s_s^2 \left(\frac{1}{n} + \frac{(t_{n+1} - \bar{t})^2}{\sum_{i=1}^n (t_i - \bar{t})^2} \right) = \frac{19138,3}{12} \left(\frac{1}{12} + \frac{(13-6,5)^2}{143} \right) = 604,1 \quad (16);$$

$$1513,1 - 2,179 * \sqrt{604,1} \leq 1548,72 \leq 1513,1 + 2,179 * \sqrt{604,1} \quad (26);$$

$$1459,5 \leq 1548,72 \leq 1566,6$$

Биз ишлаб чиққан модел бўйича 2017 йил прогноз маълумоти 1548,72 минг киши бўлиб, бу прогноз маълумоти талабга жавоб берганлигини инобатга олиб, 2023 йилгача бўлган прогнозни тайёрладик (1-расм).

Прогноз маълумотлари 2017-2023 йиллар оралиғида ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар миқдори барқарор кўпайиб бориб, прогноз қилинган давр 2023 йилда мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристлар миқдори 2016 йилга нисбатан 1,39 мартага ёки 139,0 фоизга кўпайиши кутилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Жаҳон миқёсида хорижий туристларнинг миқдори ошиб, туризм манзили ўзгариб бораётган ҳозирги вақтда мамлакатимизга хорижий туристларнинг ташрифи барқарор ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин.

2023 йилгача бўлган прогнози тўғри чизиқли тренд тенгламаси бўйича ишлаб чиқилганда, прогноз маълумотлари мамлакатга ташриф буюрадиган туристлар миқдорининг барқарор ўсиб бориши ва прогноз даврида бу кўрсаткич 1,39 баробарга кўпайишини билдирмоқда. Эришилаётган натижаларни танқидий баҳолаш асосида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

– Туристлик фирма ва ташкилотлар фаолиятининг ташриф буюрадиган туристлар миқдорига таъсири кучсиз бўлиб, бу ҳолат туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини кейинги тадқиқотларда чуқурроқ ўрганишни талаб қилади;

– сўнгги йилларда жаҳон миқёсида саргузашт туризмнинг кескин ошиб бориши, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида хорижий туристлар ташрифининг давомийлиги, туризм бозорининг ҳар бир сегментини жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Мамлакатимизга ташриф буюраётган ёши кекса туристлар қисқа муддатда тарихий обидаларни томошаси, ташриф буюраётган мусулмон туристлар зиёрат, олимлар фақат анжуман фаолияти билан чекланиб қолишини олдини олиш, уларни мамлакатимизда узокроқ муддат саёҳат қилишларига ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса туризм бозоридаги ҳар бир сегментга мос, турфа хил турпакетларни ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш чора-тадбирларини қисқа муддатда ишлаб чиқишни тақозо қилади;

– хорижий туристлар миқдорини ошириш билан бир вақтда, мамлакатимизда саёҳат қилиш давомийлигини ошириш, туризмдаги мавсумийликни таҳлил қилиш ва унинг таъсирини камайтириш, туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, туризм ёрдамида пул тушумини ҳали фойдаланилмаган янги манбаларини излаб топиш долзарб масала бўлиб, бу масалалар туризм соҳасида илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини аниқлатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли фармони, Халқ сўзи газетаси 2016 йил 5 декабрь сони 1-2-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармони, Халқ сўзи газетаси 2018 йил 5 февраль сони 1-2-б.
3. Киселева И.А., Грамова А.М. Моделирование прогнозирования спроса на рынке туристических услуг//Науковедение, №6 2013, 1-7 стр.
4. Chhorn T. and Chaiboonsri C. Modeling and Forecasting Tourist Arrivals to Cambodia: An Application of ARIMA-GARCH Approach// Journal of Management, Economics, and Industrial Organization 2018. p. 1-19.
5. Petrevska Birjana Forecasting international tourism demand: The evidence of Macedonia//UTMS Journal of Economics 3(1) 2012. p. 45-55.
6. Amaquema J.R. and Amaquema L.I. Forecasting International demand for Ecuador// International Journal of Research, 2017. Vol. 5. (Iss. 8) p. 11-17.
7. Chukiati Chaiboonsri, Prasert Chaitip The Modeling International Tourism Demand for Length of Stay in India: Social Development, Economics Development//Journal of Knowledge Management, Economics and Information Technology, Vol. II, Issue 2, April 2012. p. 1-8.
8. Морозов М.А., Морозова Н.С. Моделирование и прогнозирование развития туристских дестинаций//Сервис плюс, Том 8 №3 2014 стр. 32-36.
9. Ҳодиев Б. Шодиев Т, Беркинов Б. Эконометрика. Ўқув қўлланма, Т.:Иқтисодиёт, 2018. -175 б.
10. Мамаева З.М. Введение в эконометрику. Учебное пособие, Нижний Новгород.: Нижегородский

госуниверситет, 2010.– 72 стр.

11. Francis X. Diebold. Econometrics: A Predictive Modeling Approach. University of Pennsylvania. Edition 2018.-371 p.

ЎУК: 330.338.(22).446.16

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Б. Олланазаров, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада давлат-хусусий шерикчилиги механизми орқали туризм соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинади.

Калим сўзлар: давлат-хусусий шерикчилиги, инвестицион фаоллик, ҳудуд, туризм, туристик ҳудуд, махсус туристик зона, комплекс ривожланиш.

Аннотация. В данной статье исследуются основные направления повышения инвестиционной активности в сфере туризма на основе механизма государственно - частного партнерства.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, инвестиционная активность, территория, туризм, туристическая территория, специальная туристическая зона, комплексное развитие.

Abstract. This article examines the main directions of increasing investment activity in the field of tourism on the basis of the mechanism of public-private cooperation.

Keywords: public-private partnership, investment activity, territory, tourism, tourist territory, special tourist zone, integrated development.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда самарали қўлланилиб келинаётган давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) механизми – иқтисодий тармоқларида, жумладан, туризм соҳасида инвестиция муҳитини яхшилаш ва жараёнларни фаоллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият ўйнайдиган, истиқболда республикамизда қўллаш учун зарур таъсирчан механизм саналади.

ДХШ турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) ДХШни –ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарақ бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка ҳатарларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ [1].

М.Б.Жерард эса ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради [2] деб таъкидлайди. Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан аъънавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир [3]” деб таърифланади.

Шунингдек, бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар капиталталаб ва кўпинча норентабел ҳисобланади, давлат бюджетларининг эса уларни мустақил қўллаб-қувватлашни таъминлай олмаслиги сабабли давлатнинг молиявий мажбуриятлари тобора ортиб боради. Бундай вазиятда ДХШ орқали корпоратив ва хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестор киритган маблағлар давлат бюджетига солиқ тушумлари ҳисобига, шунингдек, истеъмол хизматларидан ҳақ ундириш йўли билан маълум қисмларга бўлиб қайтарилади. Мазкур вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда давлат капитали ва хусусий капиталнинг ўзаро муносабатлари бўйича ривожланган чет давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ўзимизга хос ва мос хусусиятларни маҳаллий иқтисодий ўзига хосликларга мослаштирган ҳолда самарали тизимларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Шунингдек, Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4.бандининг охириги хатбошисида [4] устувор вазифалардан бири сифатида *давлат-хусусий шерикчилигини кенгайтириш* деб алоҳида келтириб ўтилган, айнан давлат-хусусий шерикчилиги бўйича қонун ишлаб чиқилиши жараёнида бўлиб, бевосита меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилаётган мазкур ҳамкорликни турли шаклларда ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, минтақаларда ДХШнинг турли-туман шаклларини

рағбатлантириш, мамлакат ва минтақаларни стратегик ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ ДХШнинг қўлланиш соҳасини кенгайтириш, ДХШ лойиҳалари бозорини ривожлантиришни таъминлаш, маҳаллий ва хорижий хусусий инвесторларнинг таклифларини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг “ўсиш нуқтаси”ни қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларни амалга оширишга ўзга субъектларнинг фойдаланилмаётган ресурсларини жалб этиш орқали ДХШ фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатлари турли шаклларда ва вариантларда амалга оширилади (1-расм).

Расмга кўра, давлат бизнес субъектлари билан дастлаб алоҳида яқка ҳолда муносабатларга киришса, кейинчалик тадбиркорлик ва бизнес уюшмалари, гуруҳлари билан ўзаро муносабатларга киришади. Шунингдек, Давлат ва бизнес муносабатларининг айрим ҳолатларида давлат етакчилик қилса, айрим ҳолатларда бизнес етакчилик қилади.

Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ДХШ асосида туристик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам инвестицион фаолликни янада ошириш ва ривожлантириш механизмини самарали қўллаш масалаларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, республикамиз иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтишидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасида ДХШ асосида маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда хусусий шериклар-туризм соҳаси тадбиркорлик субъектлари ободонлаштириш, ҳудудларни ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмасини йўлга қўйиш, маркетинг ва сотувни ташкил этиш, қўшма транспорт ташувларини рағбатлантириш, чет эл ва давлат инвестицияларини фаол жалб қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш кабиларни самарали амалга оширишлари мумкин бўлади.

Таъкидлаш керакки, туристик ҳудуд ёки зоналарни ривожлантириш, муайян бир туристик шаҳар ёки минтақанинг комплекс ривожлантириш ташаббускори албатта давлат бўлиши керак, чунки айнан давлат минтақада туризмни комплекс устувор ривожлантириш шартларини аниқлайди. Бироқ, туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолликни ДХШ асосида оширишда давлат ва хусусий сектор ҳам тенг ҳуқуқли бўлиши шарт.

Биз ушбу мақолада муайян ҳудудда ДХШ асосида туризмни комплекс ривожлантириш, соҳада инвестицион фаолликни оширишда амал қилиниши лозим бўлган бир қатор тамойилларни шакллантиришга ҳаракат қилдик:


1. *ДХШ ўз таърифига мос келиши ва ўзини оқлаши керак.* Мазкур тамойил биринчидан, ДХШни ўзини оқловчи ҳамкорлик шакли бўлиши, иккинчидан, келишилган мақсадларга эришиш учун томонлар барча имкониятларини ишга солишлари лозим. Хусусий сектор ўзининг бошқарув сифатлари, режалаштириш малакалари, молиявий ресурсларини қўллаши керак бўлса, ўз навбатида давлат жараёнида назорат қилиши, шерикларга ваколатларни тақсимлаши, солиқ имтиёзлари ва давлат қафолатларини бериши лозим.

2. *Давлат мулкида бўлган ҳудудларни ёки туристик объектларни ривожлантириши ҳуқуқи давлат томонидан муайян компенсацияланиши керак.* Чунки, мазкур ҳуқуқни фақат давлатгина хусусий секторга бериши мумкин. Шериклар томонидан мавжуд инфратузилмалардан самарали фойдаланилгандагина туристик ҳудуд ёки туробъектлардан юқори даромад олиниши мумкин. Ривожланиш ҳуқуқининг қиймати турли усуллар билан аниқланиши мумкин, ва охир-оқибатда унинг қийматига шерик-девелопер бизнесининг рентабеллиги боғлиқ. Мазкур қиймат бевосита пул шаклида ифодаланади ёки янги ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаларини қурилиши каби сифатларда ифодаланади.

3. *Туризм ривожланиши ҳуқуқини берувчи давлат органлари мазкур ҳуқуқни амалга ошириши жараёнида олинган маблағлардан самарали фойдаланишга масъуллиги.* Агар ҳудудни ривожлантириш ҳуқуқи қиймати пул кўринишида бўлса, давлат инфратузилмани яратишни ташкил қилиши керак. Бунда давлат органларининг маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича масъулияти асосий жиҳат ҳисобланади.

4. *Туристик мақсадларда ривожлантириши талаб қилинадиган ҳудудларда жойлашган самарасиз кўчмас мулк эгаларига таъсир қилиш механизмларининг мавжудлиги.* Комплекс ривожлантиришга муҳтож ҳудудлар бир биридан тубдан фарқланиши мумкин. Бироқ, мулкдорларнинг мураккаб тузилмаларини ривожлантириш жараёнида концепцияни нафақат давлат билан, балки барча хусусий шериклар билан ҳам келишиш керак бўлади. Ҳатто кўпчилик мулкдорлар

томонидан ривожланиш концепцияси маъқуллансада, тўлиқ барча шериклар маъқулламагунча жараён давом этади. Баъзан айрим мулкдорлар тамомила ривожланиш концепциясига қарши бўлишлари мумкин. Туристик ҳудудларни комплекс ривожлантириш жараёнини давом эттириш учун жараёнга қарши мулкдорларга мулкнинг маълум қисмини бериш ёки тасарруф қилиш, компенсация қилиш зарур бўлади. Бундай имкониятлар бевосита девелоперга берилади, аммо баъзан айрим самарасиз шериклар учун бошқа таъсир воситаларини ҳам ишлаб чиқиш лозим.



1-расм. Давлат ва бизнес ўзаро муносабатлари шаклланиши [5]

5. Ҳудудни ривожлантиришини таъмин этиш жараёни барча салоҳиятли иштирокчилар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Туристик ҳудуд ёки минтақа ёки муайян бир кичик туристик ҳудудни комплекс ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш босқичида нафақат асосий иштирокчилар (давлат ва хусусий сектор), балки яқин атрофда ҳудуд чегарасига яқин жойда, аҳоли яшаш пунктларида жойлашган кўчмас мулк эгалари билан ҳам келишиш зарур. Чунки, бу лойиҳани янада самаралироқ қилиб режалаштириш ва амалга оширишга имкон беради.

6. Туристик ҳудудни комплекс ривожлантириш жараёнида девелоперга максимал даражада самарали ишлаши учун давлат нуқтаи назаридан эркинликлар ва имтиёзлар берилиши керак. Бунда

албатта қурилиш, жиҳозлаш, техника ва технологиялар келтириш жараёнлари, расмиятчиликларни давлат ўзи имтиёзли равишда ҳал қилиши ва назорат этиши.

7. ДХШ самарали бўлиши учун бутун жараён меърий ҳужжатлар билан аниқ чегараланган бўлиши, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзаро манфаатлари кўрсатилиши керак. Чунки, ҳудудни комплекс ривожлантириш ҳуқуқи дастлаб давлатга тегишли бўлсада, ривожлантириш жараёни бошланаши билан бошқарув, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ваколатлари девелоперга ўтади. Худди шундай мазкур жараёнда давлатнинг ҳам мажбуриятлари ва ҳуқуқлари аниқланади.

8. ДХШ асосида туристик ҳудудларни ривожланиши жараёнини ташкил қилиш учун қурилишга мақбул ер участкаларини тайёрлаш асосан келгусида кўчмас мулк курмаслик шарти билан қурилиш учун бўш бўлган ва ривожланмаган ҳудудлардан танланса мақсадга мувофиқ бўлади.

АҚШ ва Буюк Британияда қонунчиликка биноан асосан комплекс ривожлантириш учун қаровсиз қолган ташландиқ жойлар танланади. Аммо бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг кўпчилик минтақаларида эса дастлаб туристик мажмуаларни ривожлантиришни асосан фақатгина инвестициялар талаб этаётган, шу йўналишда ривожланаётган ҳудудларда халқаро талабларга жавоб берадиган турхизматларни ташкил этиш учун амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда асосан таваккални ўз зиммасига олиб лойиҳани амалга оширувчи хусусий шерик олдин инфратузилмага эга ҳудудларга инвестиция қўяди, аксинча инфратузилмаси коммуникацияси йўқ жойларда фақатгина экотуризмни ривожлантириш мақсадида дастлаб барча коммуникацияларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, муҳандислик инфратузилмаси мавжуд, аммо ташландиқ бўлиб қолган ҳудудлар бўлса, у ҳолда хусусий шерик давлат органлари билан ДХШ шартларини қулай шартларда келишиб олиши лозим. Чунки, хусусий шерик ҳам рентабеллик юқори бўлишини англасагина бундай ҳамкорликка рози бўлади.

Хорижий давлатларда ДХШнинг турли шакллари ривожлантириш тажрибасидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ДХШ мамлакат минтақаларини комплекс ривожлантиришда самарали амалга оширилмоқда. Демак, ДХШдан ҳудудларни ривожланишида фойдаланиш имконияти назарияси ҳам амалиёти ҳам ўзини оқлади. Бу эса хорижий давлатларнинг ижобий илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда ўзимизда ДХШ механизмларини самарали қўллаш мақсадга мувофиқ.


Тадқиқотларимизга кўра, ДХШнинг ўзига хос қирралари ва афзалликлари қуйидагилардан иборат: ДХШ ижтимоий секторнинг эҳтиёжларини хусусий сектор ресурсларини жалб қилиш эвазига қондиради; ДХШ хусусий сектор билан ҳамкорликда хизматларни тақдим қилган ҳолда давлат ваколатларини ва вазифаларини қўллаб-қувватлайди; ДХШ икки ва ундан ортиқ томонларнинг қўшма мақсадларига эришиш йўлида бирлашган ҳолда ишлашларини англатгани ҳолда, ДХШ иштирокчилари сифатида маҳаллий ва давлат ҳокимияти органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотлари майдонга чиқади; иштирокчилар жавобгарлик ва масъулиятни тақсимлаган ҳолда тенг ҳуқуқли асосда ресурсларни ишлатишади, инвестицияларни ва таваккалчилик, даромадни тасарруф қилишади.

ДХШ муносабатлари турли давлатларда ҳар хил шаклларда амалга оширилади. Хусусан, ДХШ АҚШда транспорт қатновларини такомиллаштириш, инфратузилмани модернизациялаш, маиший-техник чиқиндиларни утилизациялаш, сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида «Buy American» тамойили асосида, БРИКС мамлакатларида ДХШ концессия битимлари сифатида, хусусан, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик, коммунал-маиший инфратузилма, хом ашё конларини ўзлаштириш соҳасида [6], Хитой халқ республикаси (ХХР)да ДХШнинг бошланғич босқичлари 1980-1990 йилларда бошланган бўлиб, асосан лойиҳаларни бошқариш механизмларини шакллантиришда давлат иштирокининг юқорилиги билан ажралиб туради [7].

Шунингдек, ХХРда оммавий равишда BOT (Build–Operate–Transfer,–ингл. «қурилиш-фойдаланиш-топшириш») лойиҳаларининг амалга оширилиши хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишининг фаоллашувига, туристик инфратузилмани ривожлантиришни яхшилашга ва ҳукуматнинг молиявий юқини енгиллашувига олиб келди.

Давлатнинг ҳамда хусусий секторнинг ДХШдаги иштироки ва қўллаб-қувватлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади (2-3-расмларга қаранг).

Бугунги кунда Ўзбекистонда туристик хизматлар соҳасида ДХШнинг қуйидаги шакллари самарали қўллаш мумкин бўлади:



2-расм. Давлат-хусусий шерикчилигида давлатнинг иштироки ва қўллаб-қувватлаш шакллари



3-расм. Давлат-хусусий шерикчилигида хусусий секторнинг иштироки ва қўллаб-қувватлаш шакллари

1. Тенг ҳуқуқли шериклар сифатида давлат ва хусусий шерик иштирок қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартномаларни тузиш. Бунда ҳар бир шерик лойиҳада ўз улуши билан иштирок қилади. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ кўрсатиб ўтилади.
2. Стратегик йўналишларда хусусий бизнес томонидан амалга ошириладиган йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун давлатнинг молиялаштириш манбаларидан, тикланиш ва таракқиёт жамғармаси маблағларидан фойдаланиш.
3. Туризм соҳасидаги бизнес лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик, ишлаб чиқариш, туристик-рекреацион тадбирларни жорий қилиш учун махсус туристик зоналарни (МТЗ) ташкил қилиш. МТЗ ларда янги турдаги турмахсулот ва инновацион хизматларни яратиш. Бунда эса юқори технологияларга асосланган инновацион

махсулотлар ҳисобига юқори малакали иш ўринларини яратишга имкон беради. Шунингдек, МТЗ бевосита туристик зонага инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришга, республикамизни инновацион ривожланиш йўлига чиқишига имкон беради.

4. Иқтисодийнинг устувор тармоқларини, хусусан, туризмни ривожлантириш учун давлат билан хусусий капитал иштирокида корпорацияларни ташкил қилиш.

5. Давлат ва хусусий капиталнинг фан, техника ва технологияларни ривожлантириш мақсадидаги ўзаро муносабатлари, хусусан, технопарк, бизнес-инкубаторлар ташкил қилиш.

6. Давлат ва бизнеснинг ижтимоий соҳадаги ҳамкорлиги давлат сиёсати билан мос ҳолда хусусий бизнес ўз ҳисобига давлат ва жамият учун устувор бўлган соҳаларда лойиҳаларни амалга оширади ҳамда бу йўналиш кўпроқ ҳайрияга яқин ҳисобланади.

Туристтик салоҳияти юқори минтақаларни комплекс ривожланишини амалга оширишда ДХШнинг иккинчи ва учинчи шакллари оптимал саналади. Шунингдек, бугунги кунда туризм соҳасини комплекс ривожлантиришда ДХШ шакллари назарда тутовчи қонунчиликни ишлаб чиқиш зарур.

ДХШ масаласига тизимли ёндошув қуйидаги асосий вазифаларни комплекс ҳал қилишга ёрдам беради:

1. Мақсад ва вазифаларни, бошқарув тизими, механизм ва воситаларини қамровчи ДХШни жорий этиш концепция ва стратегиясини ишлаб чиқиш.

2. Туризм соҳасига ДХШ ни жорий қилишнинг зарур институционал, иқтисодий, ташкилий муҳитини яратиш. Жумладан, туристик салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда ва минтақаларда соҳага инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантирувчи, лойиҳаларни экспертиза қилуви консалтинг, бошқарув корхона ва бирлашмаларини, мустақил ташкилотларни, минтақада туризмни ривожлантириш агентликларини (департамент) ташкил қилиш.

3. Мамлакат президенти, маҳаллий ҳокимлар олдида бевосита муайян минтақада ДХШ сиёсатини амалга ошириш, ДХШ билан боғлиқ барча масалаларга жавоб берувчи махсус минтақавий органларни ташкил қилиш зарур. Бу тузилмалар мустақил ва муайян ваколатларга эга бўлиши, ДХШнинг ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, иқтисодий, услубий, меъёрий масалаларига жавоб бериши лозим.

4. Хусусий секторга давлат ва муниципал мулкларини бериш орқали туристик соҳани ривожлантириш, соҳада инвестицион фаолликни ошириш бўйича концессия соҳасида мутахассислар тайёрлаш ҳамда мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида ҳамкорликнинг ушбу шакли бўйича ижобий ижтимоий фикрни яратиш, бизнеснинг шаффофлигини таъминлаш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, туризм секторида ДХШ механизми қанчалик зиддиятсиз, қонуний базаси сифатли бўлса, туристик хизматлар соҳасида шунчалик инвестицион жозибадорликни ошириш омили сифатида самарали қўлланилиши мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
2. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2001. Vol.38.
3. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони\ lex.uz
5. Киварина М.В. Государство и бизнес: эволюция форм взаимодействия // Государственно-частное партнерство. – 2014. – Том 1. № 1. – С. 57-72.
6. Балиев А. Выгода делится на пять//Российская Бизнес-газета - Государственно-частное партнерство № 958 (29) от 29 июля 2014 г. URL: <http://www.rg.ru/2014/07/29/opit.html>
7. Садыхов А.П. Информационно-аналитическая справка об опыте ГЧП в Китайской Народной Республике. 2010. URL: http://www.pppinrussia.ru/main/publications/foreign/inostrannie_modeli_gchp/country/kitai

ЎУК: 332.37

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА «ҲАР БИР ОИЛА-ТАДБИРКОР» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ РОЛИ Б.У. Таджиев

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорликни шаҳар ва асосан қишлоқ жойларида имтиёзли кредитлаш орқали ривожлантириш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ), кредит, қишлоқ тадбиркорлиги, қишлоқ жойларида тадбиркорлик, қарз олувчи, имтиёз.

Аннотация. В данной статье речь идёт об особенностях развитие малого бизнеса и предпринимательства с льготным кредитованием в городах и в основном сельских местностях Хорезмской области.

Ключевые слова: малый бизнес и частное предпринимательство (МБЧП), кредит, сельское предпринимательство, предпринимательство в сельских местностях, дебитор, льгота.

Abstract. This article deals with the specific characters of developing small business and entrepreneurship with special crediting in urban and mainly rural areas of Khorezm region.

Key words: small business and private entrepreneurship (SBPE), credit, agricultural enterprise, enterprise in rural areas, debtor, privilege.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини кўллаб-қувватлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, шаҳар ва асосан қишлоқ жойларида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун банклар томонидан паст фоизли имтиёзли кредит олиш имкониятларини яратишга алоҳида тўхталган ҳолда **“Ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш керак”**[1] деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятларига жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларга имтиёзли ва паст фоизли кредитлар бериш бўйича амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикаимиз Президентининг ташаббуслари билан **“Оддий аҳолини тадбиркор қилиш”** шиори остида амалга оширилган ишлар натижасида Хоразм вилоят “Агробанк” бошқармаси томонидан 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра бошқарма филиалларига бириктирилган маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларидаги аҳоли хонадонларини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича жами **71623** та хонадонга кириб чиқилган бўлиб, шундан жами **7545** та хонадон фуқаролари тадбиркорликка истаги борлигини билдириб, жами **54** млрд **259** миллион сўмлик хар хил турдаги кредитлар олиш истагини билдирганлар ва 2017 йил 1 март ҳолатига кўра “Агробанк” АТБ Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ҳақиқатда **2808** хонадон фуқароларига (Урганч шаҳар ва 11 туман) жами **19** млрд **690** миллион сўмлик кредитлар ажратилган [2].

“Оддий аҳолини тадбиркор қилиш” шиори остида амалга оширилган ишларнинг давоми сифатида, ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳар бир оила — тадбиркор дастурини амалга ошириш тўғрисида”**ги ПҚ-3777-сонли Қарорига асосан қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган [4]:

1. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

2. Тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали кўшимча иш ўринлари яратиш;

4. Қасаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига кўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

5. Қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш — мини-кластерлар ташкил этиш;

6. Жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

7. Қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

8. Вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

1-жадвал

2017-2018 йилларда Хоразм вилоят “Агробанк” бошқармаси филиалларига бириктирилган маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларидаги аҳоли хонадонларини тадбиркорликка жалб қилиш тўғрисида маълумот [3]

	Худудлар	Жами хонадонлар сони	Жами тадбиркорликка истаги бор фуқаролар		Жами ҳақиқатда ажратилган кредитлар	
			Сони	суммаси (млрд)	Сони	Суммаси (млрд)
1	Урганч шаҳар	6657	388	6926	88	602
2	Богот тумани	6674	787	4912	509	3321
3	Гурлан туман	8301	1071	7656	209	2305
4	Қўшқўпир тумани	8786	1102	6610	358	2646
5	Урганч туман	2724	482	3248	173	1002
6	Хазорасп тумани	9420	469	3066	200	1253
7	Хонка тумани	7019	1166	7957	342	2334
8	Хива тумани	8312	397	3289	210	1597
9	Шовот туман	5247	559	3944	232	1627
10	Янгиариқ тумани	4033	579	2704	288	1668
11	Янгибозор тумани	1414	279	2224	154	1045
12	Питнак шаҳри	3036	266	1722	45	289
	Жами	71623	7545	54259	2808	19690

“Ҳар бир оила - тадбиркор” давлат дастурини амалга ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар қуйидаги шартлар асосида берилади:

А) энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда — оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

Б) энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

В) энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда — тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

Юқорида кўрсатилган имтиёзли кредитларни суғурталашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта ташкилотлари билан биргаликда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг қайтмаслик хатари суғурталанганда суғурта тўловини 1,5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилаш ҳамда суғурталаш шартларини енгиллаштириш чораларини кўрмоқда.

Шунингдек, ушбу қарорда оилавий тадбиркорлик фаолияти илғор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш учун иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш комплекси мутасадди ходимларини хизмат сафарига юбориш ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сонли қарориди “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш тартиби белгиланган. Бунга кўра:

А) имтиёзли кредитлар қарз олувчиларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун ажратилади ва кредитларнинг фоиз ставкаси йиллик 7 фоиз миқдорда белгиланган. Бунда кредит линияси 3 фоизни ва банк маржаси 4 фоизни ташкил қилади;

Б) микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади;

В) кредитлар ушбу кредит ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес-режасига мувофиқ ўзини-ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб, 2 йилгача имтиёзли давр билан 5 йил муддатгача ажратилиши мумкин.

Микрокредитлар олишнинг ҳуқуқий таъминоти ва шартлари қуйидагича:

1. **Қарз олувчи-жисмоний шахслар** кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

А) ариза; Б) паспорт нусхаси; В) жисмоний шахсларга кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириши учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсиянома.

2. **Қарз олувчи-кичик тадбиркорлик субъектлари** кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

А) ариза; Б) бизнес-режа; В) тегишли давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириши далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

3. **Қарз олувчи-кичик тадбиркорлик субъектлари** кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этади:

А) учинчи шахс кафиллиги; Б) суғурта полислари; В) кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар; Г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари.

Бундан ташқари, тижорат банклари ўзларининг ички кредит сиёсатида мувофиқ қарз олувчи - кичик тадбиркорлик субъектларига назарда тутилган таъминот турларини талаб қилмасдан энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда бланкли (ишончли) микрокредит бериш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Бунда банкка қарз олувчи томонидан муайян даромадга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади ва банк томонидан олинган микрокредитни қайтармаслик хатари суғурта қилинади.

Туман ва шаҳарларда самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳаларга дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 7 фоиз ставкада имтиёзли кредит ажратилиши ҳам мумкин.

4. Кредит ажратиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича:

А) қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банки томонидан 3 иш кунидан ошмаган муддатда ушбу ариза бўйича асослантилган қарор қабул қилинади;

Б) кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, қарз олувчи ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси тузилади;

В) тижорат банкининг қарори кредит бериш ёки уни беришни рад этиши учун асос ҳисобланади;

Г) тижорат банки кредит беришни рад этган тақдирда, банк қарз олувчига ҳамда тавсифнома берган тегишли секторлар раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда асослантилган маълумот тақдим этади.

5. Кредитларни ажратиш ва уларни қайтариш тартиби қуйидагича:

А) ушбу кредитлар қарз олувчига нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилади;

Б) қарз олувчи – жисмоний шахсларга имтиёзли микрокредитлар ажратилаётган лойиҳанинг ўзига хос жиҳатлари, кредит ҳисобига олинандиган товарни пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш имконияти бўлмаган ҳолда ҳудудий ишчи гуруҳларнинг бу ҳақидаги ҳулосасига асосан микрокредитнинг бир қисми нақд пулда ҳам берилиши мумкин;

В) қарз олувчи кредит ҳамда унга ҳисобланган фоизларни нақд пулда, банк пластик карточкалари орқали ёки қарз олувчининг ҳисоб varaгидан пул ўтказиб бериш йўли билан тўлаши мумкин.

Г) олинган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланилганлик аниқланган тақдирда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда кредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан илгари ундириб олиши ҳуқуқига эгадир;

Д) қарз олувчи – жисмоний шахслар томонидан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўланмаган тақдирда, банк филиали тавсиянома берган тегишли сектор раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилиши зарур.

Ушбу дастур Андижон вилоятида тажриба сифатида амалда қўлланилиб, бугунги кунда барча вилоятларда шу жумладан, Хоразм вилоятида ҳам ижрони таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2018 йил 9 июнда 3022-сон билан рўйхатга олинган "Ҳар бир оила-тадбиркор" давлат дастури доирасида Хоразм вилоятида ажратиладиган имтиёзли кредит талаблари тўғрисида маълумот [5],(млн.сўмда)

№	Шаҳар ва туманлар номи	Жами	
		Сони	Сумма
1	Урганч шаҳри	40	1 708,1
2	Боғот тумани	111	2 433,0
3	Гурлан тумани	44	1 583,0
4	Қўшқўпир тумани	33	271,7
5	Урганч тумани	19	325,0
6	Ҳазорасп тумани	158	1 724,9
7	Ҳонқа тумани	96	2 143,0
8	Хива шаҳри	4	239,0
9	Хива тумани	41	525,5
10	Шовот тумани	130	2 074,0
11	Янгиариқ тумани	35	693,6
12	Янгибозор тумани	40	360,0
ЖАМИ		751	14 080,8
	150 бараваргача	724	10 314,5
	1000 гача	26	3 346,3
	1000 дан юқори	1	420,0

2- жадвалдан кўринадики, ушбу имтиёзли кредитларни олиш истагини билдирган талабгорлар сони жами 751 тани ташкил қилиб, шундан кредит миқдори 150 бараваргача суммани ташкил қилувчи турига 724 та, яъни 96,4 фоизни, 1000 бараваргача суммани ташкил қилувчи турига 26 та, яъни 3,5 фоизни ва 1000 баравардан юқори суммани ташкил қилувчи турига 1 та талабгор, яъни 0,1 фоиз истак билдирган бўлиб, ушбу имтиёзли кредитларни олишга етакчилик қилаётган туманлардаги жисмоний ва юридик шахслар Ҳазорасп туманида 158 та, Шовот туманида 130 та, Боғот туманида 111 та ва Ҳонқа туманида 96 тани ташкил қилган.

3-жадвал

2018 йилда "Ҳар бир оила-тадбиркор" давлат дастури доирасида ажратиладиган имтиёзли кредитларни олиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича талабгорлари тўғрисида маълумот [5],(млн.сўмда)

№	Шаҳар ва туманлар номи	Шундан											
		Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш											
		Наслли қорамол		Қўйчилик		Парран-дачилик		Асаларичил ик		Иссиқхона ташкил этиш		Балиқчилик	
		Сони	Сумма	сон	сумма	Сони	Сумма	Сони	сумма	Сони	сумма	Сони	Сумма
1	Урганч шаҳри	9	192,5	0	0,0	4	107	0	0,0	0	0,0	0	0,0
2	Боғот тумани	26	458,0	13	252	23	390	9	135,0	28	511,0	3	59,0

3	Гурлан тумани	24	784,5	0	0,0	2	45,0	0	0,0	4	100,0	4	100,0
4	Кўшкўпир тумани	22	196,5	1	7,0	5	40,0	1	7,0	3	16,2	0	0,0
5	Урганч тумани	9	171,0	0	0,0	4	40,0	0	0,0	5	87,0	0	0,0
6	Хазорасп тумани	23	457,0	16	132	25	161	2	30,0	63	234,3	3	51,0
7	Хонқа тумани	61	1 243,0	4	52,0	5	90,0	3	55,0	15	236,0	0	0,0
8	Хива шаҳри	0	0,0	0	0,0	2	209	0	0,0	0	0,0	0	0,0
9	Хива тумани	22	261,5	0	0,0	11	110	1	25,0	6	109,0	0	0,0
10	Шовот тумани	45	675,0	4	100	33	619	0	0,0	37	355,0	0	0,0
11	Янгиариқ тумани	7	120,0	2	50,0	1	18,4	1	15,0	17	106,2	0	0,0
12	Янгибозор тумани	32	224,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	5	63,0	0	0,0
ЖАМИ		280	4 783,0	40	593	115	1 829,4	17	267,0	183	1 817,7	10	210,0
	150 баравар-гача	278	4 439,0	40	593,0	112	1 435,4	17	267,0	182	1 727,7	10	210,0
	1000 гача	2	344,0	0	0,0	3	394,0	0	0,0	1	90,0	0	0,0
	1000 дан юқори	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0

Юқоридаги 3-жадвалда туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, яъни насли қорамол, қўйчилик, паррандачилик, асаларичилик, иссиқхона ташкил этиш ва балиқчилик бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни олиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахсларнинг сонини ва кредит суммасини кўриб ўтишимиз мумкин.

3,4-жадваллардан кўринадикки, жами 751 та имтиёзли кредитларни олиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслардан 645 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ва 106 таси шаҳар ва қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида мурожат қилганлар.

Шундан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитларни олиш учун 13 та фуқаро ва қишлоқ жойларида 632 та фуқаро ҳамда тадбиркорлик фаолиятини тикувчилик, нонвойчилик, қандолатчилик, хунармандчилик ва маиший хизмат кўрсатиш орқали амалга ошириш учун Урганч шаҳридан 27 та фуқаро ва қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 79 та фуқаро мурожат қилган.

4-жадвал

2018 йилда "Ҳар бир оила-тадбиркор" давлат дастури доирасида ажратиладиган имтиёзли кредитларни олиш учун шаҳар ва қишлоқ жойларида тадбиркорликни амалга ошириш бўйича талабгорлар тўғрисида маълумот [5], (млн.сўмда)

№	Шаҳар ва туманлар номи	Шундан											
		Тикувчилик		Қандолатчилик		Нонвойчилик		Маиший хизмат курсатиш		Хунармандчилик		Бошқалар	
		сон	сумма	Сони	Сумма	сон	Сумма	Сони	Сумма	Сони	сумма	Сони	сумма
1	Урганч шаҳри	11	537,0	4	409,0	6	149,6	3	232,0	0	0,0	3	81,0
2	Боғот тумани	5	78,0	0	0,0	2	40,0	0	0,0	0	0,0	2	510,0
3	Гурлан тумани	1	25,0	3	67,2	1	25,0	0	0,0	0	0,0	5	436,3
4	Кўшкўпир тумани	1	5,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
5	Урганч тумани	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	27,0	0	0,0	0	0,0
6	Хазорасп тумани	19	309,6	4	150,0	0	0,0	2	30,0	1	170,0	0	0,0

7	Хонқа тумани	6	107,0	0	0,0	0	0,0	1	180,0	1	180,0	0	0,0
8	Хива шаҳри	2	30,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
9	Хива тумани	1	20,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
10	Шовот тумани	9	275,0	1	25,0	1	25,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
11	Янгиариқ тумани	3	28,0	0	0,0	1	31,0	3	325,0	0	0,0	0	0,0
12	Янгибозор тумани	1	25,0	0	0,0	2	48,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
ЖАМИ		59	1 439,6	12	651,2	13	318,6	10	794,0	2	350,0	10	1 027,3
	150 баравар-гача	55	971,6	8	167,2	10	216,6	6	134,0	0	0,0	6	153,0
	1000 гача	4	468,0	4	484,0	3	102,0	4	660,0	2	350,0	3	454,3
	1000 дан юқори	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	420,0

5-жадвалдан кўринадики, кредитга талабгорларнинг катта қисми туманлардан бўлиб, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга шу жумладан, насли қорамол, паррандачилик ва иссиқхоналар ташкил этишга катта истақлари борлигини билдирганлар. Урганч шаҳрида эса фақат 13 та фуқаро насли қорамол ва паррандачилик фаолиятини амалга ошириш истаги борлигини билдириб, имтиёзли кредит олиш учун мурожаат қилган. Лекин, тадбиркорлик фаолиятини тикувчилик, нонвойчилик, қандолатчилик, хунармандчилик ва маиший хизмат кўрсатиш орқали амалга ошириш учун мурожаат қилган фуқаролар Урганч шаҳрида ҳам қишлоқ жойларида ҳам озчиликни ташкил қилмоқда.

5-жадвал

"Ҳар бир оила-тадбиркор" давлат дастури доирасида ажратиладиган имтиёзли кредитларни олиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиш бўйича талабгорлар тўғрисида маълумот [5],(донада)

Жами имтиёзли кредит олиш учун мурожаат қилганлар сони	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мурожаат қилганлар сони		Тадбиркорлик фаолиятини тикувчилик, нонвойчилик, қандолатчилик, хунармандчилик ва маиший хизмат кўрсатиш орқали амалга ошириш учун	
	Урганч шаҳрида	Туманларда	Урганч шаҳрида	Туманларда
751	13	632	27	79

Ҳар бир шаҳар, асосан туманлардаги оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган **"Ҳар бир оила-тадбиркор" давлат дастурида** тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш орқали жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Шу мақсадга кўра, Хоразм вилоятидаги 13 та банк томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланиш истагида бўлган шаҳар ва туман фуқароларига имтиёзли кредитларни бериш режаси ишлаб чиқилган (6,7,8-жадвалларга қаралсин).

5-жадвалдан кўринадики, давлат дастури доирасида берилаётган имтиёзли кредитларнинг энг катта қисми асосан **Агробанк ва Миллий банк** ҳисобига тўғри келмоқда, улардан кейин эса Микрокредитбанк, Халқ банк ва Қишлоқ қурилиш банклар етакчилик қилмоқда. Лекин, Саноат қурилиш банк, Алоқабанк ва Ҳамкорбанклар имтиёзли кредитларни ажратишда анчагина суствлигини кўришимиз мумкин.

Куйидаги 6-жадвалга кўра эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг энг катта қисми насли қорамол, иссиқхоналар ташкил этиш ва паррандачиликка тўғри келмоқда.

Фикримизча, бунинг асосий сабаблари вилоятимизда гўшт ва сут маҳсулотларига ҳамда полиз экинларига талабнинг юқорилигидадир.

7-жадвалдан эса, асосан имтиёзли кредитлар учун талабгорларни катта қисмини тикувчилик, қандолатчилик ва нонвойчилик фаолиятлари бўйича тадбиркорликни амалга ошириш истагида бўлганлар ташкил қилаётганлигини кўришимиз мумкин.

11	Инфинбанк	0	0,0	0	0,0	4	107,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
12	Хамкорбанк	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
13	Халкбанк	29	521,5	0	0,0	2	43,0	0	0,0	2	50,0	0	0,0
	ЖАМИ	280	4 783,0	40	593,0	115	1 829,4	17	267,0	183	1 817,7	10	210,0
	150 бараваргача	278	4 439,0	40	593,0	112	1 435,4	17	267,0	182	1 727,7	10	210,0
	1000 гача	2	344,0	0	0,0	3	394,0	0	0,0	1	90,0	0	0,0
	1000 дан юқори	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0

Мухтарам Президентимизнинг мазкур қарорлари билан Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириш билан биргаликда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиб беради.

8-жадвал

2018 йилда "Ҳар бир оила-тадбиркор" давлат дастури доирасида Хоразм вилояти банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларга тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиш бўйича талабгорлар тўғрисида маълумот [5],(млн.сўмда)

№	Банклар номи	Шундан											
		Тикувчилик		Қандолатчилик		Нонвойчилик		Маиший хизмат курсатиш		Хунармандчилик		Бошқалар	
		сон	сумма	сон	сумма	сон	сумма	сон	сумма	сон	сумма	сон	сумма
1	Миллийбанк	20	363,5	3	67,2	1	17,0	1	180,0	1	180,0	5	283,3
2	Агробанк	25	483,0	2	24,0	2	37,0	4	82,0	0	0,0	0	0,0
3	Асакабанк	5	234,1	1	26,0	1	27,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0
4	Микрокредит-банк	5	100,0	1	25,0	1	25,0	0	0,0	0	0,0	2	510,0
5	Саноатқурилиш	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
6	Ипотекабанк	0	0,0	0	0,0	1	20,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
7	Савдогарбанк	0	0,0	0	0,0	0	0,0	2	300,0	0	0,0	0	0,0
8	Кишлоққурилишбанк	2	50,0	1	25,0	1	25,0	1	25,0	0	0,0	0	0,0
9	Туронбанк	0	0,0	2	200,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
10	Алокабанк	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
11	Инфинбанк	2	209,0	1	184,0	3	80,0	2	207,0	0	0,0	1	27,0
12	Хамкорбанк	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
13	Халкбанк	0	0,0	1	100,0	3	87,0	0	0,0	1	170,0	2	207,0
	ЖАМИ	59	1 439,6	12	651,2	13	318,6	10	794,0	2	350,0	10	1 027,3
	150 бараваргача	55	971,6	8	167,2	10	216,6	6	134,0	0	0,0	6	153,0
	1000 гача	4	468,0	4	484,0	3	102,0	4	660,0	2	350,0	3	454,3
	1000 дан юқори	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	420,0

Хоразм вилоятида бугунги кунда **498 та** маҳалла фуқаролар йиғинлари, **319 586** хонадонлар, **480 386** оилалар, **1 805 000** аҳоли (шундан 902 000 та эркак, 903 000 та аёл)[5] мавжуд бўлиб, мазкур қарор асосида ажратиладиган кредитдан вилоятимиз ҳалқи ўз даромадларини оширишлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун катта имконият ҳисобланади.

Хоразм вилоятида "Ҳар бир оила – тадбиркор" қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2018 йил 11 июндаги 417к-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга асосан:

А) вилоят ҳокимининг 1-ўринбосари раҳбарлигида **Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи;**

Б) инвестиция масалалари бўйича ўринбосар раҳбарлигида **Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича Махсус ишчи гуруҳи;**

В) шаҳар ва туман ҳокимларининг 1-ўринбосари раҳбарлигида **Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича Худудий ишчи гуруҳлар** ташкил этилган ва улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, вилоят идора-ташкилотлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ҳар бир шаҳар ва туманларга масъул этиб бириктирилган.

Бугунги кунда мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятига Тикланиш ва тараққиёт Жамғармаси маблағлари ҳисобидан **15,0 млн. АҚШ доллари** эквиваленти миқдорида яъни **116,8 млрд. сўм** миқдорида кредит маблағ ажратилган [5].

Жами Хоразм вилоятининг **1 805 000 нафар** аҳолисидан ушбу имтиёзли кредитларни олиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган аҳоли сони 2018 йил 1 октябр ҳолатига кўра **751** нафар кишини ташкил қилиб, Хоразм вилоятига Тикланиш ва тараққиёт Жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган **116,8 млрд. сўм** миқдоридаги кредит маблағларининг фақатгина **14 млрд. 80 млн. 800 минг сўми**, яъни **12 фоизини** ташкил қилади.

Хоразм вилоятида 2017 йил якунлари бўйича ишсизлик даражаси 5,7 фоизни ташкил қилади. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини шаҳар ва қишлоқларда ҳар томонлама ривожланишини, ишсизлик даражаларини камайишини, ҳар бир оилани тадбиркорлик билан шуғулланишларини таъминлаш, янги иш ўринларини, аҳолини даромадларини ошириш орқали яхши яшаш шароитларини яратиш, қишлоқларда тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш мақсадида давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ушбу дастурлар асосида имтиёзли кредитлар талабгорларга берилмоқда. Давлатимиз томонидан берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кундалик истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариб, аҳолини чексиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун берилаётган қулай имтиёзлардан фойдаланиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган вақт келди деб ўйлаймиз.

Фикримизча, мамлакатимиз раҳбарининг халқ фаровонлигини кўзлаб, тадбиркорлик муҳитини шаҳар ва асосан қишлоқларда яхшилаш мақсадида бераётган имкониятлари ва имтиёзлари асосида тадбиркорлик, бизнес юритиш қулайлиги янада ривож топиб, “Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ, Ўзбекистон 2022 йилга бориб, “Doing business”(Бизнес юритиш қулайлиги) халқаро рейтингда энг кучли 20 та мамлакат ичидан ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 16.01.2017. 10-б.
2. Хоразм вилоят “Агробанк” бошқармаси маъмумотлари
3. Хоразм вилоят “Агробанк” бошқармаси маъмумотлари асосида муаллиф ишланмаси
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли қарори.
5. Хоразм вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари.

УДК. 33

ЭФФЕКТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ФИНАНСАМИ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

М.У.Юсупова, Начальник планово-финансового отдела Ургенчского филиала ТУИТ, Ургенч

Аннотация. Мазкур мақолада ОТМларда молиявий режалаштириш бошқарув функциясининг таркибий асосларидан бири эканлиги. ОТМнинг бутун хўжалик фаолиятини режалаштириш билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Молиявий режалаштириш, башоратлаш, молиявий ресурслар, тўловга қобилиятлилиқ, бухгалтерия баланси.

Аннотация. Данная статья фокусируется на финансовое планирование в ВУЗе, которое представляет собой одну из составных функций управления. Оно тесно связано с планированием всей хозяйственной деятельности ВУЗа.

Ключевые слова: Финансовое планирование, прогнозирование, финансовые ресурсы, платежеспособность, бухгалтерский баланс.

Abstract. This article is focused on financial planning in universities, which is one of the integral functions of management. It is closely related to the planning of all economic activities of universities.

Key words: Financial planning, forecasting, financial resources, solvency, balance sheet.

Чтобы создавать прекрасное, нужна крепкая финансовая поддержка.

(Сирил Норткот Паркинсон)

В нашей стране с первых лет независимости на уровень государственной политики поднят вопрос развития системы образования, осуществляется большая работа в целях обучения молодого поколения современным знаниям и профессиям в соответствующих мировым стандартам условиях,

формирования физически здоровых и духовно зрелых личностей, содействия реализации их талантов и потенциала, воспитания молодежи в духе любви и преданности Родине.

В Указе Президента нашей страны «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года определены задачи по развитию социальной сферы, в частности, сферы образования и науки.

В документе предусмотрены укрепление материально-технической базы образовательных учреждений, строительство новых, проведение реконструкции и капитального ремонта существующих, оснащение их современным учебным и лабораторным оборудованием, компьютерной техникой и учебно-методическими пособиями.

А также, разработана программа коренного совершенствования системы высшего образования в 2017-2021 годах, осуществлена работа по дальнейшему улучшению учебных программ, поэтапному повышению самостоятельности высших учебных заведений путем расширения их полномочий в использовании дополнительных источников финансирования и оказании платных услуг [1].

За последний год принято около семидесяти соответствующих указов, постановлений и распоряжений Президента Республики Узбекистан и Кабинета Министров, что стало началом нового этапа коренного реформирования системы образования.

Правительство Узбекистана придает приоритетное значение сфере образования. Ежегодные государственные расходы на образование составляют 10-12% ВВП. Более 70% государственных расходов, выделяемых на образование, направляется в сферу общего среднего и среднего специального профессионального образования.

Высшие учебные заведения, созданные при них академические лицей, а также институты повышения квалификации и переподготовки учителей в областях, финансируются из республиканского бюджета. Доля частного финансирования (плата за обучение) вузов доходит до 60% от общего объема финансирования текущих расходов вузов [2].

Без планирования невозможно эффективно управлять не только крупным ВУЗом, но и сравнительно небольшим учебным заведением. Будущее любого ВУЗа без него неопределенно и непредсказуемо. Поэтому управленческому персоналу необходимо уметь прогнозировать и планировать финансы.

Основными задачами финансового планирования в ВУЗе являются:

- обеспечение необходимыми финансовыми ресурсами деятельности университета;
- определение путей эффективного вложения капитала, оценка степени рационального его использования;
- выявление внутрихозяйственных резервов увеличения прибыли за счет экономного использования денежных средств;
- установление рациональных финансовых отношений с бюджетом, внебюджетными фондами, банками и контрагентами;
- соблюдение интересов спонсоров и других инвесторов;
- контроль за финансовым состоянием, платежеспособностью и кредитоспособностью университета.

Эффективное управление финансами ВУЗа возможно лишь при планировании всех финансовых потоков, процессов и отношений хозяйствующего субъекта [3].

Финансовое планирование в ВУЗе - это планирование всех доходов и направлений расходования денежных средств для обеспечения развития университета.

Основными целями этого процесса является установление соответствия между наличием финансовых ресурсов университета и потребностью в них, выбор эффективных источников формирования финансовых ресурсов и выгодных вариантов их использования.

Финансовое планирование осуществляется посредством составления финансовых планов разного содержания и назначения в зависимости от задач и объектов планирования. Финансовый план следует рассматривать как одну из реальных форм проявления распределительного характера финансов ВУЗов. Финансовый план ВУЗа выступает в виде балансовых форм, сгруппированных в них статей доходов и расходов, планируемых к получению и финансированию в предстоящем периоде. Степень детализации плана зависит от принятой в организации формы документов. Форма финансового плана вместе с методологией составления и методикой разработки показателей не тождественна одной из форм финансовой отчетности — бухгалтерскому балансу.

Финансовые планы университета подразделяются на долгосрочные, текущие и оперативные.

В **долгосрочном** финансовом плане определяются ключевые финансовые параметры развития университета, разрабатываются стратегические изменения в движении ее финансовых потоков.

В **текущем** финансовом плане все разделы плана развития университета увязываются с финансовыми показателями, определяется влияние финансовых потоков на обучение студентов, научный потенциал и конкурентоспособность ВУЗа в текущем периоде.

Оперативный финансовый план включает в себя краткосрочные тактические действия — составление и исполнение платежного и налогового календаря, кассового плана на месяц, декаду, неделю.

Объектами финансового планирования являются движение финансовых ресурсов; финансовые отношения, возникающие при формировании, распределении и использовании финансовых ресурсов; стоимостные пропорции, образуемые в результате распределения финансовых ресурсов.

Финансовое планирование как инструмент управления финансами университета отличается разнообразием форм и показателей, отражающих многообразие форм деятельности ВУЗа, различия в видах и способах привлечения средств.

Финансовое планирование в ВУЗе представляет собой одну из составных функций управления. Оно тесно связано с планированием всей хозяйственной деятельности ВУЗа. В условиях рыночной экономики роль планирования не только не снижается, но и многократно возрастает. Убедительным аргументом, подтверждающим целесообразность планирования, является практика зарубежных ВУЗов, где планы разрабатываются повсеместно и на постоянной основе [4].

Финансовое планирование тесно связано и опирается на маркетинговый, учебный и другие планы университета, подчиняется миссии и общей стратегии ВУЗа. Следует отметить, что никакие финансовые прогнозы не обретут практическую ценность, пока не проработаны учебные и маркетинговые решения. Более того, финансовые планы будут нереальны, если недостижимы поставленные маркетинговые цели, если условия достижимости целевых финансовых показателей невыгодны для ВУЗа в долгосрочной перспективе.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947.
2. http://eacea.ec.europa.eu/education/Eurydice/eurydice_en.php. Обзор системы высшего образования (адаптировано с Европейской/Эвридикс) Февраль 2016 г.
3. Коротков Э.М. Управление качеством образования: Учебное пособие для ВУЗов. – М.: Академический Проект Мир, 2006.
4. Модели финансирования вузов: анализ и оценка (Научные труды ИЭПП № 93)/Под ред. С. А. Белякова. – М.: ИЭПП, 2005.

TARIX FAHJLARI

O'UK: 375

**BUYUK SAYOXAT YOXUD MENNONITLARNING XORAZM TARIXIDA TUTGAN O'RNIGA
YANGICHA NAZAR***Sh.A. Rahimova, J.N. Jumaniyazov, Toshkent tibbiyot akademiyasi
Urganch filiali, Urganch*

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'rta Osiyoda, xususan, Xorazm viloyatida istiqomat qilgan Mennonitlar haqida ma'lumot beradi. 1881 yilning avgustida Toshkentga Trakt ismli Mennonitlar guruhi keldi. Ular Turkiston bosh gubernatori Kaufman tomonidan qabul qilingan. O'rta Osiyo mamlakatlarida ular mahalliy aholiga yog'ochni qayta ishlash, qishloq xo'jaligi, qurilish va boshqa ko'plab foydali kasblarni o'rgatganlar.

Kalit so'zlar: Mennonitlar, Xiva xonligi, Trakt, Oqmachit

Аннотация. В этой статье приводится информация о меннонитах, которые жили в Средней Азии, а именно в Хорезмской области. В августе 1881 года группа меннонитов по имени Тракт прибыла в Ташкент. Они были приняты генеральным губернатором Туркестана Кауфманом. Во время своего пребывания на территории Центральной Азии они обучали местных жителей многим полезным работам, таким как деревообработка, сельскохозяйственные работы, строительство, и многим другим.

Ключевые слова: Меннониты, Хивинское ханство, группа по имени Тракт, Акмачит

Abstract. In this article information is given about Mennonites who lived in the Central Asia, particularly, in Khorezm region. In August 1881, a group of Mennonites, called Trakt, arrived in Tashkent. They were accepted by Turkestan General Governor Kaufman. During their stay in the Central Asian territory they taught local people many interesting and useful jobs as woodworking, agricultural works, building and many others.

Key words: Mennonites, Khiva khanate, Trakt, Ak Metchet

Mennonitlarni kelib chiqishi Niderlandiyalik bo'lgan Menno Simons bilan bog'liq. Menno Simons (1496-1561) yillarda yashab ijod qilgan buyuk faylasuf, dinshunos olim hisoblanadi. U 1496 yilda Niderlandiyaning Vitmarsum shaxarchasida tug'ilgan. Menno Simons XVI asr boshlarida xristian dinini isloh qiladi. Mennonitlarning diniy ta'limotiga ko'ra itoatgo'ylik, zulumga, yomonlikga qurol kuchi bilan qarshilik ko'rsatmaslik, ma'naviy yetuklik g'oyalarini targib qilganlar. Mennonitlar qo'lga qurol olish, urushlarda qatnashish, odam o'ldirish kabi mudxish ishlarni gayridiniy hodisa deb hisoblaganlar. Uning diniy islohoti juda qattiq ta'qib ostiga olinadi. Ayniqsa o'sha davrdagi ruxoniylar, qirollar, xarbiylar bu oqimga qarshi juda qattiq qarshilik qiladilar. Bu diniy oqimga kirganlar ayovsiz qirib tashlangan va gulxanda kuydirilgan. Jiddiy ta'qib va qiyinchiliklarga chiday olmagan mennonitlari uzoq va mashaqqatli buyuk sayoxatga chiqadilar.

XVI asr o'rtalarida juda ko'plagan mennonitlar g'arbiy Germaniyaning Prussiya xududiga kelib joylashadilar. XVIII asr oxiri XIX asr boshlarida bir guruh mennonitlar Ukraina hududiga kelib joylashadilar.

Prussiya hukumati XIX asrning 2 chi yarmidan boshlab, Fransiya bilan bo'ladigan urushiga katta tayyorgarlik ko'ra boshlaydi. Mennonitlar Prussiya armiyasiga askar berishdan bosh tortadilar. 1853-1884 yillar davomida 18 mingdan ortiq mennonitlar Rossiyaga va Atlantika okeani orqali Kanada hududiga joylashadilar.

1922-1926 yillarda ular AQSHning Kanzas, Meksika hamda Paragvay davlati hududigacha borib joylashadilar. 1853-1861 yilda mennonitlar Rossiyaning Volga daryosi buyiga, Saratov, Samara hududlariga kelib joylashadilar. 1874 yilda Rossiyada millati va diniy e'tiqodidan qat'iy nazar barcha fuqrolarga umumiy xarbiy majburiyat e'lon qilinadi. Ushbu qonun 1880 yildan kuchga kiradi. 1880 yil 3 iyulda mennonitlarning Xausan nomli guruxi bitta temir yo'l vagonida jami 10 ta oila Toshkent yaqinidagi Qaplanbek qishlog'iga kelib joylashadilar. Ular bu yerda 1880 yilning 18 oktyabrigacha bo'ladilar.

1880 yil 13 avgust kuni ikkita temir yul vagonida mennonitlarning Medemtal nomli guruhi jami 13 ta oila Qaplanbekga kelib joylashadilar. Ular Qaplanbekda 1889 yil 24 noyabrgacha yashadilar. 1880 yil avgustdan 2 dekabrigacha uchta temir yo'l vagonida mennonitlarning Valdexeim, Molotschna nomli guruhi jami 80 ta oila Toshkent shaxriga yetib kelishadi.

1881 yil avgust oyida mennonitlarning Trakt nomli guruhi to'rtta temir yo'l vagonida jami to'qqiz oila Toshkent shaxriga yetib kelishadi. Ularni Turkiston general-gubernatori fon Kaufman (1867-1882) qabul qiladi. Kaufman mennonitlarga Turkiston o'lkasining juda ko'plagan hududlarini yashash uchun taklif qiladi.

Ular Toshkentda biroz vaqt Avliyo ota qishlogida yashaydilar. 1881 yil sentyabrda beshta temir yo'l vagonida Toshkent voxasi va Qoqon xonligidagi notinchliklar tufayli mennonitlarning Trakt nomli guruhida jami qirq yeti oila Buxoro amirligiga qarashli Sarabulok qishlog'iga kelib joylashadilar [1].

Buxoro amiri Muzaffarxon ularni Buxoro xududida yashashlariga jiddiy qarshilik qiladi. Bundan tashqari mennonitlar Buxoro amirligidagi bir guruh musulmon diniy ulamolarning jiddiy qarshiligiga uchraydi. Sababi mennonit xotin-qizlari "paranji" o'ramas edilar. Mennonitlar 9 oy Sarabuloqda yashaganlaridan keyin Xiva xoni Muxammad Rahimxon II taklifiga binoan 1882 yil bahorda Xiva xonligiga qarab yo'l olishadi.

1882 yil baxorida 39 ta mennonit oilalari Amudaryo yaqinidagi Lauzan qishlog'iga kelib joylashadilar. Kiyinchiliklarga uchragan mennonitlar Amerikaga ketish taklifini o'rtaga qo'yishadi. Mennonit Emil Rayson Xiva xoni qabulida bo'ladi. Muxammad Raximxon II unga chuqur iltifot ko'rsatadi. Xiva xoni ularni o'z himoyasiga oladi. Turkmanlardan kelgan zararni qoplash uchun moddiy yordam sifatida 2000 AQSh dollari qiymatida yordam puli hamda xonlik hududidagi tinch, osuda, ser unum yer Sho'r ko'l bo'yida Xivadan 12 km Janubiy-Sharkda joylashgan "Chiqirchi" qishlog'i hududidan mennonitlar yashashlari uchun joy ajratadi. 1884 yil 16 aprelda Klass Epp, Emil Rayson, Vilgelm Penner, Jakob Janatzen, Michel Klassen va 34 ta mennonit oilasi Oqmachitga kelib joylashadilar [2].

Ular o'zlari mustaqil va erkin xolatda yashaganlar. Mennonitlar o'z ma'muriy boshqaruv organiga ega bo'lganlar. Oqmachitda yashagan mennonitlarga 1838-yil 21 sentyabrda Prussiyaning Fursterverder shaxrida tug'ilgan Klass Epp (1884-1913 yillarda) boshchilik qilgan. Oqmachitga Klass Epp tomonidan asos solingan. Klass Epp diniy marosimlarini o'tkazishlari uchun o'zlari kelib joylashgan xududda cherkov qurdirgan. Cherkov juda baland, oq rangga bo'yalgan bo'lib, bir vaqtning o'zida 25 mennonit oilasiga xizmat qilgan. Maxalliy axoli cherkovni "Oqmachit" deb atagan. Shundan so'ng mennonitlar yashagan joyni maxalliy xalq vakillari "Oqmachit" deb atay boshlaganlar. Klass Epp boshchiligida Oqmachitda turar joy, maktab, kasalxona, cherkov va boshqa ma'muriy binolar qurilgan. Ular o'zlarining jinoiy va ma'muriy ishlarini o'zlari hal qilganlar. Klass Epp 1913 yil 19 yanvarda Oqmachitda vafot etgan.

Maxalliy axoli va bir guruh Xorazmlik tarixchilar Oqmachitda yashagan mennonitlarni "nemislar" deb kelishgan, aslida ular kelib chiqishi Niderlandiyalik bo'lgan mennonitlar hisoblanadi. Uzoq vaqt davomida Germaniyaning Prussiya hududida yashaganliklari sababli nemis tilida gaplashishgan xolos. Xiva xonligida XX asr boshlarida yevropa uslubida qurilgan "Nurullaboy" saroyining ganchkorlik ishlari va parket pol qismi mennonitlar tomonidan qilingan [3].

1934 yilda mennonitlar Oqmachitda 50 yillik yubileylarini nishonlaganlar. Yubiley davomida mennonit maktabi o'quvchilarining sahna ko'rinishlari, musiqali chiqishlari namoyish qilingan. Ular o'z sahna ko'rinishlarida mennonitlarning XVI asrda Niderlandiyadan boshlangan buyuk tarixiy jarayonlardan tortib, 1934 yilgacha bo'lgan og'ir va mashaqqatli hayotni tasvirlaganlar. Yubiley davomida 50 yil yashagan mennonitlar estalik uchun suratga tushdilar.

Xorazmga kino-foto san'atining kirib kelishida Oqmachitda 1884 -1935 yillarda yashagan mennonitlarining xizmatlari juda katta. Xivaliklar "Panar buva" deb nom qo'ygan Vilgelm Pennerdan Xudaybergan Devonov foto, kino san'atini o'rganib, O'rta Osiyoda birinchi bo'lib kino-foto san'atiga asos solgan.

Bundan tashqari mennonitlar Xorazm okrugining ijtimoiy-iqtisodiy hayotida ulkan ishlarni amalga oshirdilar. Jumladan, maxalliy axoliga tibbiy xizmat ko'satish, uylarni qulflab qo'yish, kimyo, fotografiya, dehqonchilikda kartoshka, pomidor, bodring va boshqa ekinlarni ekish, parvarish qilishni o'rgatdilar, paxta va sholining yangi navlarini yaratdilar. Yevropacha uyni isitish vositasi kamin pechlarni qurish, uylarni shifer qilish va boshqa yevropa madaniyati, musiqasi va san'atini olib keldilar.

1925 yilda Sobiq Sovet ittifoqi hukumati mennonitlarning hayot faoliyati to'g'risida Marxian doktrinasini qabul qiladilar. Doktrinaga ko'ra mennonitlarga juda katta talab qo'yiladi. Shundan so'ng bir guruh, Oqmachitlik mennonitlar Moskvaga tashrif buyurishadi va Kalinin shartnomasiga imzo chekishadi. 1935 yilda Oqmachitlik mennonitlardan 10 kishi Kalinin shartnomasiga qarshi chiqdilar va shartnoma shartlarini bajarishdan bosh tortdilar. Sovet hukumati qaroriga qarshi chiqqan mennonitlar xibsga olindi va otib tashlandi.

Shuni ham alohida e'tirof etish kerakki, mennonitlar Rossiya imperalizmi davrida juda qattiq ta'qiblarga uchraganlar. 1925-1930 yillarda o'tkazilgan yer-suv isloxtlari, jamoalashtirish davri

Oqmachitlik mennonitlarga juda qimmatga tushdi. Mennonitlar jamoalashtirish o'rniga hozirgi bozor iqtisodiyoti tizimi hisoblangan fermer xo'jaliklarini tashkil etishni o'rtaga tashlaganlar. Rossiya hukumati ularni taklifini rad qilgan. 1935 yilda Oqmachitda yashagan mennonitlar sovet hukumatining jabr zulmiga bardosh bera olmay Oqmachitni tark etishadi.

Xulosa qilib, shuni aytish kerakki, 53 yil davomida (1882-1935) Xorazmda yashagan mennonitlar Xorazm okrugining ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotida juda katta iz qoldirdilar. Sovet hukumatining totalitar siyosati mahalliy xalq vakillari qatori Oqmachitlik mennonitlarni ham chetlab o'tmadi. Mustaqillik sharofati bilan ularning yorqin xotiralari tiklanmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Fred Richard Trek "The great trek" of the Russian Mennonites to Central Asia 1880-1884-USA, Kansas city, 2001/47, 79, 170, 225 betlar
2. <http://raven.bethelks.edu>
3. Xiva Ichon qa'la arxiv fondi materiallari
4. <http://www.gameo.org/>

ЎУК:94(575)32(575)(09)

ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИНИНГ ЎЗАРО ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР (XIX АСР)

Н.Т. Полвонов, т.ф.н. Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ, Тошкент
У.А. Шерипов, т.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч

Annotatsiya. Ushbu maqolada XIX asrda O'rta Osiyodagi etakchi davlatlar bo'lmish Xiva xonligi va Qo'qon xonliklari o'rtasidagi elchilik aloqalari va ular o'rtasidagi harbiy, siyosiy va strategik masalalar bo'yicha ittifoqchilik to'g'risidagi masalalar yoritiladi.

Kalit so'zlar: Tarixiy manba, diplomatik aloqalar, elchilik qoidalari, siyosiy manfaatlar, harbiy ittifoqchilik, mintaqadagi siyosiy vaziyat, qo'shni davlatlar bilan munosabatlar.

Аннотация. В этой статье изучается дипломатическое – посольские отношения в XIX веке между Хивинским и Кокандскими ханствами. На основе исторических сведений местных историков рассматривается сотрудничество в сфере военно-политического и стратегического сотрудничества между двумя ханствами.

Ключевые слова: Исторический источник, дипломатические отношения, посольские правила, политические выгоды, военное союзничество, политическая обстановка в регионе, отношения с соседними странами.

Abstract. This article explores the diplomatic - ambassadorial relations in the XIX century between the Khiva and Kokand khanates. Based on the historical information of local historians, cooperation in the sphere of military-political and strategic cooperation between the two khanates is considered.

Keywords: Historical source, diplomatic relations, ambassadorial rules, political benefits, military alliance, the political situation in the region, relations with neighboring countries.

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги давлатчилик ва ташқи сиёсат тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда мамлакат ҳудудида ўз вақтида мавжуд бўлган учта хонлик – Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги (1804–1920) давридаги Хоразм, Минглар сулоласи ҳукмронлиги давридаги Қўқон (1710–1876) хонликлари ва Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги Бухоро (1747–1920) амирлиги тарихига кўпроқ диққат қилинмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда мазкур уч хонлик тарихига доир кўплаб илмий тадқиқотлар вужудга келди [2,3,4,5,6,16,17,18]. Уч хонлик тарихини ўрганиш ёки уларнинг шарқ ва ғарб мамлакатларидаги бошқа давлатлар билан ташқи сиёсий алоқлари тадқиқи баробарида айни хонликларнинг бир – бирлари билан элчилик муносабатлари масаласи назардан четда қолмоқда ёки бу масалага олимлар нисбатан камроқ аҳамият бермоқдалар. Ваҳоланки, уч хонликнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлари тарихи масаласини ўрганиш уларга хос хусусиятларни аниқлашга катта ёрдам берган бўларди.

Мазкур мақолада асосий масала XIX асрда Хива хонлигидаги маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган тарихий манбаларда Қўқон ва Хива хонлиги сиёсий, аниқроғи, элчилик муносабатлари тарихи қандай акс этганлиги ва қайси масалаларга асосий эътибор қаратилганлиги ҳақида фикр юритилади. Бунинг учун XIX асрда Хивада яратилган тарихий манбалар: булар қаторига шоир ва тарихчилар Мунис (1778–1829) ва Огаҳий (1809–1874) томонидан яратилган “Фирдавс ул-икбол”, Огаҳийнинг Оллоқулихон ҳукмронлиги даври (1825-1843) тўғрисидаги “Риёз уд давла”,

Раҳмонқулихон салтанати воқеаларини ёритувчи (1843-1846) “Зубдату-т-таворих” асари, Муҳаммад Аминхон (1846-1854), Саййид Абдуллохон (1854) ва Қутлуғмуродхон (1855) ҳукмронлиги йилларидаги мураккаб ва зиддиятли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги “Жоме ул воқеати султоний”, Саййид Муҳаммадхон замонида (1856-1865) доир “Гулшани давлат”, Раҳимхони соний –Феруз (1865-1910) ҳукмронлигининг дастлабки ўн йили васф этилган “Шоҳиди иқбол” асарларидан фойдаланилди. Бу асарларда Хива хонлигининг Қўқон хонлиги билан алоқалари, Қўқондан келган элчилар ва уларга ҳамроҳ қилиб жўнатилган элчилар ҳақидаги маълумотларни кўриш мумкин. Улар муайян даврлардаги Хива хонлари ва улар орқали хонлик тарихини акс эттиришлари билан биз учун аҳамиятли. Мазкур асарлар Хива хонлигида яратилганлиги сабабли, турган гапки Қўқон ва Хива хонликлари ўртасидаги элчилик муносабатлари Хива хонлигида яшаган тарихчи (Огаҳий) нигоҳи орқали берилади.

Қўқон хонлигида маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган тарихий асарларда ҳам мазкур давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар умуман иккала давлат ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида қимматли маълумотларни кўриш мумкин. Ушбу асарлар жумласига “Тарихи жаҳоннамои”, “Шоҳномаи нусратпаём”, “Мунтахаб ут-таворих” асарларини мисол қилиш мумкин.

XIX асрда Хива хонлигининг Қўқон хонлиги билан дипломатик алоқаларида Бухоро билан бўлгани каби сурункали элчилик алоқалари кузатилмаган бўлса-да, иккала давлатда кескин зиддиятли муаммолар кўринмайди. Мазкур давлатлар ўртасида ўзаро дўстона ҳамкорлик муносабатлар ўрнатилган.

XIX аср бошида Қўқон сулоласи Хива тахтида ўз ҳукмронлигини эндигина бошлаётган бир давр эди. Худди шу даврда Қўқон хонлигида Олимхон ҳукмронлик қиларди. 1810 йилдан эса Қўқонда Умархон ҳукмронлиги даври бошланади. Бу ҳукмдор даврида Қўқон хонлигида катта ўзгаришлар рўй берди. Хонликдаги ривожланишлар унинг кучини оширди. Умархон ўз салтанати даврида Қўқон хонлигини шу вақтгача Бухоро хонлигига қарам бўлиб келишдан узоқлаштириб, алоҳида кучга эга давлат бўлиши учун ҳаракат қила бошлади. Айни мақсад йўлидаги уринишлар натижасида Бухоро хонлиги Қўқон хонлигига нисбатан рақобатчи, кейинчалик душманлик кайфиятида бўла бошлади. Мана шундай шароитда Қўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги учинчи катта хонлик – Хива хонлиги билан яқинлашиш сиёсатини олиб боради. Бу ҳаракат ортида Қўқон хонлигининг мавқеини ошириш учун уриниш ётганди. Масалан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) салтанатининг ўнинчи йили (яъни, 1816 йил) ҳақида гап кетганда “Фирдавс ул- иқбол” асарида куйидаги гаплар келтирилади: “Ва яна улким, ҳазрати подшоҳи мағфур раби ал-охир ойининг йигирма бешинчи (1815 йил 6 апрель) куниким, панжшанба эрди, Хиваник ориқин қоздурмоқ учун рукуб қилиб, кеча Сайёд ҳаволига нузул қилди. Жума куни Сорбонтўпага бориб, қозувчиға чек берди. Бешинчи куниким, сешанба эрди ва жумода-л-аввал ойининг иккинчи(1815 йил 12 апрель) куни эрди, тамом бўлди. Қозувға чиқмасдин бурунғи сешанба куни Берди иноқ Бухоро элчиси била келди. Якшанба куниким, хони мағфур қазув бошида эрди, Қўқон ҳокими Умархондин Саййид Муҳаммад ҳожи элчи бўлуб келиб, мулозиматға етти” [8-221]. Демак, 1810 йиллар ўрталарига келиб, Қўқон ва Хива хонликлари ўртасидаги муносабатлар яхшилануви кучайиб бошланган экан.

Қўқон хонлигида яратилган Мирзо Қаландар Мушрифнинг “Шоҳномаи нусратпаён” асарида 1821 йилнинг май ойида Қўқон ҳукмдори Умархон (1810-1822) саройига Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) номидан расмий мактуб билан келган элчилик ва унинг оқибатлари хусусида сўз боради. Бу воқеа Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жаҳоннамои” асарида даврий жиҳатдан 1813-1814 йил воқеалари ичига жойлаштирилган. Бухоро ва Хива сарой тарихчилари асарларида бу элчилик ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Лекин айни шу элчиликдан сўнг Хива ва Қўқон хонлиги томонидан Бухоро амирлиги чегара ҳудудларида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар ўша йилдаги асосий воқеа сифатида биринчи ўринга чиқарилган. Муҳаммад Раҳимхоннинг Қўқон хони Умархонга юборган мактубида шундай жумлалар бор эди: “Агар мен томонга марҳамат назарлари билан ишора қилиб, саркашлиги била маълум бўлган Бухоро подшоҳининг аҳволини хароб қилишга амр қилсалар, агар Парвардигор ўз лутфи карами билан мададкор бўлса аминманки, уларни таг-туғи билан юлиб ташлардим. Ассалом аттақсир”. Элчилар келтирган мактуб ва Умархонинг унга жавоби Хива ва Қўқон хонлиги ўртасида Бухоро амирлигига қарши ҳарбий иттифоқ тузганлигини англатарди. Чунки бу икки томон ўртасидаги элчилик борди-келдиси учта давлат ўртасида юз берган ҳарбий-сиёсий жараёнларга бевосита алоқадордир. XIX аср бошида тахт тепасига келган учта ҳукмдор – Амир Ҳайдар, Муҳаммад Раҳимхон ва Умархон ўртасидаги муносабатлар маҳаллий

манбаларда турлича ёритилган. Масалан, Амир Ҳайдар Умархонга тахтга ўтириши муносабати билан табриклар ҳадялар жўнатиб, дўстлик таклиф қилгани ҳақидаги матн сақланиб қолган. Балки Амир Ҳайдар давлатлараро муносабатлар расмий анъанасига амал қилган ҳолда шундай хат жўнатгандир. Ўрта Осиё минтақасида асосий таъсирга эга ҳукмдор мавқеини эгаллаш борасида ҳам Амир Ҳайдар ва Умархон ўртасида кураш Қўқон ва Хива хонликлари яқинлашишига туртки бўлган. Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг бошлариданоқ Усмонли турклар давлати билан алоқаларини яхшилаб, Қўқон ва Хива хонликларини турк Султони билан яқинлашишига тўсқинлик қилиб туради. Умархон билан Муҳаммад Раҳимхон даврида Хива-Қўқон муносабатлари анча яхши бўлганлиги маълум. 1822 йил баҳорида турк султони Султон Маҳмудхоннинг ҳузуридан қайтаётган (1808-1839) Умархон элчиси Ҳожимирқурбон хожа Хоразм орқали келган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон унинг хавфсизлигини таъминлаш учун икки элчини ҳамроҳ қилиб юборган. Бундан олдинроқ ҳам, яъни 1819 йилдаги Умархоннинг Туркияга юборган Ҳожимирқурбон бошчилигидаги элчилар Хивада тўхташади [11-175]. Муҳаммад Раҳимхон уларга элчилар кўшиб юборган эди. Муҳаммад Раҳимхоннинг Бухорога қарши курашиш учун Қўқон билан иттифоқ тузишини тушунса бўлади. Чунки, биринчидан, Муҳаммад Раҳимхонга Умархондан бошқа амалий ёрдам кўрсата оладиган иттифоқчи топиш қийин эди. Қолаверса, Дашти Қипчоқ бўйсундирилгач, Қўқон бевосита Хоразм ҳудуди билан чегарадош давлатга айланиб, келгусида Хива саройида тинч қўшничилик муносабатларини кафолатлаш масалалари кўндаланг турарди. Умархон Муҳаммад Раҳимхоннинг таклифини қабул қилиб Хива элчиларига Абдуҳолиқ қаровулбегини ҳамроҳ қилиб совға-саломлар билан жўнатади. Бу ҳол Бухорога қарши расман Хива – Қўқон ҳарбий иттифоқининг тузилганидан дарак беради. Кўп ўтмай иттифоқчилар амалий ҳаракатларни ҳам бошлаб юборишган. Хусусан, ўша йили рамазон ойининг 27 кунда (1821 йил 28 июнь) Умархон саройига Хива қўшини Бухоро туманларига етиб келганлиги ҳақида хабар келади. Бу вақтда Умархон ҳам урушга алоҳида тайёргарлик кўргани шубҳасиз. Чунки Рамазон ҳайити ўтиши билан у ҳам 12 минг аскар билан юришга отланди. Умархонга йўлда Мадалихон, Тўрақўрғон ҳокими амирзода Султон Маҳмудхон, Дашти Қипчоқ ҳокими шаҳзода Абдуллахон ва бир қанча амирзодалар ўз одамлари билан келиб қўшиладилар. Умархоннинг бундай катта қўшин билан чиқиши бу урушга катта эътибор берилганлигидан далолат беради. Умархон ўз иттифоқчиси Муҳаммад Раҳимхон ҳамда амирлик ичкарасидаги унинг юришини қўллаб-қувватлаб турган муҳолифатчилар билан ҳам алоқада бўлиб турган. Хива хони келишувга кўра, 1821 йил ўрталарида Амударё бўйидаги Чоржўй мавзеида Амир Ҳайдар юборган қўшинларни енгиб, Бухоро ҳудудларига киради. Тахминан август ойида у Қоракўл мавзеига етиб келади [8-453]. Амир Ҳайдар хоразмликлар билан овора бўлиб турган бир вақтда Самарқандда хитой-қипчоқлар кўзғолон кўтардилар. “Тарихи Туркистон” асарининг муаллифи Мирзо Олим Маҳдум Умархоннинг Бухорога юришини фақатгина хитой-қипчоқларнинг илтимосига биноан бўлганлини таъкидлайди. Бухоро ва Хива манбалари муаллифлари хитой-қипчоқлар, Шаҳрисабз, Ургут ҳокимларининг Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон ўртасидаги аҳдлашувларидан, ўзаро (эхтимол махфий) ёзишмаларидан хабарлари бўлмаган. Шу сабаблими, “Тарихи Амир Ҳайдар” асарида айтилишича, Муҳаммад Раҳимхон Қўқон хонига эмас, балки хитой-қипчоқ сардорларига ҳамкорликни таклиф қилиб мактублар юборган дейилади. Самарқанд қамалида Амир қийин аҳволда қолади. Шаҳар уламолари тинчлик сўраб Умархонга арзнома ёзадилар. Машҳур “кўк тош” (санги кабуд)ни сулҳ эвазига берадилар. Умархон арзларни қабул қилиб Ўратепа орқали Қўқонга қайтиб кетади. Мирзо Қаландар Мушриф ўз асарида Хива қўшинининг Қоракўлгача келгани тўғрисида маълумот берилади холос. Муаллиф Муҳаммад Раҳимхоннинг кейинги фаолиятига катта эътибор бермаган. Лекин Умархон билан доимий алоқалар бўлиб турган.

Айниқса, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатларнинг XIX аср 40 – йиллари бошларида ёмонлашуви Қўқон ва Хива хонликлари ўртасидаги муносабатларнинг янада яқинлашувига асос бўлган. Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло(1826 – 1860)нинг Қўқонга ҳужуми ва Қўқон шаҳрини эгаллаган даврида Хива хони Оллоқулихон(1825 – 1843)нинг Бухорога ҳужуми айнан шу дўстона элчилик муносабатларининг меваси десак бўлади.

Хива ва Қўқон ўртасидаги дипломатик алоқалар тўғрисида Хива хонлиги тарихчилари асарларида ҳам кўплаб маълумотлар келтириб ўтилган. Гарчи бу асарларда элчиларнинг келиш сабаблари кенгроқ ёритилмаган бўлса-да, уларнинг қачон ва кимлар келганлиги тўғрисида аниқ фактик маълумотларни жуда кўплаб учратиш мумкин. Хусусан, Огаҳий илк тарихий асарларидан бўлмиш “Риёз уд давла” асарида Қўқон ҳақида шундай ёзади: “Қўқон ҳокими Муҳаммад Алихон зинокорлик ва жалаббозлик, шаробхўрликга шуру этди. Ложарам, аркон давлат бундан норозилиги

кучайиб Бухорога чопар юбориб келсун юртни топширумиз деб хат юборди. Амир Насрулло Қўқон устига келиб талон-тарож қилиб хон ва хон қариндошларини қиргин қилади [12-156]. Қатл қилинганлар орасида хоннинг онаси ўзбек халқининг унутилмас шоираси Махларойим (Нодирабегим) ҳам бор эди. Амир Насрулло Иброҳимни ноиб қилиб тайинлаб Бухорога қайтади. Хўқанд халқи бухорийларнинг тайзикага тоқат қила олмай бир ойдин сўнг иттифоқ била ҳужум қилиб борча мулозим ва лашкарияси билан тутиб қатлга еткурдилар. Хўқанд халқи Муҳаммад Алихон ақробосидин Шералихонниким хон кўтардилар. Бу воқеани эшитиб амир Насрулло қўшини билан Хўқанд тарафига юз қўйди. Ҳазрати соҳибқирон (Оллоқулихон) Хўқанд улусининг имдоди ва ўз адоватининг изҳори учун Бухоро юриши иродасига қарши Бухоро томон ўз қўшини била шитоб кўргузубдурур. Оллоқулихон фурсатдан фойдаланиб қасос ниятида катта лашкар билан Омуйа дарёсидан ўтиб Бухоро томон юзланади. Оллоқулихоннинг бу юришига сабаб Амир Насруллонинг Қўқонга биринчи юришидан кейин Амир Насрулло Марвга одамларини юбориб соруқ ва солур туркман уруғларини Хивага қарши кўтармоқчи бўлганлигига жавоби эди. Оллоқулихоннинг Бухорога юриши пайтида Қўқоннинг янги хони Шералихондан Қаробош додхоҳ бошлиқ элчилар хоннинг ҳузурига ташриф буюрадилар. Бу пайтда Оллоқулихон Судук тўқайини қароргоҳ қилган эди. Элчиларга ҳурмат юзасидан Хивага жўнатади ва 17 декабрда (зулкада ойининг 14 да) Қўқон элчиси Қаробош додхоҳга Бобобекни элчи қилиб қўшиб Қўқонга юборади. Кейинчалик Қўқондан Яхшимуродбек элчи бўлиб келади.

Хива хонлигида Раҳимқулихон салтанати (1843–1846) даврига келиб Қўқон – Хива муносабатлари янада кучаяди. Бу давр Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги элчилик муносабатларининг ривожланишида Қаробош додхоҳ деган мансабдорнинг роли катта бўлганлигига манбалар гувоҳлик беради. Бунга Раҳимқулихон салтанати тарихига бағишлаб Огоҳий томонидан яратилган “Зубдату-т-таворих” асаридан қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: “Ул ҳазрат ҳамул кун ...Садвар отлиғ манзилга ворид бўлуб, муаскар қилди. Сешанба куни андин нахзат қилиб, Судук тўғойига тушти. Ҳамул кун Хўқанд вилоятининг хокими Шералихондин Қаробош додхоҳ отлиғ бир муаззаз ва мўътабар кишиси элчи бўлиб келиб, анинг ихлосномасин остони олий мулозимларининг назари анвари мутоласиға еткурди ва карами султоний анинг аҳволиға шомил бўлуб, осойиш таҳсили учун Хивага йиборди”. Айни асардан бошқа бир мисол: “Алар келмасдин бурунроқ, зулкада ойининг ўн тўртида чаҳоршанба куни ул ҳазрат Хўқанд элчиси Қаробош додхоҳга Бобобекни элчилик йўсуни била қўшуб, муҳаббатнома била Хўқанд вилоятига ирсол қилди”. Яна шу тарихий асардан иккита мисол: “Алар келмасдин ўн кун бурун, мазкур ойининг ўн олтисида Хўқанднинг сўнгги элчисига Яхшимуродбекни элчи қилиб қўшуб йиборди”. “Рамазону-л-муборак ойининг олтисида, чаҳоршанба куни Хўқанд элчиси Қаробош додхоҳга остони олийшон мулозимларидин Юсуфбекни элчи йўсунилик қўшуб, Хўқанд вилоятига ирсол қилди” [9-137-149]. Яъни бу ва бошқа элчилик фаолиятлари ҳақидаги маълумотлар, хонлар саройидаги ва қўшни давлатлар билан муносабатлардаги ўзгаришлар, янги бир иморат қурилганлиги, фарзанд туғилганлиги ҳақидаги каби янгиликларни икки давлат раҳбарлари бир – бирларига маълум қилиб туришган.

Бу йилларда Амир Насрулло томонидан ҳарбий соҳада бир мунча ўзгаришлар қилиниб мунтазам сарбозлар қўшини ва тўпчилар бўлинмаларини анча такомиллаштирган эди. Қўқон хони учун бундай душманга қарши туриш учун бирор иттифоқдош зарур эди. Шу сабабли ҳам Оллоқулихон ва Шералихон ўртасида бир неча бор элчилик алмашинувлари амалга оширилган эди. Кейинги хон Муҳаммад Аминхон (1846-1854) даврида ҳам Қўқон хонлиги билан элчилик алоқалари анчайин кенг тус олди. Хусусан, 1846 йил 9 май (жумадулаввал ойининг 13 да) Муҳаммад Аминхон ўз мулозимларидан Абдулҳакимни Қўқонга ҳамжиҳатлик изҳори учун, яъни мураккаб вазиятлар туғилганда бир-биридан ёрдамни аямаслик мазмунидаги элчиларни Қўқонга жўнатади. 1846 йил 5 ноябрь (Зулкада ойининг 15 да) эса Қўқон хонидан Муҳаммадқаримбий исмли киши элчи бўлиб келади. Хива хони унга ҳурмат кўрсатиб (зулҳижжа ойининг ғуррасида) унга Раҳматуллобой Қоракўзни ҳамроҳ қилиб Қўқон диёрига юборади. Декабрь ойининг бошида Муҳаммад Аминхон яна Юсуфбек бошчилигида Қўқон хони ҳузурига элчи қилиб жўнатади. Қўқон хони ҳам элчига ҳурмат эътибор кўрсатиб унга Баҳодир додхоҳ бошчилигидаги элчиларни ҳамроҳ қилиб юборади. Бу пайтда Муҳаммад Аминхон Қўнғиротдаги ўзбошимча беклар билан овора эди. Бу каби элчилик алмашинувлари “Жоме ул воқеати султоний” асарида кўплаб келтириб ўтилган. Жумладан, (раби ул аввал ойининг 13 да) Хива хони ўз бекларидан Отабекни муҳаббатнома билан элчи қилиб, Қўқонга юборади. 1267 йил/1851 йилда Хива хони мулозимларидан Отаниёзбекни Қўқондан келган

Бекмуҳаммадбийга ҳамроҳ қилиб жўнатган эди. Яна Огаҳий “Жоме ул воқеати султоний” асарининг “Ҳазрати султон Гитистоннинг жулуси ҳумоюннинг олтинчи йилининг воқеоти” номли бобида шундай ёзади: “Ул жумладин улким, Хўқанд вилояти волийсининг элчиси Бекмуҳаммадбийким остонбўслиғ шарафиға ихтисос топмиш эрди, андоғким юқорида мазкур бўлди, анга амри олий мужиби била сиперхмартаба ходимларидин Раҳматулло Қорақўзни элчилик тариқаси бирла масхуб бўлиб, сана минг икки юз олтмиш еттида, муҳаррам ойининг авойилида мурожати рухсати берилди”. Ўша йили зулкада ойининг 15 да/1851 йил 11 сентябрда ҳам Эронга, ҳам Қўқонга элчи юборади [13-17-63].

Булардан ташқари, Огаҳий Қўқон хонлигининг Худоёрхон давридаги мураккаб сиёсий вазияти ҳақида ҳам тўхталиб шундай ёзади: “Яна улким, неча йилдин бери Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхоннинг баъзи умаро ва аҳолиси Худоёрхоннинг илқидан ҳукумат ихтиёрин олиб ҳар бири ўз ройича ҳукмронлиғ суруб, атроф-у жавонибга зулму таадди узотиб, ҳамул вилоятга кўп футур ва вайронлиғ еткурмиш эрдилар. Худоёрхонда маҳзи хонлиғ отидин ўзга нарса йўқ эрди. Ушбу йил Худоёрхон бахт-у иқбол бозусининг қуввати била сиёсат тигин суруб, борча фасад ва инод аҳлиға камоянбоғли гўшмол бериб жазосиға еткурди ва мамлакатнинг ихтиёри зимомин иқтидори нақтига олиб, истиқбол тариқаси била ҳукмронлиғ маснадида ўлтурди. Бу беҳжатасар хабарнинг эъломи учун ўз давлатхоҳларидан бир мўтабар кишини элчи қилиб тухфа ва ҳадялар билан ирсол қилди. Ҳамул элчи мазкур ойнинг 14 да сешанба куни дорилхилофан Хивақга ворид бўлуб, остонбўслиқ шарафиға етди”. Чунончи, 1269 йил/1853 йил Қўқон хони Худоёрхон юборган элчиларга Хива хони амалдорларидан Шукрулло оқани Қўқон томон юборади. Хивадан Қўқонга юборилган ушбу элчилар Отаниёзбек ва Шукрулло оқалар анча пайт Қўқонда ушланиб қоладилар. Бунга сабаб, Чор Россияси томонидан Оқмасжид қалъасини босиб олиш пайига тушгани эди. Яъни элчилар хавфсизлик нуқтаи назаридан кетишга рухсат берилмаётган эди. Худоёрхон Оқмасжид мудофааси учун кўшин юборади. Шундан кейингина Хива элчиларига Муҳаммадкарим баҳодирбошини кўшиб Хивага қайтишга рухсат беради. Бу элчиликка жавобан 1272/1855 йил Хива хони Қўқонга Қубодхожани юборади. Бу пайда хон сорик ва солур, тақя уруғларининг ўзбошимчалигини бартараф этиш билан машғул эди.

Саййид Абдуллоҳон даврида ҳам Қўқон хонлиги билан элчилик алоқалари давом этди. Ҳукмронлигининг дастлабки йилидан, яъни 1855 йилда Қўқондан Ўринхўжа Мирсаид бошчилигидаги элчилар ташриф буюришади. Хусусан, хон Қўнғирот бекзодаларидан Отаниёзбекни Хўқандга юборган эди. Ва у Қулмуҳаммадбий исмли Қўқон элчиси билан қайтиб келган эди [13-119].

Кейинги хон Саййид Муҳаммадхон даврида ички зиддиятлар, бошбошдоқликлар тус олди. Аммо шундай бўлса-да кўшни давлатлар билан элчилик алоқаларига салбий таъсир кўрсатмади. Сана 1274 йил/1858 йил Хўқанд хони Худоёрхон ва Бухоро амири Насруллодан элчилар келади. Уларнинг ҳар бирига ҳурмат эҳтиром кўрсатилиб, ражаб ойининг 26 сида/12 март Қўқон элчиси Муҳаммадраҳим эшоғасиға қароқалпоқ бийларидан манғит уруғининг катталаридан Соҳибназарбийни Қўқонга жўнатади. Ўша йили шабон ойининг 14 да/30 март Бухоро элчиси Довудхўжа мирохурбошига Хўжаэлилик Мададуллохўжа бийни Бухорога ирсол қилади.

Огаҳий ўз асарида Қўқон хонлигида тож-у тахт учун мажоролар, Худоёрхоннинг ўзга юртларда саргардон бўлиб юриши ва ҳоказолар ҳақида “Жоме ул воқеати султоний” асарида қуйидагича ёзган эди: “Ул жумладин, Соҳибназарбийким, бурунрок Хўқанд элчилигиға маъмур бўлиб Худоёрхоннинг олдига бормуш эрди, Худоёрхоннинг иниси Муҳаммадёр Хўқанд вилоятиға хон бўлуб, онинг қўшғон элчиси Мирзо Абдулваҳҳоб панжохбоши билан шу йили (жумодуссони ойининг 4 да) келиб остон бўслиқ давлатиға фойиз бўлди. Бу ижмол тафсили улким, Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхон неча муддатдин айш-у ишратга берилиб ётур эрдиОхир жамаи умаро ва раоё ниҳоятсиз танги малул бўлуб, иттифоқ била Муҳаммадёрхонни салтанат тахтиға кўтариб эди. Худоёрхон азл этиб юртдан чиқориб юборилди. Ул Бухорога бориб амир Насруллонинг давлати соясин ўзига паноҳ қилди....Муҳаммадёрхон ўз умаросидин Абдулваҳҳоб панжохбошини элчи қилиб, подшоҳона тухфалар била ихлоснома топшуруб, Соҳибназарга ҳамроҳ қилиб юборди”.

1274 йил шабон ойининг 4 да/1858 йили 21 март Хўқанддан келган элчи Мирзо Абдулваҳҳоб панжохбошиға Хива хони мулозимларидан қароқалпоқларнинг ўн тўрт уруғининг катталаридан Эрназарбийни шоҳона тухфалар билан Қўқон хони Муҳаммадёрхон ҳузурига юборади. Ўз навбатида Қўқон хони Муҳаммадёр ҳам Тошмуҳаммадбийни Хивага жўнатган эди.

Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) Хива хонлигиға ҳукмронлик қилган даврда ҳам бу хонлик ва Қўқон хонлиги ўртасида элчилик муносабатлари мавжуд эди. Айни муносабатлар Хива хонлиги

Россия томонидан босиб олинишидан (1873 йил) аввалги даврга тўғри келиб, улар Огаҳийнинг “Шоҳиду-л-икбол” сўнги ва ягона нусхада етиб келган асарида акс этган.

“Шоҳиду-л-икбол”да Хива хонлигидан Бухоро ва Қўқон хонлигига борган ва бу мамлакатлардан Хивага келган элчилар номлари ҳамда элчилик муносабатларига доир фактлар келтирилган. 1281 йил 2 жумадул ҳафта сони /1864 йил 3 октябрь воқеалари ўрнида шундай маълумот мавжуд: “Хўқанд вилоятининг элчиси келиб, ўрус лашкари Туркистон қалъасини ғалаба билан олган хабарин келтуруб кўмак тилади...” [10-47]. “Шоҳиду-л-икбол” асарида яна кўплаб бундай мисолларни топиш мумкин. Жумладан, Хоразмдан Қўқонга борган Дўст Ниёз маҳрамнинг элчилик фаолияти ҳақида ҳам ёзилиб, бунда хон саройида ва кўшни давлатлар билан муносабатлардаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни икки давлат раҳбарлари бир – бирларига маълум қилиб туришган. Бундан кўриниб турибдики, Қўқон ва Хива хонликлари орасида дўстлик ва кўшничлик муносабатлари яхши йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрда Хива ва Қўқон хонликлари орасида дипломатик алоқалар вужудга келади ҳамда мавжуд сиёсий вазиятларга мос равишда ривожланиб боради. Хивага Қўқон хонлиги томонидан элчиларнинг бир неча марта келганлиги баёни айтиш муносабатларда Қўқон хонлиги фаол бўлганлигини кўрсатади. Маҳаллий тарихчилар асарлари Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги элчилик алоқаларини ўрганишда бирламчи ва ишонarli манба бўлса ҳам мазкур икки хонлик ўртасидаги дипломатик алоқаларни архив ҳужжатлари ҳамда бошқа манбалардан излаб топиб, қиёсий таққослаб таҳлил қилиш масаланинг янги қирраларини очишга ёрдам бериши билан тарихчилар олдидаги галдаги вазибалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳонномаи. // Шарк юлдузи. 1991. - № 8. – Б. 124-125.
2. Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010. Кюгельген А.ф.
3. Бейсембиев Т.К. Кокандская историография: исследования по источниковедению Средней Азии XVIII – XIX веков. Алматы, 2009.
4. Beisembiev T.K. Annotated indices to the Khoqand Chronicles. Research Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa. Tokyo University of foreign studies. Studia Culturae Islamica. No 91. ILCAA, 2008.
5. Воҳидов Ш.Х. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тошкент, 2010.
6. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). Алматы, 2004.
7. Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 86.
8. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул- иқбол (Бахту саодат жаннати). Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
9. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих: тарихлар сараси. Тошкент: Ўзбекистон, 2009, 137-бет.
10. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-икбол (Иқбол шаҳодати). Нашрга тайёрловчи Н.Шодмонов. Тошкент: Муҳаррир, 2009, 47-бет.
11. Муҳаммад Хақимтўра. Мунтахаб ут таворих. Тошкент: Янги аср авлоди. 2008. – Б.175-176.
12. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давлат, V жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1978. – Б.156
13. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Жоме ул-воқеати султоний, VI жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1980. – Б.9.
14. Shīr Muḥammad Mīrab Munis and Muhammad Riza Mīrab Agahī. Firdaws al-iqbal. History of Khwarazm. Y.Bregel (ed.). Leiden-New York-Kobenhaven-Köln, 1988.
15. Firdaws al-iqbal. History of Khwarazm by Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahī. Transl. from Chaghatay and Annotated by Y.Bregel. Leiden-Boston- Köln, 1999.
16. Ўзбек дипломатияси тарихидан. –Тошкент: 2003. –Б. 338.
17. Қўшчинов А. ва Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). Тошкент: Абу – Матбуот Кансалть, 2007.
18. Худойберганов К. Хива хонлари тарихидан. –Урганч, 2008.

ЎУК: 94(575.1)

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ИЛК МАНБАЛАРИ (ҚАДИМГИ ТОШ ДАВРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Қ.Собиров, т.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч
Қ. Бобохонов, магистр, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация: Мақолада Турон диёридаги Ўзбек халқи давлатчилиги тарихини ўрганишда муҳим бўлган манбаларнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Қадимги ва Ўрта тош даври ёдгорликларида олиб

борилган археологик тадқиқотлар натижасида олинган моддий ашёларнинг ўрганилиши даражаси қараб чиқилади.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё А.П.Окладников, М.Жўрақулов, М.В.Воеводский, Д.Н.Лев, Омонқўтон, Такалिसой, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Қопчиғой, Селенгур, Обирахмат.

Аннотация: В статье анализируется важность источников в изучении истории узбекского народного государства в Туране. Рассматривается степень изучения материала, найденного в археологических памятниках древних и средневековых периодов.

Ключевые слова: Средняя Азия, А.П.Окладников, М.Жоракулов, М.В.Воеводский, Д.Н.Лев, Омонкотан, Такалисой, Котирбулоқ, Зирабулоқ, Қопчиғой, Селенгур, Обирахмат.

Abstract: The article analyzes the importance of sources in the study of the history of the Uzbek people's state in Turan. The level of study of the tangible objects, which were obtained from the archeological researches carried out in the ancient and medieval monuments of ancient times, were looked through.

Key words: Central Asia, A.P.Okladnikov, M.Jo'raqulov, M.V.Voyevodskiy, D.N.Lev, Omonqo'ton, Takaliso, Qo'tirbuluq, Zirabuloq, Qopchig'oy, Selengur, Obiraxmat.

Ўрта Осиё тарихий-географик вилоятларида марказ илмий муассасалари ҳамда маҳаллий илмий марказлар томонидан ташкил этилган турли экспедиция ва археологик гуруҳлар ходимларининг аҳоли турар-жойларида кенг қамровли тарзда олиб борган археологик изланишлар натижалари тахлилига асосланган монография, илмий-оммабоп асарлар, мақолалар мазмунини ташкил қилган тарихий маълумотлар Ўрта Осиё давлатчилигининг илк тарихини ёритишда қадимги тош даврига мансуб ибтидоий одамлар маконларидан олинган моддий ашёлар манба бўлиб хизмат қилади. Ўрта Осиё минтақаларида илк овчилар ва термачилар маконларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида олинган манбаларни қуйидаги тарихий даврларга ажратиш мумкин:

1. Тарихий давр XX аср 30 йиллар охири-1941 йиллар.
2. Тарихий давр 1945-1980 йиллар.

Тарихий маълумотларга кўра, XX асрнинг 30 йиллар охирида А.П. Окладников рахбарлигидаги археология гуруҳи Сурхондарё вилояти Бойсун тоғидаги Тешиктош ғор-макони маданий қатламидан тошдан ишланган 3 мингдан ортиқ меҳнат қуроллари ва антропологик ашёларни олишга муяссар бўлган [1].

Мазкур моддий ашёлар Ўзбекистон ҳудудида ўрта тош даврида одамзоднинг меҳнат фаолияти, турар-жойлари тузилиши ва этник жараёни ёрқин намоён қилганлиги билан ноёб манба ҳисобланади.

1940 йили М.В. Воеводский, В.В. Шумовлар Сиёбча сойи ўнг соҳилидаги маконда қазишмалар олиб бориши муносабати билан ёввойи от суяклари билан ўраб олинган гулхан қолдиғи, бир қатор меҳнат қуроллари, тош учриндиларининг тахлилига асосланиб ўрта тош даврига оидлиги тўғрисида хулосага келганлар [2].

Иккинчи тарихий даврда Ўрта Осиёнинг тарихий-географик ҳудудларида археологик экспедиция ва археологик гуруҳларнинг ибтидоий одамларнинг яшаш макони бўлган турар-жойларда археологик қазишма ишлари илк суратда олиб борилиши кузатилади. Тарихий маълумотларни назарий-қиёсий жихатидан тахлилига кўра, қадимги тош даврига оид маконларни археологик жихатдан ўрганиш марказий Зарафшонда бошланган. Тадқиқотчи Д.Н. Левнинг Самарқанд шаҳрида ва вилоят ҳудудида олиб борган археологик изланишлари натижасида ўрта тош даври тарихини намоён қиладиган ашёлари олинганлиги аҳамият касб этади. XX асрнинг 40 йиллар охирида Д.Н. Лев рахбарлигидаги археологик гуруҳи тарихчи талабаларнинг археология фани юзасидан ўтказилган дала амалиёти даврида Ургут тоғининг Тахтақарача давонида жойлашган Омонқўтон ғор-маконида қазишма ишлари олиб бориши натижасида унинг маданий қатламидан найза тиғлари, қирғичлар, тишли парахалар, ўзанлар ҳамда хайвонот дунёси қолдиқларини олганлар [3].

Шу билан бирга, тадқиқотчи томонидан Омонқўтон ғор-маконига яқин ҳудудда жойлашган Такалिसой ғор-маконида қазишма ишлари олиб борилиши муносабати билан ўрта тош даври тарихини ёритадиган пичоқсимон паркалар олинган. Ғор-макон Тешиктош доирасига кирганлиги тўғрисида хулоса қилинган [4].

Тадқиқотчилар А.Асқаров, Н.Тошкенбаевлар Зарафшон тизма тоғи шимоли-шарқий қисмидан баландликда ибтидоий термачи одамларнинг Гўрдара ғор-маконида олиб борган қазишма натижасида

ўзаклар, ишлов берилган парақа, турли шаклдаги учриндилар олинган бўлиб, ғор-макон ўрта тош даврига оидлиги аниқланган [5].

Таъкидлаш лозимки, марказий Зарафшонда тадқиқотчилар томонидан ғор-маконлар билан бир қаторда булоқ атрофларида ибтидоий одамларнинг манзилгоҳларини ҳам археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари бошланган. Очiq шаклда Қўтирбулоқ, Зирабулоқ маконлари бўлган. Қўтирбулоқ воҳаси Чархик қишлоғи худудидаги чашма соҳили этагида жойлашган. Археологик изланишлар натижаларига кўра, макон 5 та маданий қатламдан иборат бўлиб, тош қуролларининг такомиллашган намуналари топилган. Шу билан бирга, фил, от, буқа, кулон, бухоро буғиси ҳамда гулхан ва ўчоқ излари ўрганилган [6].

Тарихий маълумотларга кўра, Қўтирбулоқ макони яқинида жойлашган Зирабулоқ чашмаси атрофида қазилма ишлари олиб борилиши натижасида найза тиглари, пичоқсимон параклар, рандалар, пичоқсимон қуроллар олинган [7].

Д.Н.Лев, М.Ж.Журакулов тадқиқотлари натижаларига кўра, Самарқанд макони 3 маданий қатламдан иборат бўлиб, ундан қўл болталари, қирғич ва рандалар, найза учлари, пичоқсимон қуроллар, ушатгичлар, сандонлар, кесгич асбоблар топилган [8].

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Самарқанд шаҳри сиёб ариғи яқинида сўнгги тош даврига оид маконни маданий қатламида тошдан ясалган меҳнат қуроллари олинган [9].

Туркистон тоғ тизмаси ғарбий этагида жойлашган Килдон қишлоғининг Хўжаманзил булоқ-чашмаси атрофидаги маконда қазилма ишлари олиб борилиши муносабати билан 200 дан зиёд меҳнат қуроллари, яъни тош ўзаклар, қирғичлар, рандалар, пичоқсимон қуроллар ҳамда гулхан излари қолдиқлари сақланиб қолганлиги аниқланган [10].

Ватанимиз мустақиллиги йилларида М.Журакулов раҳбарлигидаги археология экспедицияси Қоратепа тоғи ёнбағирларида дала амалиёти олиб бориши натижасида рўйхатга олинган очиқ-типтаги Олмабулоқ атамасидаги маконда қазилма ишларини олиб борди, натижада олинган меҳнат қуроллари қўл чопқиси, найза тиғи, ишлов берилган тош учирмалар, ўзакларнинг илмий тахлили сўнгги тош даврига оид эканлигини исботлаган [11].

Тарихий маълумотларга кўра, Фарғона водийсида қадимги тош даврига оид ёдгорликларни археологик жиҳатидан рўйхатга олиш ва уларда қазилма ишлари XX асрнинг 50 йиллардан бошланган. П.Т. Конопля, А.П. Окладниковлар томонидан Фарғона водийсида дастлаб қадимги тош даврига оид тошдан ишланган меҳнат қуролларини топишга муяссар бўлганлар [12].

Шунингдек, Қапчиғой маконида қазилма ишлари олиб борилиши натижасида тош даври меҳнат қуроллари устахонаси борлиги аниқланган [13].

1964 йилда Я.Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги археология гуруҳи Хайдаркон қишлоғи ғарбий томонида Селенгур ғор-маконини рўйхатга олиб, унда қисман қазилма ишлари олиб борилиб, олинган тош ашёлари ўрта тош даврига оидлиги тўғрисида хулосага келинган [14].

XX асрнинг 1980-88 йилларда У.Исмаиловнинг Селенгур ғор-маконини олиб борган қазилма ишлари натижалари жаҳоншумул тарихий воқеага эга бўлди. Ғор-макон маданий қатламларида қўл чопқиси, тўқмоқ болталар, пичоқсимон қуроллар топилган. Шу билан бирга 32 турида сут эмизувчи хайвонларга оид 5 мингдан зиёд суяк қолдиқлари аниқланган. Шу билан бирга инсон суяклари, яъни одам бош суяги энгак қисми бир бўлаги, елка суягининг бир қисми ва 10 та тиш қолдиғи олинган [15].

XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб Тошкент водийсида илк ва ўрта тош даврига оид ибтидоий овчиларнинг маконларида қазилма ишлари бошланган. Тарихий маълумотларга кўра, М.Р.Қосимов Охангарон водийсидан Кулбулоқ чашмаси соҳили этагидаги маконда археологик тадқиқотларни олиб бориб, унинг маданий қатламинан илк тош даври тарихини ёритадиган манбаларни топишга муяссар бўлган [16].

Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидаги археология гуруҳи ходимлари Бўстонлик тумани худудида жойлашган Обирахмат ғор-маконини қазилма ишларини олиб бориб, ўрта тош даврига оид манбаларни олган [17]. Шу билан бирга, А.Сагдуллаев хулосасига кўра, Бухоро вилоятида Ургут, Ижонд маконларида илк тош даврига оид манбалар, Бўзсув, Туябўғиз, хўжағор маконларидан сўнгги тош даври тарихини ёритадиган манбалар топилган [18].

Т.Мирсоатовнинг Учтут маконида олиб борган археологик изланишлар натижаларидан маълум бўлди-ки, макон илк ўрта ва сўнгги тош даврида устахона вазифасини бажарган [19].

XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб, Қорақалпоғистон Республика худудидаги Устюрт чинки шимоли-ғарбий ва жануби-шарқий худудларида ўрта тош даврига оид аҳоли маконларида қазилма

ишлари олиб борилган. Тарихий маълумотларга кўра, Устюрт чинки худудида Есен ва Шахпахта атрофларида ўрта тош даври ибтидоий овчиларнинг кундалик тарихини ёритадиган манбалар олинган [20]. Хоразм экспедицияси ходимларининг Султон Увайс тоғи этакларида олиб борган археологик дала амалиёти даврида рўйхатга олинган Бурли-3 маконида қазилма ишлари натижасида сўнгги тош даврига оид меҳнат қуролларини олишга муяссар бўлганлар [21].

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган тарихий маълумотлар мазмунидан келиб чиқиб қуйидаги яқуний хулосага келиш мумкин. Тарихий маълумотлардан маълум бўлди-ки, Фарғона, Тошкент ва Зарафшон воҳаси ғарбий қисмида ҳамда Устюрт чинкининг жанубий-шарқий худудидаги ибтидоий овчилар маконларидан олинган манбалар ўзбек халқи давлатчилиги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Окладников А.П. Неандертальский человек и следы его культуры в Средней Азии//СА, №VI? 1940 с 5-18.
2. Воеводский М.В. Обзор полевых археологических исследований в 1939 г. // ВДИ №2, М. Наука, 1942
3. Лев Д.Н. Древний палеолит в Аманкутане. // Исследования 1953-1954 гг/ труды УзГУ Вип, Самарканд 1956.
4. Лев Д.Н. Палеолит Самаркандской области и его специфические особенности. // Труды СамГУ Вып. 166. Самарканд, 1967.
5. Ташкенбаев Н., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшан. Ташкент, «Фан», 1980, с 66-67.
6. Тошкенбоев Н., Сулейманов Р.Х. Кўр-асар. С. 18-20.
7. Тошкенбаев Н., Сулейманов Р.Х. Кўр-асар. С. 61-66.
8. Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде / Исследование 1958-1959 гг. Труды СамГУ, Вып 135, Самарканд, 1964. С. 33-36
9. Аскарлов А., Тошкенбаев Н. Древнейшее прошлое Самарканда // Ону. №9 1970 с 80-82.
10. Тошкенбаев Н., Сулейманов Р.Х. Кўр-асар. С. 76-86.
11. Журақулов М.Ж. Самарқанд воҳасининг ибтидоий маданият тарихи саҳифаси. / Ўзбекистон археологияси. Самарқанд, 2011 №1 (2). Б. 15.
12. Окладников А.П. Ленов Н.И. Первые находки каменного века в Фергане // КСИА, Вып 86 1961. С. 36-72.
13. Окладников А.П., М.Р. Касымов, П.Т. Конопля Капчигайская палеолитическая мастерская // Имку, Вып-5, 1964 с. 5-11.
14. Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // Имку №7, Т-Фан, 1966. С. 28-29. Рис 1.
15. Исмаилов У. Фарғонанинг ибтидоий тарихи. // Анорбаев А, Исмаилов У, Матбабаев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона Т. Фан. 2001. Б. 36-42.
16. Касимов М.Р. Многослойная палеолитическая стоянка Кульбулак в Узбекистане. МИА, 185 1972.
17. Сулайманов Р.Х. Характер развития одной из локальных ветвей эволюции каменной индустрии// Имку, Вып-7, Т-Фан, 1966 с. 19-26
18. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи (ўқув қўлланма), Тошкент, “Университет” 2004, б. 11, б. 13.
19. Мирсоатов Т.М. Древние шахты Учтута. Ташкент, Фан, 1973.
20. Ягодин В.Н. Бижанов Е.Б. Археологические работы на Устюрте // Ао-1973 М. “Наука”, 1974 с. 493-494. Бижанов Е.Б., Юсупов Н, Хожаниязов Г. Работы Есен елою отряда на Устюрте / Ао-1978. М. «Наука», 1979. С 545. Он.же. Верхнепалеолитические местонахождения С Юго-Восточного Устюрта // Вестник ККСр. Ан УзССР №1, Нукус. 1980, с 58-64.
21. Виноградова Е.А. Первые палеолитические находки в Султануиздаге // Приаралье в древности и средневековье. М. 1998 с. 74-77.

ЎУК: 93/94

БУХОРО ХОНЛИГИ КАРВОНСАРОЙЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ж.Ю. Эргашев, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада Бухоро хонлигида мавжуд бўлган карвонсаройлар, уларнинг архитектураси, тузилиши, фаолияти, карвонсаройларда кўрсатилган хизматлар, унинг турлари, карвонсаройларда хавфсизлик тизими, соҳаларга кўра ихтисослашуви билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Карвонсарой, йўлакчи-секцияли карвонсарой, ички ҳовли, ҳужра, ижара ҳаққи, қудуқ, сардоба, савдо фаолияти, кўтара савдо, карвонсарой қурилиш тарҳи, қурилиш материаллари.

Аннотация: В статье анализируются процессы связанные с караван-сараями Бухарского ханства, их архитектурой, структурой, деятельностью, видами предоставляемых услуг, системой безопасности и специализацией по сферам.

Ключевые слова: караван-сарай, караван сарай с проходом-секцией, внутренний двор, келья, арендная плата, колодец, сардоба, торговая деятельность, оптовая торговля, эскиз строительства караван-сарая, строительные материалы.

Abstract. The article analyzes the processes associated with the caravanserais of the Bukhara khanate, their architecture, structure, activities, types of services provided, security system and specialization according to the sphere of activity.

Keywords: caravanserai, caravanserai with aisle-section, inner courtyard, room, rental payment, well, sardoba, trading activity, wholesale trade, sketch of the construction of a caravanserai, building materials.

Ўрта асрларда савдо тизимининг ривожланиши давлатлар иқтисодий кудратининг асосини ташкил этарди. Карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш, солиқ-божхона тизими ислохотлари, коммуникация тартибларининг изга солиниши иқтисодий тараққиётнинг асосий омиллари бўлиб ҳисобланар эди. Айни чоғда йўлбўйи иншоотлари, шу жумладан, карвонсаройлар тизимини шакллантиришни рағбатлантириш ҳукмдорлар олдидаги энг муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланган.

Қадимги даврлардаёқ ташкил этила бошланган карвонсаройларнинг кенг миқёсда қурилиш жараёни ўрта асрларда жадал тус олади. Хусусан, IX-X асрлардаги работларнинг меъморий тузилишидан келиб чиқсак, улар мустақамланган ва кўриқланадиган карвонсаройлар вазифасини бажаришга хизмат қилганлигини кўришимиз мумкин [23:90]. Аммо, XII асрга келиб улар ўзларининг ҳарбий истехком сифатидаги аҳамиятини йўқотади [1:54]. Лекин уларнинг қурилиши ўрта асрлар давомида тўхтаб қолмади. Кейинги даврларда Мовароуннахрнинг ҳар бир қишлоғи аҳолиси йирик шаҳарларда работлар қурган бўлиб, тарихий адабиётларда бу ҳақда етарлича маълумотлар ёритилган. Жумладан, турли муаллифлар томонидан Сомонийлар давлатида Мовароуннахрда 10 мингдан ортиқ работ, карвонсарой ва кўналғалар фаолият кўрсатганлиги [2:304], қорахонийлар даврида кўплаб работлар барпо этилганлиги [3:168-169], Чиғатоёв улусида йўл бўйларида барпо этилган махсус бекат-ёмлар фаолияти [4:170-174], Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар ва бошқа сулолалар даврида барпо этилган кўплаб йўлбўйи иншоотлари тавсифланиб, алоҳида эътироф этилган.

Ушбу мақолада биз Бухоро хонлиги мавжуд бўлиб турган даврда карвонсаройлар, уларнинг тузилиш архитектураси, вазифаси, хавфсизлик ва божхона сифатидаги аҳамияти билан боғлиқ масалаларни ёритишга ҳаракат қиламиз. Бухоро хонлиги мавжуд бўлиб турган даврда сақланиб қолган карвонсаройлар, тарихий манба ва адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш ва қиёсий ўрганиш орқали ўша давр савдо муносабатларига оид илмий хулосаларга келиш мумкин.

Темурийлар даврида доимий равишда ташкил этилиб борилган карвонсаройлар қуриш иши шайбоний ҳукмдорлар томонидан ҳам давом эттирилган. Масалан, XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб шайбоний Абдуллахон II (1558-1598) томонидан бир қанча янги бинолар, мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар, ҳаммом, ёпиқ савдо иншоотлари (бозор), сардоба ва бошқа бинолар қад кўтаради, хонликнинг муҳим иқтисодий ҳудудлари жанубий қисмини пойтахт билан боғловчи қадимий савдо йўли марказида бўлган Қашқадарё устига кўприк ҳам қурилади [5:48].

Карвон йўллари ва умуман савдо-сотикнинг муҳим элементларидан бўлган карвонсаройларнинг тузилишини ўрганиш, халқимизнинг бой меъморчилик тарихини ўрганишга ҳам катта ҳисса қўшади. Карвонсаройлар, одатда, йирик шаҳарларда, муҳим карвон йўллари бўйида барпо этилган бўлиб, улар тузилишига, ҳажмига ва айрим ҳолларда бажарадиган функциясига кўра ҳам бир-биридан фарқланади. Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар маълумотларини таҳлил қилиб, айрим карвонсаройлар тузилиши ҳақида маълум хулосаларга келиш мумкин. Ўрта аср карвонсаройлари тузилиши ҳақида Пойкентдаги работ ҳамда Бухоро-Қарши савдо йўлида жойлашган Қоровулбозордаги карвонсарой ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб ҳам муҳим хулосага келиш мумкин. Ёзма манбалардаги маълумотлардан маълумки, Бухоро ва Қарши шаҳарларини боғловчи савдо йўли Қоровулбозор, Бузачи, Қақир, Хўжамуборак, Косон орқали ўтган. Бухородан Қаршига қараб йўлга чиққан карвонлар тўхтаб дам оладиган биринчи йирик макон Қоровулбозор бўлиб, бу ерда XVI асрнинг охирида Абдуллахон II томонидан катта карвонсарой қурилган. XIX асрга тегишли ёзма манбаларда бу карвонсаройни ҳашаматли саройга қиёслашган. Қоровулбозордаги карвонсарой томонлари узунлиги 100 метрга яқин бўлиб, унинг жанубий ва шимолий қисмида баландлиги 8 метрдан иборат катта дарвозалари бўлган ва XIX аср манбаларида, гарчи бу даврда у хароба аҳволга келиб қолган бўлса-да, маҳобатли саройга қиёсланган [9:649-654]. 1878-1879 йилларда Россия элчилик миссияси таркибида Бухоро ва Қарши орқали Афғонистонга борган

И.А.Яворский бу карвонсаройнинг отхонасида 300 тагача от-уловларни сақлаш мумкинлигини қайд этади [7:317]. Бу ердаги карвонсарой XX аср бошларида, аниқроғи, 1916 йилда бу ёдгорлик ТКЛА (Туркестанский кружок любителей археологии) аъзоси И.А.Кастанье томонидан махсус ўрганиб чиқилади. У бу карвонсаройнинг тўла тарҳини чизиб, тузилишини батафсил таърифлаб ўтади [10:31-32]. Бу тарҳга кўра, бу иншоот Ўрта Осиёда ўрта асрларда кўплаб бунёд этилган бир қаторли қилиб қурилган йўлак-секцияли карвонсаройлар туркумига кирган. Қиёс учун айтадиган бўлсак, Бухоро-Қарши йўлидаги Бўзачи работи ҳам тузилишига кўра секцияли иншоотлар туркумига мансуб бўлган [1:61-64].

Умуман олганда, ўрта асрларда карвон йўлларида ва савдо марказлари бўлган шаҳарларда бунёд этилган карвонсаройлар тузилиши бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар тўртбурчак шаклдаги ички ҳовлига (баъзи карвонсаройлар иккита ҳовлига) ва унинг атрофида жойлашган яшаш хоналарига эга бўлган. Карвонсаройлардаги ички ҳовли бўйлаб айвонлар ҳам қурилгани, йирик карвонсаройларда савдогарларнинг маҳсулотлари сақланадиган махсус хоналар ва ҳатто масжид ҳам бўлгани маълум [11:139]. Шу билан бирга карвонсаройлар тузилиши айрим ҳолларда бир-биридан биров фарқлигини, шаҳарлардаги карвонсаройлар ҳажми, меъморий безаклари ва бошқа хусусиятлари билан карвон йўллари бўйида қурилган карвонсаройлар ва работлардан фарқ қилганини ҳам айтиб ўтиш керак. Агар савдо йўллари бўйида қурилган карвонсаройлар ва работлар ичида уловлар учун мўлжалланган махсус отхоналар ҳам бўлган бўлса, йирик шаҳарларда асосий улов воситалари карвонсаройдан ташқарида, айрим ҳолларда ҳатто озодаликни сақлаш мақсадида, шаҳар ташқарисида жойлаштирилган.

Савдо-сотикнинг, иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бориши билан карвонсаройлар сони ҳам ошиб борган. Буни минтақадаги айрим шаҳарлар, масалан, Бухоро хонлигининг марказий шаҳри ҳамда Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Карвонсаройлар сонининг юқори салмоқли эканлиги савдо-сотик ривожига мос бўлгани ва карвонсаройларнинг савдо-сотик билан боғлиқ функциялари ҳақида хулосалар чиқаришга имкон беради. Минтақа шаҳарларидаги карвонсаройлар одатда уларни барпо эттирган шахс номи билан аталгани ёки улардан доимий фойдаланувчи савдогарларнинг қайси этник гуруҳга, шаҳарга ёки мамлакат вакили эканлигига қараб номлангани ҳам эътиборга лойиқ хусусиятлардан бири эди [12:65-67]. Баъзи ҳолларда уларда майда хунармандчилик устахоналари ҳам бўлган. Карвонсаройлар кенг кўламли фаолияти сабабли катта даромад манбаи ҳисобланган.

Карвонсаройлардаги хужраларда одатда 10 тадан 15 тагача йўловчилар яшаган [13:30]. Карвонсаройлардаги хужраларнинг ижара ҳақида оид маълумотлар манбаларда кам учрайди. Ўрта асрларга оид айрим маълумотлар эса, бу ҳақида фақатгина умумий хулоса чиқаришга имкон беради. Масалан, XIX аср бошларида Бухородаги карвонсаройларда 1 хонанинг 1 ойлик ижара ҳақи 16 рублни ташкил қилган [14:100]. Шу тариқа, карвонсаройлар нафақат савдо йўллари бўйида, балки савдо марказлари ҳисобланган шаҳарларда, йирик қишлоқлар ва қўрғонларда ҳам кўплаб барпо этилган. Ўзбекистон ва қўшни республикалар ҳудудида жойлашган ва бизнинг давримизгача сақланиб қолган йўлбўйи карвонсаройлари ва работлари асосан ўрта асрлар даврига оид бўлиб, улар одатда савдо карвонлари бир кунда босиб ўтадиган масофада, бир-биридан 5-6 фарсах узоқликда қурилган.

XVI асрда Бухоро хонлиги ташқи савдосининг ўсиб бориши билан доимий равишда карвонлар қатнайди ҳамда қатор карвонсаройлар тизимини ўзида бирлаштирган савдо йўллари ривожланди. Ушбу жараёнда эски йўлларнинг йўналишлари ўзгарган ва янги йўллар ҳам пайдо бўлган. Масалан, қадимдан Ўрта Осиёнинг икки муҳим иқтисодий-маданий марказлари бўлган Бухоро ва Хоразм воҳаларини Амударё қирғоқлари бўйлаб ўтувчи йўл орқали боғлаган йўналишда бир қанча муҳим кечувлар бўлган [15:20]. Хусусан, дарёнинг ўнг қирғоғидаги Кукертли карвонсаройидан дарёнинг чап қирғоғидаги Дарғон отага, Сартарош работидан эса Жигарбандга ўтиш мумкин бўлган [16:22-26].

Сўнги ўрта асрларда кенг фойдаланилган карвон йўлларининг яна бир йўналиши Бухородан шимолий-шарққа-Нуротага, у ердан тоғлар бўйлаб Сирдарё воҳаси ва Тошкентни ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғлаган. Бу йўл бўйлаб бир неча карвонсарой, работ ва қалъалар, уларнинг айримлари ёнида қудуқлар ёки сардобалар бўлгани аниқланган [17:137-145].

Бу даврда пойтахт Бухоро шаҳрини Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг йирик шаҳарлари билан боғловчи йўллар минтақадаги ички савдо йўллари тизимининг бош бўғинини ташкил этарди. Карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш соҳасида олиб борилган тадбирлар, кўплаб йўлбўйи иншоотлари (карвонсаройлар, сардобалар, кўприклар ва бошқалар) барпо этилиши, ички ва ташқи

савдони ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани Бухоро хонлиги ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан эди.

Бухородан Балхга ўтувчи карвон йўлининг биринчи қисмини Бухоро – Қарши йўналишини ташкил этиб, Қоровулбозор, Қўш сардоба, Бўзачи, Қақир, Хўжа Муборак, Косон орқали ўтган. Бу йўналишдаги биринчи йирик бекат Қоровулбозор бўлиб, бу ерда XVI асрнинг охирларида Абдуллахон II томонидан қурилган катта карвонсарой ва маҳаллий аҳоли Гумбаз деб атовчи сардоба мавжуд эди [18:26-27]. Кейинги бекатлар, XIX асрнинг 80 йилларида вайрон бўлиб кетган Қўш сардоба [18:28] ҳамда Қоровулбозордан 16 версть (чақирим) узоқликда жойлашган Бўзачидаги работ ва сардобадан иборат бўлган [7:30]. Манбаларда “Қақир” деб аталган кейинги бекатда ҳам работ ва сардоба мавжуд бўлган. Работ XVII асрда Бухоро хони саройида дастурхончи мансабини эгаллаб турган Зоқир бий исмли киши маблағига [7:312], сардоба эса кейинроқ, XIX асрнинг биринчи ярмида Амир Насрулло томонидан қурилганлиги тарихий адабиётларда қайд этилган [19:248].

Бухоро-Қарши йўли ўртасида жойлашган Хўжа Муборакда [20:87] карвонсарой ва кичик бозор мавжуд бўлиб, Бухородан келувчи карвон йўли шу ерда иккига ажралган. Йўлнинг асосий тармоғи Косон [21:157,136,197] орқали Қаршига олиб келган. Иккинчи йўналишда Бегичак сардоба ва Якка сардоба орқали Каспий кўрғонига борилиб, бу ердан Қаршига ёки тўғри Амударё кечувларига томон кетиш мумкин бўлган. Каспи яқинидаги сардоба зиёратчилар, маҳаллий аҳоли ва савдо карвонларини сув билан таъминлашда катта ўрин тутган.

Бу йўналишдаги кейинги бекат Усти очик сардоба, ҳозирги пайтда Таллимаржон сув омбори тагида қолиб кетган. Қарши-Керки йўлидаги энг йирик иншоот бўлган Сангир сувлоқ сардобаси Туркменистондаги эски Таллимаржон қишлоғининг жануби-шарқида жойлашган. Бу сардоба ҳақида А.Вамбери ҳам маълумот ёзиб қолдирган [13:190-191]. Сангир сувлоқ сардобасида Қаршидан келувчи йўл иккига ажралиб, биринчи йўналиш Қирққудук орқали [21:102] Керкига, иккинчиси Бутош сардобаси ва Йулғуноғиз орқали Келиф кечувига олиб борган [18:33].

Бухорони Хива хонлиги билан боғловчи савдо йўли Қорақўл ва Чоржўй орқали ўтарди. Бухоро-Чоржўй йўналишини юқорида кўриб ўтган эдик. Бухоро-Хива йўлининг иккинчи қисмини ташкил этган йўналиш, яъни Чоржўйдан Хоразм воҳасига ўтувчи қадимий карвон йўли тизими бу даврда анча издан чиққан эди. Сайди Али Раис ва унинг ҳамроҳлари Чоржўйдан Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб Ҳазораспга, бу ердан Хива орқали Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти Урганчга боришган. Турк адмиралининг сафар таассуротларини таҳлил қилсак, Амударёнинг чап қирғоғидаги ривожланган ўрта асрларга тегишли кўплаб работлар ва карвонсаройлар XVI асрда бутунлай харобага айланганини, йўловчилар дарё қирғоқларидаги тўқайзорларни макон қилган йўлбарслар хужумидан кўркиб дарёдан эркин сув олишга ҳам имкони бўлмаганлигини кўрамиз [22:103-104].

Минтақадаги қадимги даврда шаклланган алоқа-савдо йўлларидан фойдаланиш сўнгги ўрта асрларда ҳам давом этди. Мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият туфайли уларнинг айрим тармоқларидан фойдаланиш маълум вақт тўхтаб қолган ҳолатлар ҳам кузатилса-да, мазкур йўллар Ўрта Осиёдаги ўзбек хонлиқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келди. XVI-XIX асрларда карвон йўллари тизими фаолиятида бирмунча ўзгаришлар руй берди. Бу даврга хос хусусиятлар ичида, минтақанинг чўл ва дашт ҳудудлари орқали ўтган йўналишларида кўплаб йўлбўйи иншоотлари – работлар ва карвонсаройлар, сардобалар, қудуқлар, кўприклар барпо этилганини айтиб ўтиш мумкин. Иккинчи томондан, ўзбек хонлиқлари ўртасидаги сиёсий низолар, урушлар минтақа иқтисодиётига ва ўзаро иқтисодий муносабатларга, карвон йўллари фаолиятига салбий таъсир этиб турди. Шунга қарамадан, бу даврда маҳаллий ва минтақавий аҳамиятга эга йўллар тармоқлари кенгайиб, карвон йўлларининг янги йўналишлари пайдо бўлиб борди.

Ўрта Осиёда йўлбўйи иншоотларини барпо этиш карвон йўллари ривожига мос равишда пайдо бўлган ва ривожланиб борган. Уларнинг сони ва уларда хизмат кўрсатиш сифати карвон йўллари динамикасига хос хусусиятларни аниқлашда ҳам катта ўрин тутди. Бу йўлбўйи иншоотларини минтақа коммуникация тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида қарашга имкон беради. Карвон йўлларидаги савдо марказларида, йирик карвонсаройларда маданий тадбирлар ҳам ташкил этилиб, бу мулк эгалари учун катта иқтисодий даромад манбаи бўлган. Савдо йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятига тўхталганда нозик бир масалани ҳам эсга олиш керак бўлади. Бу халқаро савдо билан шуғулланувчи ва ўз фаолияти туфайли оиласидан узоқ муддат четда яшашга мажбур бўлган савдогарларнинг никоҳ муносабатларидаги ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар. Ўрта асрларда халқаро савдода иштирок этувчи мусулмон савдогарларининг турли йирик савдо марказларида оиласи бўлгани маълум. Шариат қонунлари мусулмон савдогарларига бундай никоҳлар

учун ҳукукий имконият берарди. Шу билан бирга, савдо йўлларида ва айрим йирик савдо марказларида баъзи тоифадаги савдогарлар, йўловчилар вақтинча никоҳ муносабатларидан ҳам фойдаланганлар.

Хулоса қилиб айта оламизки, ўрта асрлар карвон йўллари тараққиёти, динамикасини кўрсатувчи бир қатор ўзига хос хусусиятлар узил-кесил шакланган давр сифатида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу хусусиятлар ичида қулай алоқа йўлларининг мавжудлиги, уларни қуриш ва таъмирлашга бўлган эътиборнинг кучайиши, йўлбўйи иншоотлари-вақтинчалик қўналғалар, работлар, карвонсаройлар, сардобалар, қудуқлар, кўприклар ва бошқа тегишли инфратузилмалар мавжудлиги ҳамда улов-транспорт воситаларидан фойдаланишнинг кенгайиши етакчи ўрин тутади.

Ўрта асрларда карвон йўллари ва карвон савдосининг сиёсий-ҳукукий қафолатларининг яратилгани ҳам эътиборга лойиқдир. Улар ичида хавфсизликни таъминлаш хизмати йўлга қўйилгани, маҳаллий ва хорижий савдогарларнинг ҳуқуқлари, мол-мулкларининг дахлсизлиги тегишли қонунлар билан қафолатланганлиги, давлат ҳокимияти ва хусусий сармоядорларнинг карвон савдосидаги иштироки ва карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимига жалб этилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Ўрта асрлар даврида, айниқса, ривожланган ўрта асрларда карвон йўллари ва карвон савдосининг иқтисодий қафолатлари ҳам тизимлаштирилди. Улар ичида бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва товар-пул муомаласи ривожини, карвон йўлларида, йирик савдо марказларида махсус бозорлар, савдо ярмаркалари ва савдо-сотик билан боғлиқ инфратузилмалар мавжудлиги, ички ва ташқи савдо билан шуғулланувчи махсус савдогарлар табақасининг эркин фаолият юритишига яратилган имкониятлар катта ўрин тутди.

Бу даврда карвон йўллари динамикасига хизмат қилган ҳолатлар ичида карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимининг изчил йўлга қўйилганлигини айтиб ўтиш керак. Унга йўлбошловчилар, қирақашлар, тилмочлар, қўриқчилар хизмати ҳамда маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу тарика, ўрта асрларда карвон йўллари кўп қиррали тизими сифатида фаолият кўрсатган бўлиб, унинг ривожланиш даражаси (динамикаси) жамиятдаги иқтисодий-маданий тараққиёт кўрсаткичларига ҳам мос келган. Бу хусусиятлардан келиб чиқиб, ўрта асрларни минтақа коммуникация тизими фаолияти ривожидан алоҳида ўрин эгаллаган давр сифатида қайд қилиш мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- нач. XX вв.). – Ташкент: Фан, 1980. – 189 с.
2. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. *Viae regnorum* / Ed. M. J. de Goeje. Lugduni Batavorum apud E. J. Brill, 1967. – P. 416.
3. Грицина А.А. Уструшанские были. – Ташкент: Изд-во Народного наследия, 2000. – 243 с.
4. Марко Поло. Книга о разнообразии мира / Перевод И. Минаева. – М.: ЭКСМО, 2005. – 480 с.
5. Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973. – 98 с.
6. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. (письменные памятники). – Ташкент: Фан, 1985. – 259 с. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 432 б. [26-27]
7. Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 годах. В двух томах – СПб.: Типография д-ра М.А.Хана, 1883. Т. 2.–387с.
8. Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI –первой половине XIX века. Т.,1966. Т.І.- 367 с., -Т.,1970. Т.ІІ. – 284 с.
9. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. (Путевой вестник) / Журнал. Русский вестник, 1884. – № 6., июнь – С. 649-654.
10. Кастанье И.В. Археологические разведки в Бухарских владениях // Протоколы ТКЛА. Год. XXI. – Ташкент, 1917. – С. 26-32.
11. Немцова Н.Б. По караванным дорогам Бухарской степи // Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Материалы международной научно-теоретической конференции – Ташкент, 2006. – С. 253.
12. Агзамова Г.А. Ўзбекистон шаҳарлари интеграцион жараёнлар ва бағрикенглик кўрсаткичи // Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси: Таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти – ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган халқаро конференцияга йўлланган маърузалар ва табриклар тезислари тўплами. – Тошкент – Самарқанд: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б. 65-67.
13. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии / Перевод с немецкого с примечаниями В.А. Ромодина. – СПб., 2005. – 303 с.

14. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – 182 с.
15. Shamsaddin Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descriptio imperii Moslemici / Ed. M. J. de Goeje. – Leiden: E. J. Brill, 1967. – 498 p. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Тохаристана и Южного Согда по арабоязычным источникам IX – нач. XIII вв.: Автореф. дис... докт. истор. наук. – Ташкент: Институт востоковедения АН РУз, 1993. – 51 с.
16. Итина М.И. Археологические памятники на древних торговых путях вдоль берегов Амударьи // Древности Южного Хорезма. ТХАЭ. Отв.ред.М.И. Итина. – М.: Наука, 1991. Т. 16. – С. 11-39.
17. Немцева Н.Б. По караванным дорогам Бухарской степи // Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Материалы международной научно-теоретической конференции. – Ташкент: 2006. – С. 137-145.
18. Массон М.Е. Проблема изучения цистерн - сардоба. – Ташкент, 1935. – 43 с.
19. Арандеренко Г.А. Цистерны в Каршинской степи // Досуги в Туркестане. – СПб., 1883. – С. 244-249.
20. Мир Мухаммад Амин-и Бухари. Убайдулла-наме / Пер. с таджикского с примечаниями проф. А.А. Семенова. – Ташкент: 1957. – 326 с. Хофиз-и Таниш Бухори. Шарафнома-йи шахи (Книга шахской славы) / Введение, перевод, примечание, указатели М.А. Салахетдиновой. – М.: Наука, 1983. Ч. I. – 293 с. Хожа Самандар Термизий. Дастан ул-Мулюк / Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи Ж. Эсонов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997. – 272 б. [136]. Бартольд. В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. в 9 томах. – М.: Восточной литературы, 1963. Т. I. – 759 с. [197].
21. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. («Шарафномаи шоҳий») / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Тошкент: Шарқ, 1999. 1-китоб. – 416 б.
22. Сайди Али Раис. Миръот ул ма'молик (Мамлакатлар кўзгуси) / Таржима ва изоҳлар И. Зуннуновники, тахрир ва сўзбоши С. Азимжонованики. – Тошкент: Фан, 1963. – 138 б.
23. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. –М.: Наука, 1970. – 287 с

ЎУК: 93/94

САВДО ЙЎЛЛАРИДА САРДОБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА (БУХОРО ХОНЛИГИ МИСОЛИДА)

Ж.Ю. Эргашев, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада Бухоро хонлиги ҳудуди бўйлаб ўтган карвон йўллари бўйида жойлашган сардобалар, уларнинг қурилиш архитектураси, сардобаларда хизмат кўрсатиши тартиби, хавфсизлик масалалари билан боғлиқ маълумотлар тарихий манбалар ва адабиётлардаги маълумотлар асосида очиб берилган.

Калим сўзлар: Сардоба, пештоқ, чучук сув, қудуқ, йўл, йўлбўйи иншооти, карвон йўли, ҳовуз, гидротехник иншоот, кечув, гиштли зинапоя, тўйнуқ, “қир” қоришмаси.

Аннотация. В статье освещаются данные связанные с сардоба, располагавшихся вдоль торговых путей проходивших через территорию Бухарского ханства, а также вопросы их строительной архитектуры, порядка обслуживания и безопасности на основании исторических источников и литературы.

Ключевые слова: сардоба (хранилище для воды), портал, пресная вода, колодец, дорога, сооружение вдоль дороги, караванный путь, водоем, гидротехническое сооружение, переход, кирпичная лестница, отверстие, смесь глины

Abstract: The article discusses the data related to the sardoba, located along the trade routes passing through the territory of the Bukhara khanate, as well as issues of their building architecture, order of maintenance and security based on historical sources and literature.

Keywords: sardoba (water storage), portal, fresh water, well, road, building along the road, caravan route, reservoir, hydraulic structure, passageway, brick staircase, hole, clay mixture.

Кўпгина Осиё мамлакатлари қатори Республикамизда ҳам чучук сувга бўлган талаб азалий муаммолардан бири бўлиб, Марказий Осиёнинг кескин континентал қурғоқчил иқлим шароити учун ўзига хос қурилиш бўлган гидротехник иншоотлар-кўприклар, тўғонлар, бандлар, осма қувурлар қаторида қор ёмғир сувлари тўпланадиган сув омборлари-сардобалардан ҳам кенг фойдаланилган. Сардоба сўзи форсча “сард”-муздек ва “об” сув сўзларининг бирикмасидан ясалган бўлиб, сардоба номининг ўзиёқ бу иншоот сувни сақлаш учун хизмат қилишини кўрсатиб турибди. Илмий маълумотлар Марказий Осиёда сардобаларнинг энг қадимгилари IX-X асрнинг бошларидан пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда [1:91]. Ўзбекистон ҳудудидаги ҳозиргача сақланиб келаётган сардобалар асосан XIV-XIX асрлар оралиғида қурилган [2:12].

Ўзбекистон худудидаги сўнги ўрта асрларга оид давлатлардан Бухоро хонлиги XVI-XVIII асрларда Марказий Осиёнинг катта худудларини ўз ичига олган йирик давлат бўлиб, сардобалар мамлакатдаги турли худудларни ўзаро боғлашда савдо-сотик алоқалари муҳим ўрин тутган. Иқтисоднинг муҳим тармоғи бўлган савдо-сотик хонликнинг турли худудлари орасидаги барқарор ижтимоий-иқтисодий муносабатларни таъминлашда, ўзаро боғлиқликка эга ягона иқтисодий тизимни шакллантиришда, ички ва ташқи бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда асосий ўрин тутган тузилма сифатида муҳим аҳамият касб этарди. Савдо алоқалари хонликнинг йирик шаҳарлари ва савдо марказларини ўзаро боғловчи карвон йўллари орқали амалга оширилиб, бу тизим фаолиятида тегишли инфратузилмалар ва йўлбўйи иншоотларининг мавжудлиги талаб этиларди.

Хонликнинг катта қисмини чўл ва саҳролар ташкил этиб, бу худудлар орқали ўтган карвон йўллари фаолиятини йўлга қўйиш Марказий ҳукуматнинг доимо диққат-эътиборида турган. Шу ўринда иссиқ иқлимли минтақамизда ичимлик сувига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилган бу гидротехник иншоотлардан бири сардобалар, уларнинг архитектураси, вазифаси, савдодаги аҳамияти билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Бухоро хонлигида шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари томонидан сардобалар қурилиши анча кенг миқёсда олиб борилган. Жиззахдан Сирдарё кечувларига, Бухородан Қарши орқали Амударёнинг ўрта оқимидаги Керки ва Келиф кечувларига олиб борувчи йўللарида қурилган сардобалар бундан далолат беради. Айниқса, XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II томонидан қўлаб сардобалар қурилган эди. Улар ичида Қоровулбозордаги сардоба, Бўзачи сардобаси, Бегичак сардоба, Якка сардоба, Каспидаги сардобалар, Қаршидан Амударёдаги кечувларга олиб борувчи йўлларидаги сардобалар, хусусан Туркменистон худудидаги Сангир сувлоқ сардобаси, Шеробод яқинидаги сардоба, Жиззах-Чиноз оралиғидаги чўл худудидаги Яккасардоба, Мирзаработ, Ёғочли сардобаси ва бошқа сардобалар бунга мисолдир [3:19-20]. Тадқиқотчилар фикрича, Мирзачўлдаги сардобаларнинг барпо этилиши ҳам Абдуллахон II нинг қурувчилик фаолияти билан боғлиқдир [4:75].

П.Равшанов маълумотларига қараганда, Моварауннаҳрда мавжуд бўлган 44 та сардобанинг 29 таси Қарши чўлида қурилган [5:508]. Қашқадарё воҳасидаги сардобалар эса, XVI аср ва ундан кейинги даврга хосдир. Сардобалар архитектурасининг шаклланиши бир неча юз йилларга чўзилган. Уларнинг қурилиш жараёнида аҳолининг кузатувчанлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган: дастлаб, тақир жойларда тўпланган сув бир мунча вақт ерга сингмай қолгани, бундай жойларни вақт ўтиши билан аҳоли томонидан чуқурлаштира борилгани, кенгайтирган ва аста-секин ҳовуз кўринишига келтирилгани, ҳовуздаги сув ифлосланмаслиги учун ҳовуз атрофи девор билан ўралгани, сувнинг ерга сингиб кетишини камайтириш чоралари кўрилгани, сув буғланишини камайтириш мақсадида бундай ҳовузнинг усти ёпилганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили кўрсатади. Хуллас, бу соҳадаги тажрибалар неча-неча асрлар чўлларда чучук сув сақлашнинг энг қулай усули сифатида ҳозирги кўринишдаги сардобалар вужудга келган. Қадимий анъаналар XX аср бошларига қадар ҳам ўзгармай қолди.

Сардоба қурилиши учун сув, тупроқ ва қум алоҳида тоза жойдан, ганч эса Қоровулбозор ва Нуротадан олиб келинган. Қумга янтоқ, қамиш, юлғун кули қўшилган. Иншоот учун ишлатиладиган ғишт ҳам иссиқ совуққа ғоят чидамли бўлиши лозим бўлган. Лой яхши пишитилиб, унга туя жуни қўшилган. Хом ғишт 1-2 йил қуёш жазирамасида тоблангандан сўнг, улар янтоқ оловида пиширилиб, оби ғиштлар тайёрланган. Ғиштларни бир-бирига ёпиштирадиган қоричма лойга сувдан ташқари қўй сути, туя жуни ҳам қўшилган.

Сардоба деворининг қалинлиги энг пастки қисмида 1,5 метрни ташкил этса, юқорига кўтарилган сари юқлашиб боради. Энг юқори қисмида унинг қалинлиги бир ғишт кўринишига келади. Сардобага бир томондан-шимол тарафидан кирилади, қолган уч тарафида эса арк кўринишида туйнуқлар бўлган. Кириш қисми арксимон бўлиб, ундан ғиштли зинапоялар орқали сардоба ичкарасига кирилган. Сардобанинг ости доира шаклида бўлиб, сув ерга сизиб кетмаслиги учун 3 қават қорамол, туя териси, 3 қават кигиз, устига бир қават ганч, юқори қисмига пишиқ ғишт ётқизилган [6:56]. Сардобаларнинг Республикамиз бўйлаб худудий тарқалиш ҳолати тартибсиз кўринса-да, аслида қатъий қонуниятга бўйсунганлигини кўриш мумкин. Сардобалар йирик сув манбаларидан йироқ майдонларни ишғол қилган бўлса, бу тизимни туташтирувчи эгри чизик йирик карвон йўллари ва унинг гавжум жойлари бўйлаб ўтади.

Ички диаметри 15-17 метрли давра ҳовуз шакли, усти ғиштин гумбаз билан ёпилган бу иншоот ичидаги сув ҳатто жазирама кунларда ҳам муздек турган. Абдуллахон II Қарши ва Амударё

оралиғидаги чўлда кўплаб сардобалар барпо эттирган [7:59]. Карвонсарой ёнидаги Абдуллахон II томонидан қурилган сардоба ҳозиргача яхши сақланиб қолган бўлиб, маҳаллий аҳоли Гумбаз деб таъриф этувчи бу сардоба Қоровулбозор орқали ўтган савдо карвонлари, ҳарбий отрядлар, йўловчилар ва чўпонларни сув билан таъминлашга хизмат қилган. М.Е. Массоннинг фикрича, бир-биридан бир кунлик йўл масофасида (24-25 км) қурилган бу сардобаларнинг жойлашуви Қарши-Керки ва Қарши-Келиф савдо йўлининг йўналишини кўрсатиб туради.

Ана шундай сардобаларнинг бири ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича Эски Нишонда мавжуд бўлган. Қаршида XVI-XIX асрларда амалда бўлган меъморий иншоотлар ичида Абдуллахон II томонидан қурилган сардоба ҳам XX аср бошларига қадар фаолият кўрсатган. Шу пайтгача бу сардоба бизнинг кунгача етиб келмаган деган қараш мавжуд эди. Қарши шаҳри Регистонининг жанубида, Чорсунинг рўпарасида жойлашган Қарши сардобаси 2005 йилда аниқланган. Ҳозирги кунда эса ушбу сардоба қайтадан таъмир этилган бўлиб, шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Қарши-Бухоро карвон йўлидаги Қақир сардобаси тўғрисида рус вақти И.А. Яворский 1878 йилда “Бундан 200 йил аввал яшаб ўтган Закариё дастурхончининг маблағи ҳисобига қурилган бу иншоот туфайли унинг номи авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда, холбуки, дастурхончи хизмат қилган подшоҳнинг номини авлодлар аллақачон унутиб юборишган”,-деб ёзган эди [8:37].

Сардобалар меъморий тузилиши жиҳатидан бир-биридан айтарли фарқ қилмайди. Айлана шаклидаги ҳовуз ва унинг устини ёпиб турувчи гумбаз шаклида қурилган бу сардобалар гумбазида бир нечта деразалар, улар пастида эса сув тушиши учун мўлжалланган маҳсус тешиклар ва тепасида айлана шаклидаги туйнук бор. Бундан ташқари, сардоба ҳовузидаги сувдан олиш учун мўлжаллаб қолдирилган маҳсус кириш жойи мавжуд. Сардоба сувини салқин ҳолда сақлаш учун дераза ва эшик доимий ҳаво айланиб турадиган қилиб қурилган.

Сардоба ичида ёруғ тушиши ва доимо ҳароратни бир хилда сақлаш учун кунчиқар (Шарк) ва кун ботар (Ғарб) томонларга туйнуқлар қўйилган. Сардобанинг қуйи эшиги шамол оқимиға тесқари томонға қаратиб қурилган. Ҳовузға сув кириши учун тарнов ясалган. Сардоба ёнида карвонсарой жойлашган, йўловчилар ҳордиқ чиқариб, олис йўлга сув ғамлаб олганлар [6:53].

Сардобаларнинг барчаси асосан ёмғир суви ва қор эришидан ҳосил бўлган сувлар билан тўлдирилган. Бундай сувлар маҳсус ариқчалар орқали сардоба ҳовузига келиб тушган. Баъзи сардобаларға сув дарё ва бошқа сув манбаларидан маҳсус каналчалар орқали ҳам келтирилган. Сардобадаги сувни бузилишдан сақлашда ва сардобада ҳаво алмашиб туришини таъминлашда сардоба гумбазидаги деразалар ва тепасидаги туйнуғи катта роль ўйнайди. Сардобаларнинг кириш жойи шимол ёки шимолий-ғарб тарафда бўлиб, улардан 6-8 метргача узокликдан сардоба ҳовузи тубига олиб тушувчи зинапоярлар бошланган. Зинапоярлар усти узун йўлаксимон қилиб беркитилган.

Қақир ва Бузачи сардобаси Хўжа Муборак қишлоғи яқинида жойлашган. Бу сардобалар орқали ўтган йўл билан Беғижак ва Яққа сардобаларға бориш мумкин. Беғижак сардобаси Хўжа Муборак қишлоғидан 6-7 километр жанубий-ғарбда бўлиб ҳовузи бутунлай қўмилиб кетган, бешта деразаси мавжуд [9:27-28]. Яққа сардоба эса Хўжа Мурод баҳши зиёратгоҳидан 3 км ғарбда жойлашган, унинг ҳам бешта деразаси бўлиб, ҳовузининг кенлиғи 14 метрни ташқил этади. Майманоқ қишлоғи ҳудудидаги сардобадан қишлоқ аҳли, қўшни Муборак тумани аҳолиси, савдогарлару-чўпонлар фойдаланишган. Олис йўлга кетувчилар сув ғамлаб олишган. Бу сардоба олдида нов бўлиб, ундан чорва моллар суғорилган. Сардобанинг эшиги шимолға қараган ҳолда, бешта деразаға эға. Сардоба ўтган асрнинг 70-80 йилларида қўшни Муборак туманининг Қарлиқ хўжалигининг омборхонаси вазифасини ҳам бажарган. Шу атрофдаги сардобалар ичида энг ёмон ҳолда сақланиб қолган сардоба Майманоқ сардобаси бўлиб ҳисобланади.

Эски Касби кўрғони ёнидаги сардоба ҳақида бу ерга ташриф буюрган мутахассислар Касби кўрғони ва Султон Мирҳайдар зиёратгоҳига кўпроқ эътибор қаратгани боис, етарли маълумот қолдиришмаган. Касби сардобаси-кенг давра қудуқ каби ясалган, унинг ҳажми жуда катта (ичининг диаметри қарийиб 16 метр), усти поғонали баланд гумбаз билан беркитилган. Сардоба сувға чидамли “қир” қоришмаси билан йирик пишиқ ғиштлардан ишланган. Иморат ривоятларда айтилишича, Абдуллахон замонасида бунёд этилган. Касби қишлоғидаги бу сардобанинг одатдагидек пештоғи йўқ, шимол томондаги ғишт зинапоярлар сувға томон олиб боради. У ўзининг тузилиши жиҳатидан бошқа сардобалардан деярли фарқ қилмайди. Султон Мирҳайдар зиёратгоҳи ёнида яна бир сардоба мавжудлиғи аниқланган бўлиб, бу усти очик сардобанинг ким томонидан ва қачон барпо этилганлиғи ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Дарҳақиқат, поғонали, ясси гумбазли ва равокининг юқори томони бошдан-оёқ тўрт бурчак юпқа пишиқ ғиштдан терилиб, метиндай мустаҳкам қилиб қурилган. Бу сардоба Касби сардобасидан сал чоғроқ, сув тўпланадиган жойи (резервуари)нинг ташқи диаметри 16 метр. Сардобанинг бошқа сардобалардан яна бир фаркли томони деразалар сони учтадир. Ушбу сардобадан яқин вақтларгача ҳам фойдаланилган.

Қарши-Керки йўналишидаги энг биринчи сардоба эски Нишон ёнида бўлган ва у ўтган асрнинг 30-йилларига келиб бузилиб кетган. Бу йўналишдаги иккинчи сардоба ҳозирги Таллимаржон сув омбори қурилган жойда бўлган. Гумбази йўқлигидан “усти очик сардоба” деб номланган [9:27-28]. Учинчи сардоба Сангир Сувлоқ сардобаси бўлиб, Эски Таллимаржон қишлоғи ёнида жойлашган. Олд тарафи, ғарбий қисми девор билан ўралган ва бошқа сардобалардан анча катта бўлиб, 10 та деразаси бор.

Қаршидан Келифга ўтувчи карвон йўли бўйида, Нишон туманининг шарқий ҳудуди яқинида Юсуф сардобаси ҳам мавжуд бўлган. Минглаб йўловчиларни ҳожатини чиқарган сардобалар кўриқланмасада тоза сақланган ва доимий равишда таъмирланиб турилган.

Ёзма манбаларда Қарши чўлидаги сардобаларнинг деярли барчаси Абдуллахон II даврида қурилган деган фикр мавжуд. Қарши чўлидаги сардобалар жуда сифатли пишиқ ғиштдан мустаҳкам қилиб қурилган бўлиб, чамаси, ғиштдан фойдаланиш мақсадида уларнинг кўпи ўтган асрнинг 30-йилларида бузилган [10:51].

Сардобалар фақат қадимги карвон йўллариининг йўналишларини аниқлаштиришга ёрдам берибгина қолмасдан, балки халқимиз меъморчилиги тарихини, бу соҳадаги ютуқларини, ўтмишдаги меъморий услубларни ўзида акс эттирган муҳим тарихий манба ҳамдир. Чўлу биёбонларда чучук сув сақлашнинг энг самарали усулларини яратган аждоқларимиздан қолган бу муҳим тарихий ёдгорликлар, афсуски, бугунги кунга келиб бутунлай қаровсиз ҳолга келиб қолган.

Сардобаларнинг турли жиҳатларини кузатган ва ўз асарларида қайд этган муаллифлар Н.Ханьков, А.Бернс, А.Вамбери, М.Галкин, Д.Логофет, В.Бартольд, М.Массон, А.Мухаммаджонов, А.Анорбоев, У.Мавлонов, А.Ҳасанов ва бошқаларнинг маълумотлари асосида уларни тўйиниш манбаларига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин. Табиий тўйинувчи сардобалар: қор-ёмғир суви ўз-ўзидан сардоба ҳовузини тўлдиради. Сунъий тўйинтирилувчи сардобалар: қудук, қориз, дарё, ариқ суви билан тўлдирилган. Аралаш тарзда тўйинувчи сардобалар: қор-ёмғир, ариқ, пайнов суви ҳисобидан тўлдирилган, бу турдаги тўлдирилувчи сардобалар кўпроқ дарё бўйларида, суғорма деҳқончилик қилинадиган ҳудудларга яқин жойда жойлашган.

Сардобаларнинг қурилиш жараёнини кўздан кечирганда, уларнинг биринчи навбатдаги вазифаси сувни буғланиб кетишдан ҳимоя қилиш бўлса, иккинчиси санитарлик, тўсиқ ролини ўташдан иборат эканлигини билиб олишимиз мумкин. Дарҳақиқат, сардоба ичкарасига мол, от-улов қўйилмаган, улар учун сардоба ҳовлисидан ташқарида ёғоч ёки тошдан сув қуйиладиган охурлар (нов) ясалган.

Жанубий Қозоғистон ҳудудида ҳам (Сайрам яқинида) XVI асрнинг биринчи ярмида Мир Араб томонидан сардоба барпо этилгани минтақанинг шимолий дашт зоналарини ҳам сардобалар мавжуд ҳудудлар қаторига киритишга имкон беради. Тошкентдан Хўжандга ва Чотқол тоғ довони орқали Фарғонага кетувчи йўлда ҳам бу даврга мансуб сардобалар (ёки усти гумбаз билан ёпилган булоқлар) бўлган. Улар ичида Ангрен дарёси ўнг қирғоғида, Қорахитой қишлоғи шимолида қурилган Қайнаргумбазни ва Тошкент-Хўжанд йўлидаги бошқа бир қанча гумбазли сардобасимон иншоотлар (Чуқурбекат, Жонбулоқ, Мирзоработ)ни айтиб ўтиш мумкин[11:14-16]. Бу маълумотлар ўрта асрларда минтақанинг тоғолди ва дашт ҳудудларида ҳам сардобалар бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёнинг жазирама иқлим шароити ва йирик шаҳарларни сув билан таъминлаш эҳтиёжи шаҳарларда ҳам сардобалар барпо этилишига туртки беради. Абдуллахон II томонидан Қаршида, Субхонқулихон томонидан Бухорода барпо этилган сардоба[12:304] ва бошқа маълумотлар бундан далолат беради.

Шу тариқа, минтақадаги қадимги даврда шаклланган алоқа-савдо йўлларида фойдаланиш сўнгги ўрта асрларда ҳам давом этди. Мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият туфайли уларнинг айрим тармоқларидан фойдаланиш маълум вақт тўхтаб қолган ҳолатлар ҳам кузатилса-да, мазкур йўллар Ўрта Осиёдаги ўзбек хонлиқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келди. XVI-XIX асрларда карвон йўллари тизими фаолиятида бирмунча ўзгаришлар руй берди. Бу даврга хос хусусиятлар ичида, минтақанинг чўл ва дашт ҳудудлари орқали ўтган йўналишларида кўплаб йўлбўйи иншоотлари-работлар ва карвонсаройлар, сардобалар, қудуқлар, кўприқлар барпо

этилганини айтиб ўтиш мумкин. Иккинчи томондан, ўзбек хонликлари ўртасидаги сиёсий низолар, урушлар минтақа иқтисодий ва ўзаро иқтисодий муносабатларга, карвон йўллари фаолиятига салбий таъсир этиб турди. Шунга қарамасдан, бу даврда маҳаллий ва минтақавий аҳамиятга эга йўллар тармоқлари кенгайиб, карвон йўлларининг янги йўналишлари пайдо бўлиб борди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Анорбоев А. Благоустройство средневекового города Средней Азии. –Т., 1988.-С. 91
2. Мавланов У. М. Торговье и культурные связи Кашкадаринского оазиса в XVII-XIX вв.: Дис.... канд. ист.наук. –Т., 1994. –С. 155.
3. Массон М.Е. Проблема изучения цистерн - сардоба. – Ташкент, 1935. – 43 с. Кудратов С. Сардобалар ўлкаси. – Тошкент: Фан, 2001. – 28 б. Насриддинов К.М., Сафонова Н.А., Смесова Е.А. Буюк ипак йўлидаги сардобалар // Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 224-226.
4. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (источник по истории Бухарского эмирата) / Перевод с персидского, вводная статья и примечания Н.К. Норкулова, редактор перевода А.К. Арандс, предисловие, редактор введения и примечаний А.С. Сагдуллаев. – Ташкент: Академия, 2009. – 333 с. [Хорошхин А.П.]. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края А.П. Хорошхина. – СПб., 1876. – 520 с. [65-69, 257-259]. Массон М.Е. Проблема изучения цистерн - сардоба. – Ташкент, 1935. – 43 с. [14;32]
5. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. (Энг қадимги даврлардан XIX аср II ярмига қадар). – Тошкент: Фан, 1995. – 783 б.
6. Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. Қарши, 2005. - 77 б.
7. Вамбери А. Очерки Средней Азии (дополнение к «Путешествию по Средней Азии») -М.: Изд-во А.М.Мамонтова, 1868. - 373с.
8. Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 годах. В двух томах – СПб.: Типография д-ра М.А.Хана, 1883. Т. 2.–387с.
9. Мавлонов Ў. Аждодларимиз заковати. //Фан ва турмуш. 1993, № 7-8. –Б. 27-28.
10. Массон М.Е. Проблема изучения цистерн - сардоба. – Ташкент, 1935. – 43 с.
11. Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953. – 144 с. с илл.
12. Мухаммад Юсуф Мунши. Тарих-и Муқим-хони (Муқимханская история) / Перевод с таджикского, предисловие, примечание и указатели проф. А.А.Семенова. – Ташкент, 1957. – С. 304.

УДК. 621.395.7 (09)

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ВОҲАДА АЛОҚА СОҲАСАНИ РИВОЖИГА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

И.С.Юсупов, Ф.Б. Жуманиязов, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали, Урганч

Аннотация: *Мазкур мақолада истиқлол йилларида алоқа соҳасини ривожига янги хизмат турларини жорий этилиши, уяли алоқа компанияларини республикамизга жумладан Хоразм вилоятига кириб келиши ва ривожланиши тарихига қисқача эътибор қаратилади.*

Калим сўзлар: *Ўздунробита, Алоқа –ДЭУ, Unitel, Beeline, Перфектум, Ўзбектелеком, UMS, Uztelecom, Uzmobil, Uzonline, Хоразм Телеком.*

Аннотация: *В данной статье уделено краткое внимание истории развития в отрасли связи новых видов услуг, в том числе появлению компании сотовой связи в республике, а также в Хорезмской области в годы независимости.*

Ключевые слова: *Уздунробита, Алоқа –ДЭУ, Unitel, Beeline, Перфектум, Узбектелеком, Ums, Uztelecom, Uz Online, Хорезм Телеком.*

Abstract. *In this article a brief attention is focused on the history of the development of new types of services in the sphere of telecommunication including the emergence of cellular communication companies in the Republic as well as in Khorezm region in the years of independence.*

Key words: *Uzdunrobota, Alokadaewoo, Unitel, Beeline, Perfectum, Uzbektelecom, UMS, Uztelecom, Uz Online, Khorezm telecom.*

Мустақилликка эришгунга қадар ҳар 1000 кишига меъёр бўйича 10-13 та телефон нуқтаси тўғри келар, агарда узоқроқ шаҳарда яшаётган таниш-билишлар билан телефон орқали мулоқот қилмоқчи бўлсак, шаҳар ёки туман марказидаги шаҳарлараро телефон сўзлашув масканига бориб, 1-2 соатлаб навбат кутиб, агар имконияти бўлиб қолсагина сўзлашар эдик. Бугунги кунда эса Республикамизда аҳоли яшаш масканларининг деярли барчаси, ҳаттоки тоғ ва тоғ олди ҳудудлари

хам уяли алоқа сигналлари билан қамраб олинган [1]. Хозирги пайтда Ўзбекистонда 33 миллиондан ошиқ аҳоли учун 5 та мобил оператор хизмат кўрсатиб келмоқда, уларда 22178 та алоқа станцияси ишлаб турибди. 2017 йили Ўзбекистонда мобил алоқа абонентлари сони 1,4 миллионга ошди ва бугунги кунда 22,8 миллион кишини ташкил этмоқда. Мамлакатга уяли алоқа компанияси 1991 йилнинг август ойида кириб келган бўлиб, у нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги илк шундай компания бўлган. Ўзбекистонда биринчи бўлиб уяли алоқадан фойдаланган шахс сифатида Ислон Каримовни тилга олиш мумкин. Биринчи Президентимиз 1992 йилнинг август ойида мобил алоқадан фойдаланганди. Ҳозирда Ислон Каримов фойдаланган мобил қурилмаси Алоқа музейидан жой олган. Уяли телефонлар бизнинг мамлакатимизда ҳам кундалик турмушда қўлланиладиган буюмга айланди. Уяли алоқа телефонларини Ўзбекистонга кириб келиш тарихига назар соладиган бўлсак даслабки уяли алоқа корхонаси 1991 йилда бунёд этилган “Ўздунробита” Ўзбекистон Америка қўшма корхонаси бўлган. Мазкур корхона Ўзбекистон Республикасининг Алоқа Вазирлиги ва Американинг International Communications Group INC. (АҚШ) томонидан таъсис этилган. “Ўздунробита” қўшма корхонаси (КҚ) ўзи бунёд этилган биринчи кундан бошлаб мамлакатимизнинг бутун ҳудудида телекоммуникациянинг энг замонавий тури-уяли алоқанинг жами хизматларини кўрсатиш йўлини тутганди. 1992 йилнинг август ойидан бошлаб “Ўздунробита” КҚ уяли алоқаси тармоғидан тижорат йўсинида фойдаланиш бошланди. Ўшанда бу КҚ NMT-450 стандартида ишлар эди. 1992 йил мобайнида уяли тармоқдан фойданувчилар сони 100 кишига етди, 1993 йилнинг охирига келиб, уяли тармоқ миқдорларининг сони 300 кишини ташкил этди. 1994 йилнинг март ойида Урганч шаҳрида компаниянинг биринчи вилоят филиали очилди. Ўша кезде МДХда биринчи бўлиб, Тошкент ва Урганч шаҳарлари ўртасида автоматик роуминг лойиҳаси амалга оширилди. Айни пайтда, компаниянинг мутахассислари жиддий маркетинг тадқиқотларини ўтказдилар. Шу аснода телекоммуникациялар жаҳон бозорининг тараққиёт тенденциялари, хизматларнинг ана шу турига талаб ва таклифлар ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотларга асосланиб, 1994 йилнинг ўрталаридан бошлаб AMPS аналогли стандартида ва Digital AMPS (IS-54) рақам стандартида фаолиятни бошлаш ҳусусида қарор қабул қилинди. 1994 йилнинг охирига келиб, уяли тармоқдан фойдаланувчилар сони 1500 нафарга етган [2]. Истиқлол йилларида алоқа хизмати сифати, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган даражада яхшиланди. Бу ўринда, биринчи навбатда, “Ўздунробита” қўшма корхонасининг республикада биринчилардан бўлиб Хоразм вилояти аҳолисига хизмат кўрсатгани бўлса, иккинчи навбатда 1999 йилда Урганч шаҳар ва туманлар алоқа бўлимларига Урганчдаги “Алоқа –ДЭУ” корхонасида ишлаб чиқарилган янги АТСларнинг ўрнатилиши бўлди [3]. Хоразм вилоятини 1999-2001 йилларда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра вилоятдаги 3 та корхона ўз ихтисослигини ўзгартиради. Шулардан биттаси “Алоқа ДЭУ” корхонаси коммуниқатсион техника ўрнига электроника асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ўтади [4]. UNITEL ва Beeline номлари Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқороси учун таниш десак муболаға бўлмайди. UNITEL мобил хизматини ривожлантириш борасида катта тажрибага эга, таъбир жоиз бўлса, отахон компаниялардан бири. Компания 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг тижорат фаолияти 1997 йил 25 сентябрь куни бошланган. Хозирги кунда компания Ўзбекистоннинг алоқа операторлари қаторида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. 2017 йил натижалари бўйича компания абонентларининг сони 9730149 кишини ташкил қилган [5]. 2009 йилдан абонентлар сони сезиларли равишда кўпайди. Бунинг сабаби Хоразм вилояти ИИБ ходимлари корпоратив гуруҳ сифатида уланганлигида кўрилди. Компаниянинг ишчилар сони 15 нафардан зиёдни ташкил қилади. UMS мобил алоқа оператори Республикаимизда 2014 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, Хоразм вилоятида бугунги кунга келиб 160 мингдан ортиқ абонентларга 2G-3G стандартида хизмат кўрсатиб келмоқда. 2018 йилдан 4G станцияларни ўрнатиш режалаштирилган, вилоятда 50 дан ортиқ шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Хоразм вилояти бўйича 90% ҳудудни қамраб олган. Компания хизматларини телекоммуникация бозорида учта савдо маркази – UZTELEKOM, UZMOBILE ва UZONLINE остида тақдим этади. Компания таркибида 22 филиал ишлайди, жумладан 14 регионал, 8та махсуслаштирилган ва 3 қуйи корхоналар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоғи халқаро телефон коммутация маркази -4та, шаҳарлараро телефон станциялари -13 та, халқаро пакетли коммутация маркази -1транспорт телекоммуникация тармоғи ва маҳаллий телекоммуникация тармоғидан ташкил топган [6]. Ўзбекистон телекоммуникация тармоғига қуйидаги телекоммуникация тизимлари киради: телефон, телеграф, факсимил алоқалари, маълумотларни узатиш, телевидения дастурларини тарқатиш [7]. Телекоммуникация сўзи масофадан туриб мулоқот қилиш воситасини англатади ва бундай мулоқотни турли усулларини амалга оширувчи технологиялар йиғиндисини кўзда тутаяди. Маълумки, ҳудудда телефон алоқасини таъминловчи қурилмалар ва иншоотлар йиғиндиси телефон тармоғи деб

аталади [8]. Ўзбекистон телекоммуникация тизимининг 28 йўналиши бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига чиқадиган тўғридан-тўғри халқаро каналлари мавжуд. Буларда ҳам толали оптик, шунингдек, сунъий йўлдошли тизимлардан фойдаланилмоқда. Бутун тармоқ нафақат бугунги кунда балки кейинчалик ҳам ҳозиргидан кўпроқ ахборот ўтказиш қувватига эга бўлади [9]. Хоразм вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси “Хоразм Телеком” филиали бўлиб шакллангунча, турли босқичларни босиб ўтди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин вилоятда бу соҳа мисли қўрилмаган даражада тез ривожланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хабар газетаси. 2016 8-июль 28(1242) –Б. 4.
2. Уяли алоқа системаларини қуриш ва лойиҳалаш принциплари. –Т.: -2000. 9-116.
3. Бобожонов Б. Асрга тенг йиллар. –Т.: Истиклол нашриёти, 2001. 56-57 б.
4. Хабар газетаси. 2018. 23 февраль. 8 (1326)-сон –Б.5.
5. Beeline.uz сайти.
6. Н.Х. Гултўраева ва бошқалар. Телекоммуникация тармоқлари. –Т.: Фан ва технологиялар нашриёти, 2011. – Б. 405.
7. Р.И. Исаев ва бошқалар. Телекоммуникация узатиш тизимлари. –Т.: Фан ва технологиялар нашриёти, 2011. –Б. 4.
8. А. Эшмуродов ва бошқалар. Рақамли коммутация тизимлари. –Т.: Фан ва технологиялар нашриёти, 2011. –Б.5.
9. Н. Юнусов ва бошқалар. Оптик алоқа асослари. –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт, 2014. –Б.12.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

УЎТ: 631.675.2

СУҒОРИШДА СУВ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ**Б.Ш. Матякубов, к/х.ф.н., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Тошкент**

Аннотация. Мақолада Хоразм вилояти шароитида ғўзадан юқори ҳосил олиш ва бунда сувдан фойдаланиш маҳсулдорлигини баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, турли тупроқ шароитида суғориш тартибини ғўза ҳосилига боғлиқлиги ўрганилган. Суғориш олди тупроқ намлигини 70-80-60 фоизда ушлаб туриш натижасида пахтадан 39,3-40,2 центнер ҳосил олиш учун сувнинг маҳсулдорлиги 0,77-0,91 м³ бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Ғўза, чегаравий дала нам сизими (ЧДНС), суғориш, суғориш тартиби, ҳосилдорлик, центнер, сув маҳсулдорлиги.

Аннотация. В статье представлена информация об экономном использовании оросительной воды в Хорезмской области, а также получения высокого урожая хлопка-сырца. Определены зависимости урожайности хлопчатника от режима орошения в различных почвенных условиях. Установлено, что максимальный урожай хлопка с одного гектара 39,3-40,2 центнера при использовании предельно поливной влагоёмкости почвы в фазе развития хлопчатника 70-80-60% и продуктивности воды 0,77-0,91 м³.

Ключевые слова: Хлопчатник, предельно поливная влагоёмкость (ППВ), орошение, режим орошения, урожайность, центнер, продуктивность воды.

Abstract. The article provides information on the economical use of irrigation water in Khorezm region, as well as obtaining a high yield of raw cotton. The dependence of the irrigation regime in various soil conditions on cotton production has been determined. Information is given on the maximum cotton yield per hectare of 39.3-40.2 centners. And also provides information on the use of extremely irrigated soil moisture capacity in the development phase of cotton 70-80-60% and obtaining water productivity of 0.77-0.91 m³.

Key words: cotton, marginal field moisture capacity (soil penetration), irrigation, irrigation regime, yield, centner, water productivity.

Хозирги кунда сув ресурсларининг юқори миқдорда сарфланиши, унинг беҳуда исроф бўлиши натижасида сизот сувлари сатхининг кўтарилиши ва суғориладиган майдонларнинг шўрланиш даражасини ошиши сабаб бўлиши билан бир қаторда, сув ресурсларининг глобал танқислигига олиб келмоқда. Сув ресурсларидан фойдаланиш сув хўжалиги тизимларини ишчи ҳолатда ушлаб туриш учун хар йили катта миқдорда инвестициялар жалб қилинмоқда. Хар бир куб метр сувнинг таннарни қимматлашиб бориши сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Республикамизда ҳозирги сувдан фойдаланиш модели сақлаб қолинса ва аҳоли бошига тўғри келадиган сув истеъмоли ошиб борса, сув ресурсларининг танқислиги ҳам ортиб боради. Сув танқислигини юмшатиш мақсадида сувдан фойдаланиш моделини ўзгартириш юзасидан мустақиллик йилларида мамлакатимиз сув хўжалигида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, сув ресурсларини бошқариш тизими такомиллаштирилди, суғориш тармоқларининг техник ҳолати яхшиланди, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларнинг сув таъминотини ошириш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, автоматлашган бошқарув ва кузатув тизимини ўрнатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ишларига кенг эътибор бериб келинмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида бугунги кунда 43 минг га. майдонда томчилатиб, 46,4 минг га. майдонда эгатга плёнка тўшаб ва 34,0 минг га. майдонда ўқариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилди, 1 млн 200 минг га. ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, кучли ва ўрта шўрланган ерлар майдони 149,4 минг га, сизот сувларининг сатҳи ерга яқин жойлашган майдонлар 302,9 минг гектарга камайди, 1 млн. 300 минг га. ернинг сув таъминоти яхшиланди, мелиорацияланган ерларда ғўза ҳосилдорлиги 3-4 ц/га ва бугдой ҳосилдорлиги 4-5 ц/га га ошишига эришилди [1, 2].

Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Хоразм вилоятининг тупроқлари ўтлоқи-аллювиал, механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир қумок, сизот сувлари сатҳи 1,0-2,0 метрда жойлашган шароитларда 2011-2013 йилларда ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини

аниқлаш ҳамда суғориш тартибини ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Ғўздан юқори ҳосил олишда суғориш тартибини қўллаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди [3, 4].

Илмий тадқиқот ишлар, 1-жадвалда келтирилган тизим асосида амалга оширилди.

Ғўзанинг суғориш тартибини аниқлаш, белгиланган тизим (1-жадвал)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлиб, 3та тажриба (енгил, ўрта ва оғир тупроқли) далаларда олиб борилди. Суғоришда тупроқнинг чегаравий дала нам сиғими 70-80-60 фоизда ушлаб туриш орқали юқори натижага эришилди.

1-жадвал

Ғўзанинг суғориш тартибини аниқлаш бўйича дала тажриба тизими

Вариантлар	Суғориш олди тупроқ намлиги, ЧДНСга нисбатан, %	Суғориш меъёрлари, м ³ /га
1	Ишлаб чиқариш назорати	Фактик ўлчовлар
2	70-70-60	50-100-70 см қатламдаги намлик танқислиги дефицит бўйича
3	70-80-60	50-100-70 см қатламдаги намлик танқислиги дефицит бўйича
4	70-80-60	50-100-70 см қатламдаги намлик танқислиги дефицит 30 фоизга оширилган

Сувнинг маҳсулдорлиги 3-вариантнинг барча тажрибаларида юқорилиги аниқланди. Хар гектар майдондан 39,3-40,2 центнер ҳосил олишга эришилди. 1 кг пахта ҳосилини олиш учун мақбул бўлган 3-вариантда 0,77-0,91 м³ сув сарфланди. Ишлаб чиқариш назорати (1-вариант)га нисбатан энг яхши вариантда хар гектар майдондан бирлик 1 кг. ҳосил олиш учун 0,76-1,15 м³ сув кам сарфланди (1-расм) [5, 6].



1-расм. Сувнинг вариантлар бўйича ишлатилиш маҳсулдорлиги

Хулоса тариқасида шуни келтириб ўтиш мумкин, суғоришни тўғри ташкил қилиш ва ғўза учун талаб қилинадиган тупроқдаги намликни бошқариш, яъни суғориш олди тупроқ намлигини чегаравий дала нам сиғимига нисбатан 70-80-60 фоизда ушлаб туриш орқали хар гектар ғўза экилган майдонидан 39,3-40,2 центнер пахта ҳосилини олишда ҳамда 1 килограмм пахтани етиштиришда сувнинг маҳсулдорлиги 0,77-0,91 м³ бўлиши катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури” тўғрисидаги ПҚ-3405-сонли қарори.
3. “Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения”. Изд-во 5-е, Ташкент, 1981, с. 89-134.

4. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта (с основами статической обработки результатов исследований)”. Москва.: Агрпороиздат, 1985., с. 415.
5. Матякубов Б.Ш. “Продуктивность использования воды в низовьях Амударьи”. Углубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. Доклады международной научно-практической конференции 23-25 апреля 2003, Ташкент 2003. Ташкентский Аграрный Университет., с. 153-155.
6. www.worldwaterforum4.org.mix;

УЎТ: 631.675.2

СУҒОРИШ СУВИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

**Б.Ш. Матякубов, к/х.ф.н., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
мухандислари институти, Тошкент**

***Аннотация.** Мақолада Хоразм вилоятининг турли механик таркибли тупроқлар шароитида ғўзадан юқори ҳосил олиш ва сув танқислигини юмшатишида тежамкор суғориш технологияларини қўлланилиши натижасида пахтадан 4,14-4,33 тонна ҳосил олинганлиги ва суғориш сувидан самарали фойдаланилганлиги тўғрисида сўз юритилди.*

***Калим сўзлар:** Ғўза, сув танқислиги, суғориш, технология, ҳосилдорлик, тонна, сув маҳсулдорлиги.*

***Аннотация.** В статье представлена информация об использования водосберегающей технологии орошения хлопчатника для умягчения нехватки водных ресурсов для получения 4,14-4,33 тонна хлопка-сырца и эффективного использования оросительной воды.*

***Ключевые слова:** Хлопок, нехватка воды, орошение, технология, урожайность, тонна, продуктивность воды.*

***Abstract.** The article provides information on the use of water-saving technology of irrigating cotton to mitigate the lack of water resources as a result of obtaining 4,14-4,33 tons of raw cotton and effective use of irrigation water.*

***Key words:** Cotton, water shortage, irrigation, technology, yield, tons, water effect.*

Сув танқислиги кузатилаётган бир вақтда сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи, бу нафақат бутун дунё ҳамжамияти, балки республикамизнинг олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Сув танқис бўлаётган бир вақтда, пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари учун иқтисодий томондан кўп маблағ талаб қилмайдиган тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилиш давр талаби ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинларидан, жумладан пахтадан юқори ҳосил олишда илмий асосланган суғориш тартибини аниқлаш ва амалга оширувчи суғориш технологияларни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга.

Дала тажриба ишлари 2013-2014 йилларда, Хоразм вилояти Янгибозор туманининг ўтлоқи-аллювиал, механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир кумоқ, сизот сувлари сатҳи 1,0-2,0 метрда жойлашган шароитларда олиб борилди. Хар хил тупроқ шароитида ғўзадан белгиланган ҳосилни олишда сув тақсимотини тежамкор суғориш технологиялари ёрдамида амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва фермер хўжаликларида хозирги кунда қўлланилмоқда [1, 3].

Тажриба далаларида суғориш суви самарадорлигини ошириш ва эгатнинг бутун узунлиги бўйича тупроқнинг бир текис намланшини амалга ошириш мақсадида қуйидаги технологиялардан фойдаланилади [2, 4]:

- 1-вариант. Назорат варианты (ишлаб чиқариш назорати).
- 2-вариант. Эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғориш.
- 3-вариант. Қарама-қарши томондан суғориш.
- 4-вариант. Эгат оралатиб суғориш.

Тадқиқотлар олиб борилган тажриба далаларида тежамкор технологияларини қўллашда суғориш техник элементлари ҳисобга олинди. Суғориш техник элементлари В.В. Егоров тавсиясига асосан қабул қилинди [5].

Тежамкор суғориш технологияларини қўллашда, ғўза экилган даланинг суғориш олди тупрок намлиги чегаравий дала нам сиғимига (ЧДНС) нисбатан 70-80-60 фоизда ушлаб туриш орқали амалга оширилди.

Дала тажриба ишларини олиб бориш жараёнида тупроқнинг механик таркиби сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва тупроқни белгиланган чегаравий намликда ушлаб туриш ҳисобга олинди.

Юқорида келтирилган тежамкор суғориш технологияларини қўллаш натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришилди.

Эгатни ўзгарувчан оқимда сув сарфи билан суғориш. Бу технологияда суғориш бошида катта миқдорда сув берилади ва сув эгат охирига етиши билан сув ҳажми 2 баробар қисқартирилади. Бунда экин майдонида далага берилётган сув 15-20 фоизга камаяди.

Эгатларни қарама-қарши томонидан суғориш орқали, эгат узунлиги бўйича бир текис намланишига ён томондан сувнинг сизилиши орқали эришилади. Бу усулни қўллаш натижасида дарё сувини 20-25 фоиз иқтисод қилинади, экинларнинг ҳосилдорлигини 20 фоизгача ошиши таъминланади.


Эгат оралатиб суғориш технологияси. Бу усул тупроқдан сув буғланишини камайиши ҳисобига умумий сув бериш миқдорини 20-25 фоиз камайиши таъминланди.

3 та тажриба (механик таркиб бўйича: енгил, ўрта ва оғир тупроқли) далаларида эгатни узунлигини камайтириш яъни қиска эгатлар билан суғорилганда 15-20 фоиз сув тежалди, эгатлар бутун узунлиги бўйича бир текис намланишига эришилади.

Тажриба далаларида сизот сувларини жойлашиши бўйича ўзгариши назорат қилиб борилди. Сизот сувлари сатҳи ўсув даври бошида, суғоришлардан олдин, суғоришлардан кейин, учинчи кун ва вегетация даврининг охирида иккинчи қайтариғидаги барча вариантларда ўрнатилган кузатув қудуқлари орқали аниқланиб борилди. Вегетация даврининг бошидан охирига қараб сизот сувлари сатҳининг кичик қийматда ўзгариб турганлиги кузатилди.

Турли суғориш технологиялари қўлланилган тажриба далаларидаги сизот сувларининг тажриба йиллари бўйича ўзгариш динамикаси 1-расмда келтирилган.

Ўн кунликлар бўйича сизот сувларининг ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, вегетация даври бошига нисбатан охирида ишлаб чиқариш назоратидан ташқари барча вариантларда сизот сувларининг сатҳи пасайганлиги кузатилди.




Ғўза даласида ўсув даврида сизот сувлари сатҳининг ўзгариши ўртача тажриба йиллари бўйича вегетация даври бошида 154-177 см, вегетация даври охирига келиб 143-177 см ни ташкил қилди.

Суғориш ишларини амалга ошириш натижасида сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши барча вариантларда кузатилди. Сизот сувларининг кўтарилиши суғориш тармоқларидаги фильтрация сувлари ва суғориш технологияларини қўллаш билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

Тажриба далаларида эгатни қарама-қарши томондан суғорилган макбул 3-вариантда вегетация даврида сизот сувларининг сатҳининг йиллар бўйича ўзгариши 141-179 см. бўлди (1-расм).

Вегетация даврида юқори микдорда суғориш меъёрида хар гектарига 1100-1300 м³ сув берилди, ишлаб чиқариш вариантларда (1 вариант) сизот сувлари сатҳи 11-13 см. атрофида кўтарилди. Суғориш технологиялари қўлланилган барча вариантларда сизот сувлари сатҳи деярли ўзгармади, сизот сувлари сатҳи 2-4 см га кўтарилди.

Турли хил суғориш технологияларини дала шароитида қўллаш орқали ғўза ҳосилдорлигининг ўзгариши ўрганилди (2-расм).



2-расм. Суғориш технологиясининг пахта ҳосилдорлигига таъсири

Тажриба натижаларига асосан ғўза ҳосилдорлиги хар гектарига 3,01 - 4,33 тонна бўлди.

Тажрибада энг юқори ҳосил (4,14-4,33 т/га), суғориш олди тупроқ намлиги чегаравий дала нам сифимига нисбатан 70-80-60 фоиз тартибда эгатни қарама-қарши томондан суғорилган 3-вариантда олинганлиги кузатилди.

Ортиқча меъёрда суғориш, сув беришлар сонини ва мавсумий суғориш меъёрини кўпайтириш ғўзанинг етилишини кечиктирди, шу билан бир қаторда сувдан самарасиз фойдаланишга ва ҳосилдорликни тушиб кетишига сабаб бўлди (1-вариант).

Шундай қилиб, Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида ғўзани фазалар бўйича суғоришда ва уни амалга оширувчи тежамкор суғориш технологияларни қўллашда энг яхши натижа эгатни қарама-қарши томондан суғориш (3-вариант) ва суғориш олди тупроқ намлигини 70-80-60 фоиз ЧДНСда ушлаб турилганда кузатилди. Бу орқали сувдан самарали фойдаланилди ва ғўза учун талаб қилинадиган тупроқдаги намлик бошқариш натижасида пахтадан юқори ҳосил олишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атажанов А.У., Матякубов Б.Ш. Совершенствование технологии, обеспечивающей равномерность увлажнения корнеобитаемого слоя почвы, орошаемой по бороздам//Международная научно-практическая конференция “Вода для устойчивого развития Центральной Азии”, 23-24 марта 2018 г., г.Душанба, Республика Таджикистан, стр. 227-240.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта (основами статической обработки результатов исследований). Москва.: Агрпромиздат, 1985., с. 415.
3. Матякубов Б.Ш. Эффективное использование оросительной воды// “Сельское хозяйство Узбекистана”, №4, 1998 г. 4-5 стр.
4. Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения. Изд-во 5-е, Ташкент, 1981, с. 89-134.
5. Пахтачилик справочниги. Тошкент., “Меҳнат”. 1989. - 502 б.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

UDC: 81'44

INTENSIFICATION IN THE FIELD OF TEACHING FOREIGN LANGUAGE*G.J. Ibodullayeva, senior teacher, Termez State University, Termez**Sh.Z. Soatmurodova, student, Termez State University, Termez*

Annotatsiya. Ushbu maqola o'zbek va ingliz adabiyotlarida uchrab turuvchi maqollarning eng ko'p qo'llaniladigan va murakkab tarjimalarini muhokama qiladi, shuningdek, maqollar tarjimasidagi o'xshash va farqli jihatlari yoritiladi, ushbu maqola tilning adabiy uslubga oid amaliy xususiyatlarini umumlashtiradi, maqollar izohlarining lingvistik, vazifaviy, stukturaviy va sintaktik ko'rinishlarini taqdim etadi.

Kalit so'zlar: maqollarning turkumlanishi, madaniy birliklar, ixcham va mukammal tarjima, metaforik iboralar.

Аннотация: Данная статья обсуждает часто используемые и сложные переводы пословиц, встречающихся в английской и узбекской литературе, освещаются сходства и различия в переводе пословиц. Статья обобщает практические свойства литературного метода языка. Представляет лингвистические, структурные и синтаксические объяснения пословиц.

Ключевые слова: группировка пословиц, культурные единицы, удобный и совершенный перевод, метафорические словосочетания.

Abstract. The article illustrates one of the most effective and real professional teaching styles – intensive training; here the goal of intensive training of the subject in the shortest possible period of time are under consideration. It summarizes functional features of intensification mastering the language material providing the formation, development and use of these skills and abilities taking into account the individual characteristics of students, the type of activity, the nature of the material and the level of knowledge.

Key words: intensive training, the target language, radical revision, the inner education system, cognitive tasks, relationship a functional role-playing.

Most well-developed technology designs intensive training in teaching foreign language. The intensification of contacts between countries, nations, organizations, people from different countries determines the increasing tendency of striving to master foreign languages and the awareness in the necessary radical revision of their teaching methods. Intensive foreign language learning in high school is considered as real language learning of the target language as a means of communication. The goal of intensive training of the subject in the shortest possible period of time to achieve high-quality assimilation of the maximum amount of material

The content of intensive training consists in mastering a complex of speech skills and abilities necessary and sufficient for an effective and essential activity in a specific area as well as mastering the language material providing the formation, development and use of these skills and abilities. The student's personality becomes the central figure of the learning process when using intensive foreign programs. We note that all programs of intensive foreign language teaching used in the inner education system are constantly analyzed by scientists, which contributes to their improvement. In particular, the most deeply and comprehensively revealed the psychological features of the intensive teaching of students to a foreign language. I.A. Zimney singled out the main characteristics of modern intensive foreign language teaching for given group characteristics certain systems of students, social roles, providing interpersonal relationship a functional role-playing, side of communication and creating intimate, personal informal communication in a group. These features are now widely used by teachers in teaching other subjects.

Intensive teaching methods, if they are competently-comprehensively nature more personal and traditional ones. Intensive technology training involves the establishment of trusting both in the system "teacher-student" and in the system" student-student" which allows to avoid stress remove the feeling of awkwardness and uncertainty. A specific feature of the intensive learning of the foreign language is also the presence of a pressing need and the awareness of the need finds himself in the subject. The coincidence of motive purpose gives few activities a reasonable sense and makes the activity affective. Intensively emit an object only when it is needed, and this need is realized. The organization of intensive training in modern forms of it is implementation contributes to the strengthening of this need.

Intensive learning impulse a rather higher concentration characterized by the need for continuous attachment, of provide greater flexibility of behavior in the future due to the coverage of the entry system. In

conditions of intensive –training this problem is solved in a way because here the distribution in the concentration system is formed. The peculiarities of intensive foreign language teaching of higher school students are also then creation of high mental activity caused by a problem situation, the solution of mental and communicative cognitive tasks a distinctive feature of intensive training also the dominance involuntary over voluntary memorization and the prevalence of a meaningful plan over the formal.

Thus, the psychological peculiarities of intensive learning of a foreign language are, on the one hand, a clear organization of educational material and educational activities in the concentration system and, on the other hand, the correct distribution of educational activities in the concentration system relations in which the comprehends the educational genuine communication situation, in which the mastering of the subject determines needs, satisfaction of finding means and ways of expressing their thoughts. In our opinion, the intensification of the general plan implies the process of turning the activities into educational and creative activities in which the maximum amount of educational information is mastered at the highest possible level when using teacher's personality reserves and overload.

The learning process is much faster and with less labor for the teachers and students. The intensification of the process of learning a foreign language is expressed: firstly, in a methodically organization of classes, in which every minute of study time should be used productively to achieve goals; secondly, communicative activities of students, the necessary emotional atmosphere; thirdly, in a variety of techniques and forms of work, taking into account the individual characteristics of students, the type of activity, the nature of the material and the level of knowledge of it, it is methodologically appropriate imaginative combination of tools that are organically included in the learning process in cases where they can give maximum effect compared to “non-technical means”, fourthly, in introducing into the practice of teaching intensive educational technologies in all cases where they can allow not only to intensify but also individualize the learning process.

UDC: 81'44

MODIFICATION OF ADEQUATE TRANSLATION IN UZBEK AND ENGLISH PROVERBS

G.J. Ibodullayeva, senior teacher, Termez State University, Termez

Sh.Z. Soatmurodova, student, Termez State University, Termez

Annotatsiya. *Ushbu maqola professional va eng samarali o'qitish uslublaridan biri bo'lgan –intensiv amaliyot haqida ma'lumot beradi. Maqolada juda qisqa muddatda intensiv o'qitishning asosiy maqsadi yoritilgan. Ushbu maqola til materiallarini shakllantiruvchi va rivojlantiruvchi intensiv o'qitishning vazifaviy xususiyatlarini, shuningdek, talabalarning individual xarakterlarini, mashg'ulot turi, qo'llanmalarining o'ziga xosligi va bilim darajasini hisobga olgan holda mahorat va qobiliyatlarini qo'llay olishni umumlashtiradi.*

Kalit so'zlar: *intensiv amaliyot, o'rganilayotgan til, takrorlash, ichki ta'lim tizimi, kognitiv topshiriqlar, amaliy sahna tayyorlashdagi aloqa.*

Аннотация. *Данная статья дает сведения о интенсивной практике, как об одном из профессиональных и эффективных методов обучения. В статье освещены основные цели кратковременного курса интенсивной практики. В данной статье обобщается использование навыков и умений с учетом специфики интенсивного обучения, которое формирует и развивает языковые материалы, а также индивидуальные особенности учащихся, тип обучения, особенности и уровень знаний.*

Ключевые слова: *Интенсивная практика, повторение, изучаемый язык, внутренняя система, образование, когнитивные задания, связь с практической подготовленностью.*

Abstract. *The article deals with one of the most common and complicated translation of proverbs in Uzbek and English literature; here similarities and differences of their translation are under consideration. It summarizes functional features of a literary style of language, investigates the linguistic peculiarities of the interpretation of proverbs, their functional, structural and syntactic aspects*

Key words: *the classification of proverbs, cultural affiliation, brief and full interpretation, metaphorical expression*

Several aspects of intercultural competence and cultural identification can be involved in Uzbek and English proverbs. Proverbs are considered as a literary feature to express the history, cultural affiliation, traditions, beliefs relating to a wide range of nations and countries. Some proverbs exist in more than one

language because people borrow them from one languages and cultures similar to theirs. In addition proverbs are often handed down through generations. Therefore, many proverbs refer to old measurements, cultural values, obscure professions, unknown, plants, animals, names and various other traditional matters. The study of proverbs requires the classification of different features of each period.

For instance, according to one of the English proverbs **“a fool’s bolt is soon shot”** it is not tricky to understand that it was created during the war period. If we interpret this proverb from English into Uzbek, we can acquire the result such as **“ahmoqning boshiga aql yopishtirib qo’ysang, qo’li bilan ko’chirib tashlaydi”**.

According to this translation there is no doubt to believe that it sprang up during the old period. As the word *‘bolt’* used in the proverb means *‘kamon o’qi’*, it can be understood to have been created in the atmosphere of war.

All in all, the concrete function of proverbs can be classified through the place utilizing in the speech. Interpreting proverbs is often complex, but is done in a context. Interpreting proverbs from other cultures is much more difficult than interpreting proverbs in one’s own culture. Even within English –speaking cultures, there is difference of opinion on how to interpret the proverb **“a rolling stone gathers no moss”**. Some see it as condemning a person that keeps moving, seeing moss as a positive thing, such as profit while others see the proverb as praising people that keeps moving and developing, seeing moss as a negative thing, such as negative habits.

Similarly, among Tajik speakers, the proverb **“one hand cannot clap”** has two significantly different interpretations. Most believe the proverb as promoting teamwork. Others understand it to mean that an argument requires two people. Children sometimes interpret proverbs in a literal sense, not yet knowing how to understand the conventionalized metaphor.

Interpretation of proverbs is also affected by injuries and diseases of the brain. As one of the well-known Russian poets L.N.Tolstoy said *“In each proverb I witness the creator of the proverb in the appearance of the nation”*, the field of interpretation requires a wide range of knowledge from creators.

One of the major pros points of proverbs is the existence of the sense of goodness and wisdom. But all type of sayings and literary works shouldn’t be considered as proverbs. There is some necessity to adopt them as real proverbs:

- Proverbs should be based on the experiences of nations during their life period;
- The sense of proverbs should not depend on one’s belief but nation’s;
- Proverbs should be formed in a dimunitive, fulfilled way

In fact proverbs provide readers to be aware of the activities and beliefs belonging to various nations. According to the concepts of religious among the countries it can be observed some distinctions in the meanings of interpreted ones. It is common to use the same words such as **heaven-jannat; hell-do`zzax; angel-farishta; devil-shayton** existing the religious atmosphere in several nations. There are some similarities and differences in the meaning of proverbs. For example:

“When Hell freezes”. If we interpret it into Uzbek word by word it means **“Jahannam muzlaganda”**. But there is another alternative proverb in Uzbek: **“Tuyaning dumi yerga tekkanda”**.

“Better the Devil you know than the devil you don’t know” – **“Sinalgan yov urushga yaxshi”**.

“The Devil is good to his own” – **“It itning quyrug’ini bosmas”**.

“He must have a long spoon that sups with the Devil” – **“Yomondan to’n kiysang, to’yda to’nim ber deydi”**.

“He must go whom the Devil drives” – **“O’zimdan chiqqan baloga, qayga boray davoga”**.

“The Devil knows many things because he is old” – **“Qari bilganni pari bilmas”**.

According to the following proverbs it is clear that the English have a sense of depending on devil, hell and like others. However, the meanings of these proverbs in English are believed to be used in a negative way, while in Uzbek they seem positive: **“The Devil knows many things because he is old”** – **“Qari bilganni pari bilmas”**.

Proverbs are often borrowed across lines of language religion and even time. Most are embraced as a true local proverb in many places and should not be excluded in any collection of proverbs because it is shared by the neighbor countries and nations. Al in all, many authors take into consideration the backformation of proverbs before using them in their poems and works, because authors try to emphasize the atmosphere of the poem through using proverbs.

Proverbs are used in conversation by adults more than children. Also, using proverbs well is a skill that is developed over years. Additionally, children have not mastered the patterns of metaphorical

expression that are included in proverb. Proverbs, because they are indirect, allow a speaker to disagree or give advice in a way that may be less offensive. We should remember all the time that a proverb is a well-known sentence of the folk which contains wisdom, truth, morals and traditional views in a memorizable form and which is handed down from generation to generation

REFERENCES:

- 1.Honeck, R. A proverb in mind: the cognitive science of proverbial wit and wisdom. – USA.: Lawrence Erlbaum, 1997. – 277p.
2. Пыиш В. The Structure of Modern English. – L.: Prosvesheniye, 1971. – 366 p.
- 3.Imomov K., Mirzayev T., Sarimsoqov B., Safarov O. O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi. -T.: O'qituvchi, 1990. - 303b.
- 4.Karamatova K.M., Karamatov H.S. Proverbs–Maqollar– Пословицы. – T.: Mehnat, –2000. –398 b.
- 5.Koronets I.V. Theory and Practice of Translating. - Vinnytsia: Nova Knyga, 2001. –265p.
- 6.Marvin, D.E. Antiquity of Proverbs. - New York and London: G.P Putnam Sons, 1922. –103 p.

ЎУК: 81-13.331

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.С. Атаева, ўқитувчи, Тошкент Молия институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги банк-молия терминлари тадқиқ қилинган. Терминларнинг маъно ўзгариши ва ўрганилаётган терминларнинг бошқа сўзлар билан мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: трансформация, терминология, банк, молия, терминлар, лингвистик тахлил, семантика, таржима, олинма сўзлар, илмий сўзлар.

Аннотация. Статья посвящена исследованию банковских и финансовых терминов в английском и узбекском языках. Было показано образование терминов посредством изменения смыслов, терминов и соответствия изучаемых терминов другим словам.

Ключевые слова: трансформация, терминология, термин банковского финансирования, лингвистический анализ, лексико-семантический характер, перевод, приобретение.

Abstract. This article devoted to the research on the terms of banking and finance in English and Uzbek. Including, changes in meaning of terms and correspondence of studied terms with other words are revealed.

Key words: transformation, terminology, terms of banking and finance, linguistic analysis, lexical-semantic character, translation, acquisition.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида миллий тилимиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва халқаро ахборот алмашинуви асосида кўпдан-кўп терминлар (атамалар)нинг истеъмолга кириши ҳисобига бойида, унинг такомиллашуви ҳар қачонгидан авж олди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов бу борада алоҳида сўз юритиб: “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий изланишимиз зарур. Айниқса, ...банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш...эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”[1] – дея таъкидлагани бежиз эмас. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган молиявий-иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ва интеграцияси мамлакатимизнинг банк ҳамда молия соҳаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга туртки бўлди. Бу ўз навбатида, банк-молия соҳасининг тараққий этиши, мазкур соҳада фаол қўлланиладиган молиявий-иқтисодий терминлар тизимини илмий жиҳатдан янада атрофлича тадқиқ қилиш заруратини юзага чиқарди.

Айтишимиз мумкинки, мазкур жараённинг тизимли асосда кечишини таъминлаш масаласи терминларни қўллашда икки тилга хос интеграл ва дифференциал хусусиятларга эътибор қаратиш ҳамда уларни муайян семантик гуруҳларга ажратиш, тасниф қилиш масаласини ёритишни тақозо этмоқда. Бу каби сўз ва терминлар оғзаки ва ёзма нутқ орқали ўзлаштирилмоқда. Бу қуйидагилардан иборат:

1. Инглизча байналмилал банк-молия терминлар ўзбек тилида айнан таржимасиз қўлланилмоқда: dollar-доллар, credit-кредит, banknote - банкнот, lizing -лизинг, businessman-бизнесмен ва бошқалар.

2. Инглизча байналмилал банк-молия терминларнинг баъзилари таржима қилинди ёки унинг ўзбек тилидаги муқобиллари қўлланила бошланди: application - анкета-сўровнома, deficit - дефицит-тақчил, license -лицензия-руҳсатнома, capital money - капитал-маблағ, reform –реформация - ислохот. Банк-молия терминларининг инглиз ва ўзбек лексик жихатдан кузатиш мумкин: кўплаб терминлар тилимиз имкониятлари асосида ўзбекчалаштирилган. Бунда бир гуруҳ инглиз тилидаги терминларни ўзбек тилидаги тайёр муқобиллари билан берилмоқда, маълум қисми эса таржима қилиниб ишлатилмоқда, бир қисми эса ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ясалмоқда. Масалан: auction-аукцион-кимошди, broker-маклер-даллол, shareholder-акционер-акциядор, businessman-бизнесмен-бизнесчи ва ҳоказолар. Умуман олганда, И.В.Арнольд тўғри таъкидлаганидек, терминологик бирликларнинг ўзига хос сўз ясалиш жихати шундан иборатки, уларнинг ҳосил бўлиши тилнинг ўз ички ресурсларига асосланади [2].

Шу ўринда шуни таъкидламоқ зарурки, янгидан кириб келаётган банк-молия терминларнинг ҳаммасига ҳам ўзбекча муқобилини топиш қийин. Шунинг учун уларнинг асосий қисми дунёнинг кўпчилик мамлакатлари тилларида бир шаклда ўз асл ҳолича ишлатилади ва бу қўлланиш дунё бизнесчилари ахборот алмашинуви учун қулай. Масалан: аудитор, авизо, валюта, лизинг, менеджер.

Терминларнинг маълум қисми турли муқобилларда ҳар хил қўлланилди. Чунончи, “акционерное общество- shareholder society” термини ўзбек тилида акционерлик жамияти, хиссадорлик жамияти, акционер жамият каби вариантларда, “barter” термини мол айрабошлаш, товар айрибошлаш, мувозанат, бартер вариантларида, “broker” термини даллол, келиштирувчи, битиштирувчи, воситачи вариантларида, “демпинг” термини эса арзонга сотиш, нархни танлаш, молни четга жуда паст нархда сотиш каби вариантлари ишлатилипти. Албатта, бундай ҳар хилликлар соҳа мутахассисларини чалкаштиради, ахборот алмашинувини қийинлаштиради. Шунинг учун терминологиядаги асосий принцип - “бир тушунчага битта термин” ишлатилишига эришиш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши, полесемантик сўзнинг айрим маънолари орасидаги боғланишнинг йўқолиши, айримларининг махсусланиши орқали янги сўзнинг ҳосил қилиниши – семантик ёки лексик-семантик йўл билан сўз ясаш деб юритилади [3]. Шу нуқтаи назардан, инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия терминологиясида ҳам семантик усул билан ясалган терминлар кўплаб учрайди. Маълумки, тилнинг лексикаси нафақат микдорий, балки сифат жихатидан ҳам бойиб боради: эски сўзларда янги маъно пайдо бўлади, уларнинг эски ва янги маънолари ўртасидаги муносабатлар қайта англашилади. Банк ва молия терминларини тарихий-этимологик нуқтаи назардан текшириш шуни кўрсатадики, ундаги кўпгина терминлар соф семантик усул билан ясалган. Масалан: кирим, чиқим, харажат, маблағ, шакл, камомад кабилар.

Кенг семантик диапазонли терминлар терминологик тизимда биргина маънони англадиб, экспрессив-эмотив коннотацияни ифодаламайди. Тилшунос олимларнинг фикрича, бундай терминлар “фикрнинг чуқур моҳияти”ни ўз таркибига қамраб олган бўлади [4]. Масалан, қолдиқ, буюртмачи, устама, қайднома каби терминларнинг барчаси бошқа-бошқа феъллардан ҳосил бўлган.

Аслида турли аниқ ва мавҳум отларнинг номлари бўлган картотека, омонат, терминал, кредит, бадал, суғурта каби сўзлар иштирокида лексик - семантик усул билан ясалган терминлар кўплаб учрайди: кредит бериш, омонат касса, суғурта полиси, картотека очиш каби. Инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия терминларининг асосий қисмини ташкил этувчи бундай бирикма терминларнинг бошқа соҳаларда бўлганидек, тушунчаларни мантиқан, мазмунан ва грамматик жихатдан тўғри ифодалашда семантик трансформацияга учраган иккинчи компонентларнинг аҳамияти каттадир.

Тўпланган далилий материаллардан инглиз ва ўзбек тилларида банк – молия терминологиясида бутун номини англаувчи терминларга қараганда, унинг қисмларини англаувчи терминлар бир неча марта кўплиги аён бўлди. Масалан, омонат - омонат дафтарчаси, омонатга маблағ киритиш, омонатдан нақдсиз маблағ йиғиш ва бошқалар. Баъзан лексик - семантик йўл билан банк – молия терминларини ясашда адабий тилдаги сўз билан унинг шевалардаги маънодошлари синоними тарзида қўлланади: мол-мулкни гаровга қўйиш-мол-мулкни гаровга олиш. Бизнинг фикримизча, бир терминологик тизим доирасида бундай лексик-семантик бирикма терминларнинг вужудга келишига,

биринчидан, лексик-семантик ясашида иштирок этаётган иккинчи компонентнинг метафорик қўлланиши, иккинчидан, бу терминлар бошқа тилдан калькаләш йўли билан ҳосил қилинганлиги, учинчидан, таржимон ёки муаллифнинг маълум бир шева вакили эканлиги сабаб бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, терминлар ўтмиш даврларда халқ тили асосида юзага келиб, жонли сўзлашув тили билан мустаҳкам алоқада ривожланган. Шунинг учун уларда халқ тилига хос бўлган кўпдан-кўп метафорик қўлланишлар ўз аксини топган. Масалан: пластик карточка, дуэт карточка, кредит карточка каби бирикма терминлар таркибидаги карточка сўзи умумадабий тилда бирор нарса учун берилган расмий қоғоз номини англатади. Маълумки, кирим – феълдан ясалган бу от бирор нарса учун берилган мавҳум от маъносини англатади. Тўпланган материалларни таҳлил қилиш инглиз ва ўзбек тилларида банк - молия терминологиясида метафорик ўхшатиш асосида лексик - семантик усулда термин яшашнинг қўлами жуда кенглигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инглиз тилида банк - молия терминологик бирликларининг ясаши жараёни бошқа лексемалар каби тўртта асосий лингвистик усулга таянади:

- морфологик усул;
- синтактик усул;
- семантик усул;
- сўз ўзлаштириш усули [5].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.– Б.87.
2. Арнольд И.В. Лексикология английского языка. – М., 1959. – С.325.
3. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши. – Т.Ўқитувчи, 1989. – Б.255.
4. Беделадзе Т., Ниязатов Ш., Уватов У. Инглизча-ўзбекча-русча тижорат луғати. – Т., 1995. – Б.313.
5. Турсунов У. ва бошқалар. Ўзбек тили лексикологияси. -Т.:Фан, 1981.

УДК 81.373.2

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ОБРАЗЛИ НОМЛАНИШЛИ ТОПОНИМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ МАСАЛАСИ Н.Б. Қурбонов, ТАТУ Фаргона филиали, Фаргона

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз тилларидаги жой номларининг номланиши, уларни номловчи омиллар, бу омиллар номланишни мотивациялашдаги роли, ўзбек ва инглиз топонимларининг қиёсий тадқиқи муҳокама қилинган.

Калим сўзлар. Этимология, образли номланиш, омиллар, тамойиллар, мотивация, тарихий, лингвистик, этник, табиий, эмоционал, иқтисодий, ижтимоий, маданий.

Аннотация. В этой статье рассматриваются названия мест и их факторы в названиях на узбекском и на английском языках, роль этих факторов в мотивации называния и сравнительное исследование географических названий в этих языках.

Ключевые слова. Этимология, образная номинация, факторы, принципы, мотивация, исторический, лингвистический, этнический, натуральный, эмоциональный, экономический, социальный, культурный.

Abstract. This article discusses place names and factors in their naming both in the Uzbek and English languages, the role of these factors in the motivation of naming, and comparative research of place names in both languages.

Key words: etymology, figurative naming, factors, principles, motivation, historical, linguistic, ethnic, natural, emotional, economical, social, cultural

Топонимларнинг тарихий қиёсий тадқиқи бу маъносини англаш қийин бўлган топонимлар юзасидан илмий кузатиш олиб боришни англатади. Худди шу маънода образли номланиш маҳсули бўлган бир қанча топонимларнинг икки тил нуқтаи назаридан тадқиқ этиш икки халқ ономастикаси тизимидаги топонимлашув ва образли номланиш тизимини халқлар маданияти ҳамда қадриятларига боғлиқлигини мисоллар воситасида талқин ва таҳлил этишга имкон беради. Бу эса умуминсоний фазилатлардан бири бўлган образли номланишнинг худудий, этнолингвистик ва этномаданий хусусиятларини очишга шароит яратади.

Ҳар бир объектнинг номланишида қандайдир сабаб, қандайдир воқеа ёки маҳаллий аҳоли турмуш тарзи ётади. Булар номловчи омиллар бўлиб, улар тарихий, лингвистик, этник, табиий, эмоционал, иқтисодий-ижтимоий, диний-маданий омиллар бўлиши мумкин. Бундай омиллар

объектнинг номланишини мотивациялашда муҳим роль ўйнайди. Мотивацияланган образли номлар куйидагича таснифланади:

1. Топообъектларнинг географик жойлашуви ва унинг рельефи. Топообъектларнинг номланишида одамлар жойнинг географик жойлашувига эътибор қаратадилар, жойнинг қандай жойлашганлигига қараб ном берадилар. Ўзбек тилида бундай номларда *тепа, чек, юқори, қуйи, ўрта, чуқур, баланд, жар, ёр* сўзлари тополексема сифатида иштирок этиб келиши кузатилади: Ўзбекистон Республикасида **Юқориқурум** (Шаҳрисабз), **Юқори Чирчиқ**, **Қуйи Чирчиқ** (Тошкент в.), **Чекшўра**, **Ёрмозор**, **Ёрдон** (Фарғона в.). Ёрмозор, Ёрдон топонимларидаги ‘ёр – йор’ сўзи ҳозирги ўзбек тилидаги **жар** сўзи бўлиб, ўзбек тилида “ж”ловчилик ҳодисаси натижасида ‘й’ товуши ‘ж’ товушига, ‘о’ ва ‘а’ товушлари эса ўзаро алмашилиб турган, *жар → жор → йор; -дан → дон* ёки аксинча ҳолатда бўлади.

2. Топообъектларнинг миллат, элат ёки қабила номи билан боғлиқлиги. Топообъектлар шу ҳудудда яшаган миллат вакиллари ёки келгинди қабила, миллат, элатлар номлари билан номланади. Бундай номларда шу миллат ёки қабила номи билан номланиши, ёки шу миллат ёки қабила номи ном ясовчи қўшимча (топоформант) сифатида ишлатилади: Фарғона вилоят Бағдод туманидаги **Хитой** маҳалласи номланиши XII асрда Фарғона водийсига қорахитойларнинг кириб келиши билан боғлиқ [1]. Янги Зеландиядаги **Zulu** (Зулус) дарёси, **Maori Tongue** (Маори тили) ўрмони, **Saxon River** (Саксон дарёси).

3. Топообъектларнинг инсон ёки ҳайвон гавдаси, тана аъзоларига ўхшатилиши. Топообъектларнинг инсон ёки ҳайвон гавдаси, тана аъзоларига ўхшатилиб номланиши асосан оронимларга хос хусусият бўлиб, уларнинг ташқи кўриниши муҳим роль ўйнайди: бундай номлар Янги Зеландия давлати оронимларида кўпроқ учрайди, **Camelhead Hill** (Туя боши тепалиги), **Black Rat** (Қора каламуш чўққиси), **Dukes Nose Rock** (Графнинг бурни чўққиси), **Black Cow** (Қора сигир тоғи) ва **Brown Cow** (Жигарранг сигир тоғи), **Whalesback** (Китнинг орқаси) чўққиси. Бундай метонимик номланишлар Ўзбекистон ҳудудидаги тоғли зоналарда тадқиқ қилиниши керак.

4. Топообъектларнинг номланишида эмоционаллик. Объектларнинг эмоционал номланишида халқ томонидан улардаги қандайдир белгилар, ўсимлик дунёси, сиёсат, ҳаттоки, диний омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди: **Водил** қишлоғи (халқ этимологиясига кўра “кўнгилни очадиган, кўнгилни хуш қиладиган жой” маъносига “воҳ дил” дейилган), *воҳ дил → водил → Водил*. Шунингдек, Фарғона ш. **Қиргули** мавзеси, халқ этимологиясига кўра жойнинг қирликлар бўлганлиги ва қирдаги гулларга нисбат берилганлиги эмоционалликни кўрсатиб турибди.

5. Топообъектларнинг флористик хусусияти. Объектларнинг бундай номланишида шу жойдаги ўсимлик дунёси ёки шу жойга бирор ўсимлик образи берилиши орқали ном берилади. Масалан, **Лолазор** маҳалласи (Андижон в. Пахтаобод т.), **Дўлана** маҳалласи (Андижон в. Булоқбоши т.), **Жийда** маҳалласи (Фарғона в. Бешариқ т.)

6. Топообъектларнинг касб-хунар, ишлаб чиқариш билан алоқадорлиги. Жой номларининг бундай номланишида маҳаллий аҳолининг машғулоти, касб-хунари, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти номи иштирок этади: Марғилон шаҳрида **Тақачилик** маҳалласи, Тошлоқ туманида **Кигизчилик**, **Пиёзчилик**, **Кўмирчилик** қишлоқлари, **Сўкчилик** маҳалласи, Буюк Британиядаги **Beer** (Пиво) қишлоғи.

7. Топообъектларнинг ранг-тус белгиси, овоз ва бошқа хусусиятларининг мавжудлиги. Объектларнинг бундай номланишида объектнинг ранги, сифати, ҳаттоки тупроқнинг ранги ҳам ном берилишига асос бўлади: Ўзбекистон Республикасида **Қорадарё**, **Сариктепа**, **Қизилқум**, **Қорабел** (тоғ тизмаси), Янги Зеландияда **Ugly River** (Хунук дарё), **Blackwater River** (Қорасув дарёси), **Dark River** (Тўқ рангли дарё), **Dry River** (Куруқ дарё), **Roaring Billy Fall** (Бақираётган Билли шаршараси).

8. Топообъектларнинг мавҳум тушунчалар, дин, афсоналар ҳамда турли касалликлар билан алоқадорлиги. Жойларга ном берилишида мавҳум тушунчалар, афсоналар ҳамда касаллик номлари ишлатилиши кузатилади: **Гўриаввал** маҳалласи (Марғилон ш.), **Сўфилар** қишлоғи, **Болалик** қишлоғи (Фарғона в. Қува т.), **Борсакелмас** ороли (Орол денгизига), Фарғона вилояти Бешариқ тумани билан чегарадош Тожикистоннинг Ашт туманидаги **Мохов** тоғи, **Песхона** қишлоғи (Қашқадарё в.), Янги Зеландиядаги **Vampire Peak** (Вампир чўққиси), **Misery** (Азоб дарёси).

9. Топообъектлар тарихида муҳим воқеалар юз берганлиги. Жойларга бундай ном берилиши тарихий омил бўлиб, шу жойда тарихда юз берган бирор воқеанинг жой номига айланишига сабаб бўлади: Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги **Моси** қишлоғи (хитойча ‘мо’

ва ‘си’ сўзларидан – “от қирилган”), Тожикистон Республикаси Ашт туманидаги **Ҳодарвиш** қишлоғи.

10. Мустамлакачи мамлакат топонимларининг кўчирилиши. Бундай топонимларни асосан Буюк Британия мустамлакаларида кўп кузатиш мумкин. Бундай топонимларни мемориал топонимлар дейиш ҳам мумкин. Британия давлатидаги шаҳар ва қишлоқ номлари мустамлакачи-келгиндилар томонидан олиб келинган: **Hastings** (Янги Зеландия), **New York, London** (АҚШ).

11. Топообъектларни машҳур шахслар, давлат арбоблари, сиёсатчилар, ҳарбийлар номлари билан номланиши. Машҳур шахслар номлари шарафига номлаш ер юзида кўплаб учрайди. Жумладан, Ўзбекистон тарихида ҳам, собиқ шўролар давлати территориясида ҳам шундай номлар кўп бўлган. Тарихда ҳатто шаҳар номлари машҳур шахслар номлари шарафига қўйилган. Ҳозирда бундай номлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оз бўлсада учраб туради: **Навоий шахри, Шароф Рашидов** маҳалласи (Қўштепа т.). Янги Зеландияда **The Tasman river** (Тасман дарёси – машҳур сайёҳ Тасман номи шарафига), **Strathmore** — Страсмор (Англия қироли Георг VI нинг хотини Страсмор номи шарафига), **Queen Mary** (Қиролича Мария), **Queen Elizabeth** (Қиролича Елизавета).

12. Топообъектлар номларида предмет номлари. Объектларнинг номланишида иш куроллари, ошхона буюмлари, ҳарбий буюмлар ва бошқа предмет номлари қўлланилган. Масалан, **Болтақўл** қишлоғи (Фарғона в. Қўштепа т.), **Жангкетмон** қишлоғи (Фарғона в. Фурқат т.), **Поп** тумани (Наманган в.) Янги Зеландияда **Revolver Bay** (Револьвер қўлтиғи), **Fryingpan Point** (Това чўққиси), **Black Umbrella** (Қора зонтик чўққиси).

13. Топообъектлар номларида киши касб номларининг ишлатилиши. Топообъектлар номларида жамиятда кишилар машғул бўлган касб номлари қўлланилади. **Жомашўй** (кийим ювувчи, Наманган в.) қишлоғи, **Жевачи** маҳалласи (Андижон в. Андижон т.), **Йўрмадўз** маҳалласи (Марғилон ш.), **Чиндовул** қишлоғи (Фарғона в. Олтиариқ т.), Янги Зеландияда **Mailman** (Почтачи дарёси), **Man o'War** (Жангчи дарёси), **Policeman Peak** (Полициячи чўққиси).

14. Топообъект номларининг аннексия қилиниши. Топообъект номларининг аннексия қилинишида бирор объект ёнидаги иккинчи объектнинг номидаги ўзакни тўлиғича ёки қисман ўзлаштириб олади. Финландиядаги Saarijärvi қўли номини унинг атрофидаги қўриқ ерлар номи **Saarijärvenkangas** [2]. Объект қўлнинг номини ўзлаштириб олган. Масалан, **Шоҳимардонсой** гидроними **Шоҳимардон** қишлоғи (Фарғона т.) номини тўлиғича аннексия қилиб олган.

Топообъектларнинг номланиши мотивациясида сабаб ва мақсад бўлиб, унда ном берувчининг топообъектга нисбатан ҳиссий муносабати туради. Ном берувчи объектнинг қандайдир белгисига асосланган ҳолда номлайди.

Ўзбек топонимлари бошқа тиллардаги топонимлар билан қиёсий ўрганилмаган бўлиб бу борада С. Каримов, С. Бўриевлар ўз фикрларини билдириб ўтадилар: “.....тадқиқотларнинг ҳудудий қўламини кенгайтиришни, унинг доирасидаги бир қатор локал-регионал топонимик материалларни қиёсий ўрганишни тақозо қилади. Чунки ҳудудда кўп асрлар давомида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, олиб борилган босқинчилик урушлари, юз берган турли миграциялар, шу ҳудудда ва бошқа ҳудудларда яшовчи халқларнинг тили ва этник таркиби ана шу қиёсий таҳлилни зарурат қилиб қўяди” [3]. Шунинг учун ҳам инглиз ва ўзбек тилида сўзлашувчи аҳолининг географик жойлашуви, тили, тарихи ва топонимлари шунингдек, топонимларнинг образли номланиши тизими хилма-хил ва ранг-баранг бўлиб, асосий ўрганиш объектлари сифатида ўзбек топонимлари билан қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ю.И.Аҳмадалиев ва бошқалар. Фарғона водийси: шаҳар, қишлоқ ва маҳалла номлари. Топонимик луғат. Тошкент-2017. 146-бет.
2. Terhi Ainiälä, Minna Saarelma, Paula Sjöblom. Names in Focus. An Introduction to Finnish Onomastics. Helsinki. 2016. 63, 76-бетлар.
3. С.А.Каримов, С.Н.Бўриев. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. “Фан” нашриёти. Тошкент-2006. 13-бет.

УДК: 410

ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПОСЛОВИЦ В ПРОЗАИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ

Д.С. Турдалиева, преподаватель, Ферганский политехнический институт, Фергана

Annotatsiya. Matndagi maqollarning mazmuni, aloqasi va badiiy metodik jihatlari qiyosiy san'at san'atidan foydalanishda yaqqol ko'rinib turadi. Turli materiallar deyarli barcha maqollarda mavjud. Pragmatik omillar hissiyot san'atiga asoslangan maqollar yordamida ko'plab kommunikativ funksiyalar va

oqilona munosabatlarni namoyish etadi. U maqoldan matnga, matndan maqolaga qadar ikki xil mohiyatga ega.

Kalit so'zlar: maqola, hissiy, muloqot vazifasi, badiiy va estetik xususiyat, umumiy shaxs, mohiyat

Аннотация. Содержание, общение и художественная методологическая значимость пословиц в тексте очевидны в использовании искусства сравнительного искусства. Различные материалы доступны практически во всех пословицах. Прагматические факторы демонстрируют многие коммуникативные функции и разумные отношения с использованием пословиц, основанных на эмоциональном искусстве. Он имеет двойную сущность от пословицы к тексту, от текста к пословице.

Ключевые слова: пословица, эмоциональная, коммуникативная задача, художественно-эстетический характер, общая личность, сущность

Abstract. The content of the text and the artistic methodological significance of the proverbs in the text are evident in the use of comparative art. Various materials are available almost in all proverbs. Pragmatic factors demonstrate many communicative functions and reasonable relations with the usage of proverbs based on emotional art. It has a double essence from proverb to text and from text to proverb.

Key words: proverbs, emotional, communicative problem, art-aesthetic temper, overall personality, essence

Народные пословицы служат выражением коммуникативной, эмоционально-выразительной, художественной эстетики в художественных текстах. В частности, в текстах прозы первая и третья из этих задач более распространены. Использование пословиц можно сравнить с катализатором химической реакции химического элемента. Тем не менее, если художественно-эстетическая задача усиливается, она также вносит значительный вклад в коммуникативный процесс - это ускоряет понимание информации, оказывает значительное влияние на качество и масштаб ее принятия. Это также дает большую силу эстетическому настрою слушателя [2, 35].

Одной из основных художественных особенностей пословиц, используемых в прозаических текстах, является эмоциональная функция. Это сравнение проявляется несколькими способами и направлениями. Ниже будет обсуждаться каждый из них отдельно.

Сравнение реального значения текста с реальным значением пословицы. Этот вид сравнения встречается во всех пословицах. Цель говорящего убеждение путём обоснования своего мнения пословицей выходит на первое место. Например: *Даром ведь и кошка на солнце не выходит. А разве мало денег потратил он на то, чтобы стать эликбаши? Одному только мингбаши он принес в дар семьсот снопов клевера и годовалого жеребенка.* Прямое значение пословицы без переносного – мнение о кошке, как и всяком живом существе, которое действуя в своих личных интересах, думая о пользе он действует для получения добычи, концепции «действие/ деятельность» и «выгода» становятся вербальным. Писатель действие мингбоши сравнивает с действиями кошки. Основа сравнения уподоблённого аналогии в значении текста, в этом случае мы не имеем представления о вербальном виде средства сравнения. Связь между пословицей и сущность значения текста отражается в невербальной и имплицитной основе. Но, понимания пословицы с языковым элементом «как говорить» сосредоточены в способностях языка. Вместе с этим, последующий контекст, выполняя задачу обзора предыдущего контекста выполняет функцию усиления сравнения.

Как видно, существующая двухсторонняя связь содержаний, которая на основе сравнения создаёт единство содержания между двумя микро текстами, имеет многослойные отношения:

- сравнение и сходство;
- тезис и комментарий;
- общее и единичное;
- основа и производное;
- сущность и событийность;
- причина и следствие.

При подходе нужно исходить от происхождения пословицы или значения текста.

Этот, конечно связано с многогранностью источника изучения или с тем, что берётся в качестве предмета анализа. (3,43).

На основании создания связи искусства сравнения в пословицах можно увидеть подобия и зависимости в структуре тезиса и комментария, общности и особенности, основы и сущности, сущности и явления, причины и следствия возвышенной структуры.

Когда источником анализа является текст после пословицы, он будет иметь направление текст → пословица. В этом варианте осуществления, имитируемый текст, направляет его в систему сравнения, распознавая аналогичный элемент как его часть.

Когда мы читаем текст после пословицы, мы видим, что есть иллюзия картины. На первый взгляд, содержание жалости к офицеру показывает, что это горький смех перед лицом предыдущих мыслей. Этот смех направлен на разоблачение чиновника тем фактом, что у него нет месячной зарплаты, а живёт он за счёт вымогательства.

